

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**УДК: 373.5:028.01**

**КАМБАРОВА САОДАТ ИРКИНОВНА**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ  
МУСТАҚИЛ МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун  
ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Матчанов Сапа,  
педагогика фанлари доктори, профессор**

**Самарқанд – 2019**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	11
1.1-§. Ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш – педагогик-психологик муаммо сифатида .	11
1.2-§. Ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга қўйиладиган дидактик талаблар .....	37
I боб бўйича хулосалар .....	64
<b>II БОБ. АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ</b> ..	66
2.1-§. Ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга доир ўқув-тарбиявий ишлар жараёнини технологиялаштириш ва лойиҳалаштириш .....	66
2.2-§. Мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришда асар таҳлилига замонавий ёндашувлар .....	90
II боб бўйича хулосалар .....	118
<b>III БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ</b> .....	122
3.1-§. Ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари мазмуни .....	122
3.2-§. Тажриба-синов ишларининг самарадорлик даражаси .....	136
III боб бўйича хулосалар .....	149
<b>ХУЛОСА</b> .....	151
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....	154
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	168

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётида жамият тараққиёти ва баркамол шахс камолоти омилларидан бири сифатида китобхонлик маданиятини шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратиш тенденцияси кузатилади. Дунёнинг етакчи давлатларида таълим тизимига “reader response” (китобхон жавоби), “student – centered” (ўқувчи фаол) каби ёндашувлар жорий этилиб, бадиий асарнинг яхлит адабий-эстетик ҳодиса сифатидаги маъно ҳосликларини кашф қилиш, ўқувчи фаоллигини ошириш, креативлик, мантиқий ҳамда танқидий мушоҳада юритиш каби мутолаа санъатини эгаллашга доир стратегиялар ишлаб чиқилмоқда.

Халқаро миқёсда таълимда прагматизм, рецептив эстетика ва унинг замиридаги транзакция назариялари (китобхон ва асар диалоги)ни татбиқ этиш орқали ўқувчиларнинг асарда тасвирланган воқелик моҳиятини реал ҳаётий асослари билан қиёслаш, матн мазмунини эмоционал идрок этиш, образли ва аналитик фикрлаш малакаларини шакллантиришга қаратилган йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда, умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларни мунтазам мустақил мутолаа маданиятига ўргатиш, ушбу жараённинг педагогик-психологик имкониятларини таҳлил қилиш, методик таъминотини замон талаблари асосида такомиллаштириш, шахс сифатларини таркиб топтириш ҳамда глобал тафаккур ривожига доир технологияларни қўллаш муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онги ва тафаккури, дунёқарашини юксалтириш, ўз Ватани ва халқига бўлган муҳаббати ва садоқат туйғусини шакллантиришга доир ислохотлар қаторида китобхонлик маданиятини оширишга қаратилаётган эътибор маданий мулоқотда фаол иштирок этадиган рақобатбардош кадрларни тарбиялаш имкониятларини оширмоқда. Ўзбекистон Республикасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича чоратадбирлар дастурида “китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, “Энг

китобхон мактаб”, “Энг китобхон маҳалла”, “Энг китобхон оила”, “Энг фаол кутубхоначи” каби кўрик-танловларни юқори савияда ўтказиш” [7] каби вазифалар белгиланган. Бу борада, умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга таъсир кўрсатишнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш, китобхонлик даражасини ошириш усулларини ташкилий-методик жиҳатдан тизимлаштириш ва дидактик таъминотини такомиллаштириш, ўқув-тарбиявий ишлар жараёнини технологиялаштириш ва лойиҳалаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон [4], 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонлари [5], 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон Қарори [7] ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тарбияшунослик илмига беқиёс ҳисса қўшган Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг педагогик қарашларида инсон маънавий камолотига мутолаа маданиятини эгаллаш орқалигина эришиш мумкинлиги қайта-қайта тилга олинishi бежиз эмас. Ўзбекистонда ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш

муаммосига турли йилларда нутқ ўстириш, синфдан ташқари ўқишни ташкил этиш, бадиий асар мазмунини ўзлаштириш масалалари доирасида ёндашилган.

Мутолаа муаммосининг айрим жиҳатларини Қ.Йўлдошев адабиёт ўқитишда янгиланган педагогик тафаккур [90], М.Мирқосимова ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш тизими [102], С.Матчонов адабиётдан мустақил ишларнинг асоси [100], Қ.Хусанбоева мустақил фикрлашга ўргатиш [148], Р.Ниёзметова таълим рус тилида олиб бориладиган мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили дарс (машғулот)ларида адабий материалларни ўрганиш [108], М.Нигматова мактабгача ёшдаги болаларда китобхонлик кўникмаларини ўстириш [107] усуллари мажмуи тарзида тадқиқ қиладилар. Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш жараёнида кутубхоналардан мақсадли фойдаланишни оптималлаштиришнинг назарий асослари, жамият тараққиёти ва комил инсон тарбияси, оила китобхонлигини белгилаб берувчи меъёрий хужжатларни яратиш муаммолари А.Умаров [122], С.Чиниева [129], Д.Ғаниеваларнинг изланишларида [142] алоҳида таҳлилга тортилгани кузатилади.

Китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг педагогик ва психологик асослари МДХ олимларидан А.Леонтьев [95], В.Веселова [74], Л.Шейман [132], Н.Сметанникова [119], Р.Декушева [80] тадқиқотларида, асосан, асар матни устида ишлаш, синфдан ташқари ишлар ва факультатив машғулотларни ташкил этишга боғлиқликда талқин қилинади.

Таълим оловчиларнинг мутолаа маданиятини шакллантириш усуллари, ўқиш стратегияларининг китобхонлар ёши, интуицияси, жинси, руҳияти билан боғлиқ жиҳатлари хорижлик С.Hodges [145], M.Barrs [70], P.Benton [71] (Англия), A.Lipson [96], E.Hirsch [144], C.Clark [91] (АҚШ), E.Saito [38] (Япония), A.Mujawar [30] (Ҳиндистон) каби олимларнинг илмий-методик асарларида ўз аксини топган. Мавжуд илмий-методик манбаларда умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш муаммоси тўлиқ тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек тили ва адабиётининг илмий тадқиқи ҳамда уни ўқитишнинг замонавий технологиялари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш технологиясига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга таъсир кўрсатишнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш;

таълим олувчиларнинг китобхонлик даражасини ошириш усулларини ташкилий-методик жиҳатдан тизимлаштириш ва дидактик таъминотини такомиллаштириш;

баркамол китобхон-ўқувчи тарбиясида мутолаага қизиқтириш, матн устида ишлаш, асар таҳлилига йўналтириш, ёзувчи шахсияти ва ижодини ўрганиш имкониятларини белгилаш;

ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришда ўқув-тарбиявий ишлар жараёнини технологиялаштириш ва лойиҳалаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги мактабларнинг 461 нафар 5–9-синф ўқувчилари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш жараёнининг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида муаммога оид адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш, ДТС, ўқув режалари ва дастурлари, дарслик ва методик қўлланмаларни таҳлил қилиш, ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўров) ва педагогик тажриба-синов, мониторинг, тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайта ишлаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

билиш жараёни омилларининг (мақсад, восита, натижа, ижтимоийлик) ўқувчилар китобхонлигини ривожлантиришга таъсири бадиий асар таҳлилининг педагогик-психологик хусусиятларини (эҳтиёж, қизиқиш, ибрат олиш билан боғлиқ маънавий-эстетик тарбияга йўналтирилганлик) очиқ бериш асосида аниқлаштирилган;

ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш босқичлари ташкилий-методик (китоб тарғиботи, реклама, сўровнома, ойлик хабарнома, мактаб ва оила ҳамкорлигидаги алоқа дафтари) ва дидактик (мутолаа курслари дастури, адабиёт, кўрғазма) таъминотдан фойдаланиш интеграциясига (кетма-кетлик, боғлиқлик, тўлдириш) амал қилиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг китобхонлик даражасини ошириш ёндашувлари шахс ва ижодкорлик фаолиятини ўрганиш таркиби (портфолио, ассисмент, какография, ижодий топшириқлар) ҳамда матн таҳлили элементларини (эмпатия, илмий фараз, рамзий кўриш, ўйлаб топиш, агглютинация) киритиш асосида такомиллаштирилган;

мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга оид илмий-методик таъминот синфдан ташқари (виртуал лаборатория, панорамик тасвир, вебсаҳат) ва факультатив (вебинар, ижодий учрашув) машғулотларни технологиялаштириш ва лойиҳалаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларининг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш бўйича “Мустақил мутолаа ва адабий таҳлил”

номли монография, “Мактабда бадий-эстетик тафаккур тарбияси” ҳамда “Ўқувчиларни махсус савол ва топшириқлар воситасида мутолаага кизиштириш” номли методик қўлланмалар яратилган;

умумий ўрта мактаблар адабий таълими жараёнида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришнинг дидактик ва методик таъминоти махсус мутолаа курслари дастури ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхатини тавсия қилиш асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш юзасидан мустақил ўқишга оид виртуал лабораториялар мазмунини яратиш ҳамда оила, мактаб ва маҳаллалар ҳамкорлигида китобхонликни такомиллаштиришга қаратилган интерактив лойиҳаларни татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижаларидан компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари, шунингдек, ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда дарсликлар яратишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларнинг китобхонлиги даражасини шакллантириш технологиялари тизимлаштирилгани, мустақил мутолаага оид дастур, мажмуалар тузиш ҳамда адабий таълим самарадорлигига хизмат қилишга қаратилган етакчи ғоялар белгилангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишда илгари сурилган илмий-назарий ғоялар, тавсиялар мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш амалиётида, хусусан, “Ўзбек адабиёти” дарсликлари, адабиёт

Ўқитиш методикасига оид қўлланмалар яратишда, маъруза матнлари тузишда муҳим манба бўла олади. Шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари тингловчилари учун адабий таълим мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бадий асар таҳлиliga доир замонавий ёндашувларнинг билиш жараёнига таъсири, ўқувчилар китобхонлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 01-02/2-2-193-сонли маълумотномаси). Натижада ўқув дастурлари мазмуни ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, адабий таълим узвийлиги ва узлуксизлиги, мавзу ва жанрий хилма-хиллик тамойиллари, асарнинг ғоявий-бадий хусусиятлари асосида шакллантириш имконияти кенгайтирилган;

ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш босқичларини такомиллаштириш, ташкилий-методик ва дидактик таъминот интеграциясига оид таклифлардан Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 3 июлдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари асосида такомиллаштирилган ўқув дастурларини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 190-сон буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 01-02/2-2-193-сонли маълумотномаси). Мазкур ҳужжат “Ўқиш” ва “Ўзбек адабиёти” фани ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг адабий-назарий тушунчаларни ўзлаштириш, адабий қаҳрамонларни тавсифлаш, савол-топшириқлар устида ишлаш ҳамда дарсликлардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

Ўқувчиларнинг китобхонлик даражасини ошириш мазмуни, ижодкор шахси ва фаолиятини ўрганиш ҳамда матн таҳлили элементларини мақбул қўллаш, илмий-методик таъминотни такомиллаштириш, синфдан ташқари ва факультатив машғулотларни технологиялаштириш ва лойиҳалаштиришга оид таклифлардан Тошкент давлат педагогика университетида 2012-2014 йилларда бажарилган ITD-1-07 рақамли “Тилшунослик асослари фанидан дарслик, ўқув-услубий мажмуа ва уларнинг электрон нусхаларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 19 сентябрдаги 89-03-3577-сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳа доирасида адабий таълим жараёнида мустақил ўқиш, факультатив машғулотлар ва синфдан ташқари ишларни ташкил этиш методикаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 2 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, шундан 12 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 153 саҳифани ташкил этади.

# **I БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1-§. Ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш – педагогик-психологик муаммо сифатида**

Узлуксиз адабий таълимга оид ДТС, адабий таълим концепцияси, бошланғич синфларнинг “Ўқиш”, V-IX синфлар “Адабиёт” ўқув дастури каби расмий ҳужжатларда соғлом эътиқодли, ўзга инсоннинг туйғуларини англайдиган, ўткир ҳиссиётли, юксак дидли, ақлан етук комил шахснинг маънавий дунёсини шакллантириш масаласи устувор йўналиш қилиб белгиланган.

Адабиёт ўқитишнинг ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлиги, шахс маънавиятига дахлдорлик, адабий таълимни инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ғоятда мураккаб жараён бўлиб, уни биргина адабиёт дарслари воситасида амалга ошириш мушкулдир. Зеро, адабиёт фанини ўқитиш ўқувчиларни адабиётшунос қилиб тарбиялаш вазифасига эмас, балки ўз тақдирини юрт равнақи ва халқ фаровонлиги билан чамбарчас боғлайдиган юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялашга йўналтирилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таълим-тарбия соҳасидаги ютуқ ва муаммоларни таҳлил қилар экан, ёшларнинг китобхонлик даражаси пасайиб, кўп вақтларини ижтимоий тармоқларда ўтказиб қўлишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда: “Бугунги кунда ахборот тарқатиш, ахборот алмашишнинг тезлиги ва мукамаллиги бўйича интернетнинг ўрнини босадиган бошқа восита йўқлигини албатта яхши биламан. Аммо фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият манбаи бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки биз учун ёт бўлган ғояларни ёшларимиз онгига сингдираётган зарарли ахборотлар асосида шаклланишига мен

мутлақо қаршиман. Энг муҳими, фарзандларимизда ёшлик чоғидан бошлаб китобга меҳр қўйиш, мустақил фикр юритиш, мураккаб ҳаётий вазиятларда тўғри жавоб топиш кўникмасини шакллантиришимиз, бунинг учун тегишли ташкилий ишларни амалга оширишимиз даркор” [13; 469-б.] деган фикрлари масаланинг ғоят долзарблигини кўрсатади. Шундай экан, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини ошириш, уларни сўз санъатининг сеҳрли оламига етаклаб кириш, маънавий камолот тарбияси адабиёт ўқитувчисининг ғоят муҳим ва зарурий вазифаларидан ҳисобланади.

Адабиётдан дарс соатларининг чекланганлиги ва дастур мавзуларининг сиқиклиги ўқувчиларни қизиқтирадиган барча саволларга ҳам жавоб топиш имконини беравермайди. Вазиятдан чиқишнинг бирдан бир йўли мустақил мутолаани қатъий режа асосида амалга оширишдир.

Мутолаа – ота-оналар ва ўқитувчиларнинг саводли ҳамкорлиги таъсирида боланинг сўзларни кўриш ва таниш, маъносини тушуниш, мазмун-моҳиятини англаш ҳамда оғзаки фаолият юритиш ҳодисасидир. Мутолаа, шунингдек, шахснинг ўзлигини танишга йўналтирилган фаолияти бўлиб, бунинг натижасида унда янги сифат-хусусиятлар вужудга келади. Инсон ҳаёти давомида ўзига сингдирган мана шу меҳнат элементлари орқали шахсий тарбиянинг такрорланмас шаклини яратади ва булар мутолаани маданиятнинг бошқа фаолият турларидан ажратиб туради. Кўринадики, мутолаа субъект фаолиятини мақсадли ҳаракатлар сари йўналтирувчи эволюцион жараёндир.

А.Умаров мутолаа маданиятини “ижтимоий гуруҳлар, уюшмалар ва алоҳида индивидларнинг умумий маълумот олишга йўналтирилган жараён, хулқ-атвор ва фаолиятлари мазмуни ҳамда таркибий тизимларида юз берувчи ўзгаришлар мажмуини ифодаловчи билимлар, меъёрлар, ижтимоий ҳодисалар ва бошқа атрибутлар” деб билади [122; 36-б.].

Мутолаа маданиятини шакллантириш зарурати ўқувчиларнинг адабиётдан қандайдир янгиликни билиб олиши билангина боғлиқ эмас. Мустақил мутолаа жараёнлари миллий ўзликни, ҳаётнинг туб моҳиятини

англатиш, фуқаролик бурчи ва ахлоқий нуқтаи назарини мустаҳкамлаш каби муштарак мақсадлар йўлида такомиллашиб, ижтимоий-ахлоқий ва эстетик иделларни ўзида акс эттиради. Бинобарин, “Китобхон ўзига кучли таъсир кўрсатган асарларни аллақандай қолиплар ёхуд таълимий дастурлар асосида эмас, балки ўзлигини таниш орқали ўрганмоғи муҳимдир. У бурч йўлидан эмас, ишқ йўлидан юрмоғи лозим. Бирон-бир дурдона асар машҳур бўлгани учун ва уни билмаслик уят саналгани учунгина бу асарни ўқиб чиқмоққа ўзини мажбур этмоқ хатодир” [82; 5-б.].

Болада мутолаа маданияти элементлари дастлаб оилавий анъаналар, ота-она ибрати асосида аста-секинлик билан шаклланади, кейинчалик таълим-тарбия, маҳалла, жамоатчилик каби атроф-муҳит таъсирида фаоллашиб, эҳтиёжга айлана боради. Психологияда эҳтиёж тушунчасига субъект ва унинг фаолияти ўртасидаги алоқадорликни ўзида мужассам этувчи категория сифатида қаралади.

Мутолаа эҳтиёжи шахсда ихтиёрий, эркин ва онгли ўқиб-ўрганиш, эстетик завқланиш, ҳузурланиш ва илҳомланишга бўлган мойилликлар негизида индивидуал қиёфа касб этади. “Ўқувчи ўзи мутолаа қиладиган китоби ҳақида қанча кўп маълумотга эга бўлса, уни шу қадар чуқур ўзлаштиради, ундаги нафосатни қалбдан ҳис этади. Бунинг учун ўқувчининг ўзи китоб орқали янги бир олам билан танишишга тайёр бўлиши, яъни ичдан эҳтиёж сезиши, мажбурият ва масъулият ҳис қилиши керак” [100; 249-б.].

А.Зуннуновнинг таъкидлашича, “Ўқувчида ҳаётни, ҳаётини воқеа-ҳодисаларни билиш, одамлар ва уларнинг руҳиятини англашга эҳтиёж туғилиши билан адабиётни англашга қизиқиш пайдо бўлади. Ўқитувчи бадиий асарни ўқитиш орқали ўқувчиларда пайдо бўлган ана шу қизиқишни ривож топтиради, уларни санъат оламига олиб киради, ёши, билим даражасини олган ҳолда, бадиий дидини ўстиради” [84; 87-б.].

Ўқитувчи мутолаа учун адабиётларни танлаб тавсия қилиши, ўз вақтида асарлар рўйхатини янгилаши ва мазмунини кенгайтириб бориши, бунда ҳар бир ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусияти ҳамда қизиқишини

ҳисобга олиши зарур. Негаки, қизиқиш ўрганилаётган асар моҳиятини чуқурроқ идрок қилишга ёрдам беради. Қизиқиш ва идрок ўқувчининг интеллектуал салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Психологик нуқтаи назардан ёндашганда, қизиқиш “шахснинг муайян воқеликдаги, муайян вазиятдаги турли нарса ва ҳодисаларга танлаб муносабатда бўлишида, инсоннинг ўзига хос қарор қабул қилишида, ўзини ўзи назорат эта билишида, мақсадга интилишида, юзага келган объектив ва субъектив тўсиқларни енгишида ифодаланади” [143; 94-б.].

Илмий манбаларда “интеллект” (лотинча “intellectus”) сўзи ақл, идрок, тасаввур каби маъноларни англатиб [136; 216-б.], кишининг англаш, тушуниш, фаҳмлаш, бир сўз билан айтганда, ақлий ривожланганлик даражасини белгилаши қайд этилади. Бизнингча, интеллект шахснинг муайян даражада мустаҳкам, барқарор ақлий, руҳий қобилиятлари мажмуасидир.

Ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришда мутолаа асосларини ўзига сингдириш ва ўзлаштириш қаторида билимларини қиёслаш, таҳлил қилиш, синтезлаш, абстрактлаш, умумлаштириш ва улардан амалда оқилона фойдаланиш тажрибасини орттириш билан боғлиқ малакаларга эга бўлиши талаб этилади. Идрок фаолияти инсоннинг эгаллаган билими, орттирган тажрибалари ҳамда мураккаб аналитик-синтетик ҳаракатлар тизими замирида шаклланади. Нарса ва ҳодисаларни умумлашган тарзда акс эттириш мазкур тушунчага хос муҳим хусусиятлардан бири бўлиб, бу турли вазият, шароит ва жабҳаларда фаол ва бевосита акс эттириш имконияти мавжудлиги билан характерланади.

Р.Декушеванинг фикрича, китоб ўқиш маданияти ўқиш ва фикрлаш, ўқиш ва ҳис қилиш, эстетик зақланиб ўқиш каби ўқилганларни бир бутун идрок этиш жараёни бўлиб, китобдан олинган билимларни ҳаётга ҳам кўчира билиш, уларни ўқув ва бошқа ҳар қандай амалий фаолиятда, жамоат ишида, шахслараро муносабатда қўллай олишни ҳам ўз ичига олади [80; 6–7-б.].

Бадий асарни идрок этиш матн мазмунини тушуниш ва англаш жараёни билан узвийликда кечади. Идрок қилиш асосида эстетик ҳис-

туйғулар, бадий тафаккур шаклланади, тасаввурлар ҳосил бўлади. Натижада ўқувчилар тафаккури воқеликка яқинлашади. Р.Ниёзметова адабий материалларни ўрганишнинг психологик асосларини тадқиқ қилар экан, китобхоннинг образли конкретлаштириш ва умумлаштириш каби аналитик-синтетик фаолияти назарда тутилишига алоҳида урғу беради [108; 43-б.]. Ўқувчи ўрганилаётган асар моҳиятини қанчалик тез, тўла ва аниқ идрок қилса, ақлан ва руҳан бойишига замин яратилади. Зеро, идрок қилиш йўли билан ҳосил қилинган билим, бадий образ ёки образли умумлашмалар хотирада узоқ вақт сақланиб қолишига муваффақ бўлинади.

Китобхонлик “мураккаб ижтимоий-руҳий жараён бўлиб, унинг моҳиятини англаш тизимий таҳлил ва синтезни уйғун тарзда амалга ошириш ҳамда мутолаа ҳодисасининг таркибий тушунчаларини ўрганишни тақозо этади” [50; 15-б.]. Бу борада С.Матжонов тўғри таъкидлаганидек, “китобхонлик тор маънода китоб ўқишни билдирса, кенг маънода танлаб ўқиш, ҳис этиш, англаш ва фикр билдириш тушунчаларини ўз ичига қамраб олади. У бадий адабиётдан озикланади, адабий танқид ва педагогика кўмагида юксала боради” [116; 4-б.].

Демак, баркамол китобхон тарбиясида ўқувчининг ички регуляцияси, билиш жараёнларини ҳисобга олиш, миллий ва замонавий педагогиканинг мақсад, шакл ва вазифалари, шунингдек, оила, маҳалла ҳамда ўқув муассасалари ҳамкорлигини ягона мақсад йўлида бирлаштириш яхлит тизим саналади. Шу сабабли аждодларимизнинг маърифатпарварик ғоялари, адабиёт ўқитиш мазмунида белгиланган мезонларга асосланиш, қолаверса, чет давлатларнинг илғор тажрибаларини миллий методика тараққиётига ҳамоҳанг йўналтириш ҳар бир ўқувчида мавжуд интеллект тарбиясини амалга ошириш, таълим технологиялари уларнинг индивидуал ривожланишига мос ҳолда танланиши устувор масаладир.

Мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришда замонавий педагогика ва психология ўқувчи ривожланиш даражасига мос иш турларини тақозо этадики, бу амалда мутафаккир олимлар Хоразмий, Форобий, Беруний

ва Навоийларнинг қиёслаш, ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбия яхлитлиги, қобилиятлар даражасида билим бериш ҳақидаги таълимотлари қатори хориж тажрибаларининг зарур жиҳатларига таяниш эҳтиёжини юзага келтиради. Хусусан, Д.Дьюнинг конструктивизм [79], Г.Гарднернинг интеллект турфалиги [77], Б.Блумнинг ўқув мақсадлари таксономияси [73] каби назариялар туб моҳиятидаги ҳар бир ўқувчининг мотив ва интеллект доирасида иш кўриш ижобий самара бериши ҳақидаги қарашлар амалиётда ўзини оқлайди. Психологияда турфа заковатлар номи остида маълум Гарднер назарияси бугунги кунда шахснинг турли даражада ифодаланган интеллектга эгаллиги ҳақидаги таълимот саналади. Назария замирида дунёни англаш ва билиш вербал-лингвистик, мантикий-математик, визуал-фазовий, мотор-харакатли, мусикий-ритмик, шахслараро, ички шахсий ҳамда табиатшунос интеллект каби саккиз хил заковат асосига қурилиши мужассам [77].

Ж.Йўлдошевнинг фикрича, баъзи болалар ўзида устун интеллект типи орқали тенгдошларига нисбатан енгилроқ ўқиб-ўрганиши мумкин. Ўз вақтида аниқланган иқтидор эса боланинг келгусидаги ютуқлари омилидир [89; 80-б.].

Адабиёт ўқитишда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш уларда мавжуд билиш жараёнларини юзага чиқариши борасида филология фанлари доктори З.Мирзаева Гарднер назариясида аксланган турли даражадаги интеллект типига эътибор қаратиб иш кўришни маъқул кўради [28; 11–13-б.]. Агар масалага чуқурроқ ёндашилса, олиманинг интеллект кўпқирралиликка асосланиш ҳақидаги қарашларида янгича ёндашувлар билан бир қаторда методикадаги анъанавий кузатиш, ижодий, тадқиқот ёки эвристик методлар таркибидаги бир қатор усуллар такрори ўз ифодасини топгани ойдинлашади. Бунда фақат топшириқлар тизими муайян интеллект типини шакллантиришга мос ҳолда гуруҳлаштирилгани, аниқ ном остида берилгани ва ўқувчида мавжуд қобилиятларни кўзда тутиб олдиндан режалаштириши нуқтаи назаридан фарқланади.

Назаримизда Гарднер назариясидаги айрим усулларни татбиқ этиш ўзида фаннинг маълум соҳаларига қизиқувчан, қайсидир йўналиш билан индивидуал шуғулланувчи ёки муайян сифати яққол намоён ўқувчилар фаолиятини қамраб олиши нуктаи назаридан таъсирчандир. Бироқ мавжуд, лекин яширин интеллект турини жалб этишга, фикрлаш ва кузатиш асосида ўзлаштиришга, ўқувчининг ўзини ижобий баҳолашига таъсир кўрсатадиган мазмун ва шакл уйғунлигини ўз ўрнида ва субъект имкониятлари даражасида қўллаш мақсадга мувофиқ.

Муаммога оид изланишлар ва кўп йиллик педагогик тажрибалар мустақил мутолаани йўлга қўйишнинг белгиланган асарни гуруҳ бўлиб ўқиш ва муҳокама қилиш; тўгараклар (ифодали ўқиш, драматик, ёш қаламкашлар ва ҳоказо) иши; адабий ўлкашунослик; фестиваллар, премьералар, иллюстратив кўргазмалар уюштириш; видео ва кинофильмлар (айниқса, ўрганилаётган бадий асарларнинг экранлаштирилгани), адабий телекўрсатувларни биргаликда томоша қилиш; ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган портфолиолар яратиш, презентациялар тайёрлаш каби турларини ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Сўнги пайтларда оммавий ахборот воситаларида глобаллашув жараёнлари, интернет тизими ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётгани ва уларни мутолаадан узоқлаштираётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Китобхонлик даражасини оширишда, аввало, муаммонинг ечимини излашдан ҳам кўра уни келтириб чиқарувчи сабабларга эътибор қаратиш муҳимроқ. Бу борада ёшларни китоб ўқимасликда айблаш эмас, балки нима учун ўқишга хоҳиш йўқлиги ҳақидаги саволни қўйиш ўринлидир.

Айтиш мумкинки, оилада китобхонлик муҳитининг тўлақонли шаклланмаганлиги, бу борада маҳаллалар, таълим-тарбия муассасаларида маънавий-маърифий тадбирларнинг талаб даражасида ташкил этилмаслиги каби омиллар ўқувчиларнинг мутолаадан кўра ахборот асри имкониятларига ортиқча берилишига сабаб бўлмоқда. Бу борада UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва татбиқ этиш маркази етакчи

мутахассиси Е.Скляревскийнинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик: “Янги реал воқеликнинг қонуниятларига қарши бора олмаймиз, балки уни ўрганиб, янги шароитда ишлашга ўрганишимиз ва бунда ёшларимизни “қўлдан чиқариб қўймасдан”, уларнинг ўқишга бўлган қизиқишини янада кучайтиришимиз лозим” [42; 37-б.].

Интернет мутолаадан айирувчи восита эмас, балки имкониятлар манбаидир. Шундай экан, ёшларда китобга муҳаббат уйғотиш, уларни кутубхоналарга ихтиёрий жалб этиш учун нималар қилиш зарур, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бу борада миллий педагогика ва чет давлатлар таълим тизимидаги илғор тажрибаларга таяниш, хусусан, мутолаа санъатини ўргатишга қаратилган махсус курслар фаолиятини йўлга қўйиш зарурияти юзага келади. Ўзбекистонлик кутубхонашунос мутахассисларнинг қайд этишларича, китобхонлик тақомилида ривожланган давлатлар тажрибалари, жумладан, “Букросинг”, “Флешмоб”, “Сторисек”, “Кўк чамадон”, “Сеҳрли рюкзак”, “Хавфсиз бурчак” каби лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишнинг ҳеч бир мураккаблик томони йўқ, аксинча, улар соҳа фаолиятига фақат янгилик киритиши ҳамда фойдаланувчиларни ўзига жалб қилиши билан самарали ҳисобланади [137; 11-б.].

Республика болалар кутубхонасида мутолаа маданияти бўйича миллий ва хорижий анъаналарга асосланиб ўтказилаётган қатор ислоҳотлар барча ёшдаги ўқувчиларнинг китоб ўқишга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг амалий намунасидир. Бир неча йиллардан бери муассаса ташаббуси билан Англиянинг Бредфорд шаҳридаги болалар кутубхонаси фаолиятидаги каби китоб байрамлари, фестиваль, акция ва марафонларга машҳур спортчилар, таниқли шоир, ёзувчи, санъаткорлар, машҳур сўз усталари, олимларнинг таклиф этилиши ёки улар билан онлайн мулоқотлар уюштирилиши республика шаҳар, туман ва вилоятлар ахборот-ресурс марказларида оммалашиб улгурди.

Соҳа ходимлари томонидан кенг жамоатчиликка чет мамлакатлар тажрибасидан ўзлаштиришга лойиқ деб топилган қуйидаги фаолият

турларидан миллий менталитет ва ўқувчилар ёш хусусиятларига мос жиҳатларини танлаб умумтаълим тизимида оммалаштиришни мутолаага қизиқтиришнинг қулай ва оптимал усуллари сифатида баҳолаш мумкин:

**“Букросинг”** (инглизча “китоб айланиши”) – онлайн тизимида йўлга қўйилган лойиҳа бўлиб, тавсия қилинаётган асарлар махсус сайт орқали рўйхатдан ўтказилади ва унда турли ёшдаги китобсеварларнинг фаол иштироки камраб олинади.

**“Флешмоб”** (инглизча “тезкор оломон”) – махсус гуруҳлар томонидан транспорт бекатлари, жамоат жойларида газета, журнал ёки китоб ўқиб, мутолаага чорлашнинг бир кўриниши ҳисобланиб, мавжуд илмий, бадий, сиёсий, оммабоп нашрларни тарғиб қилади. Лойиҳани “жарчилар”, турли эртак қаҳрамонлари қиёфасидаги фаол китобсеварлар томонидан танаффуслар ёки дарсдан бўш вақтларда умумтаълим мактаблари фойе, ҳовли, боғ ва гулзорлари атрофида режали тарзда ўтказиш мумкин.

**“Сторисек”** (инглизча “тарих қопчаси”) лойиҳасига кўра, махсус қопчалар турфа расмли ва мазмунан ранг-баранг китоблар, юмшоқ ўйинчоқлар, аудио-видео дисклар билан тўлдирилади ва сотувга қўйилади. Мазкур лойиҳа асар сюжети, қаҳрамонлари хатти-ҳаракатларини кўргазмалли ва аудио визуал тарзда етказиш имконини беради. Умумтаълим тизимида китоб қопчалари сотувга қўйилмаса ҳам кутубхоналарда қизиқарли альбом, буклет, открытка, газета, журналлардан махсус йиғма жилд шаклида тайёрлаб тақдим этиш ҳамда алмаштириб фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш мумкин.

Германия кутубхонашунослари томонидан ишлаб чиқилган **“Кўк чамадон”** лойиҳасига асосан ёш китобхонлар эътиборини ўзига тортувчи бежирим чамадонлар турли халқ адибларининг асарлари билан тўлдириладики, бу китоблар дунё халқлари орасида қўлма-қўл бўлишига рамзий ишорадир. Бундай чамадонлар хариди йирик кутубхоналар ёки китоб дўконларида амалга оширилади.

Шарқий Европа давлатларида русумга айланган **“Сехрли рюкзак”** усули китоб тарғиботида анча самара бериши билан эътиборга лойиқ.

Тасаввурдаги сеҳр ва турфа ажойиботларга лиммо-лим ғаройиб тўрвалар болалар адабиёти намуналари, фикр-мулоҳазалар дафтари, таассуротлар, тилаклар, ижодий ишларга тўлдирилади ҳамда таниш ва қўшни оилаларга узатилади. Мазкур лойиҳани мамлакат таълим муассасалари, маҳаллалар ёки оилалараро тарғиб этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг учун кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш ва чора-тадбирлар белгилаш мумкин.

Франция кўчаларида китоб ўқиб берувчилар хизматига талаб юқорилиги ҳақидаги маълумотлар бугун у қадар хайратланарли даражада янгилик эмас. Бинобарин, ўзбек халқи ўтмишига назар солинса, аксарият ўзига тўқ хонадонларда махсус бириктирилган устоз-мураббийлар томонидан болаларга китоб ўқиб бериш анъанаси шакллангани ёхуд оила ва маҳалла мутолаа мактаби қиссахонлик, ғазалхонлик кечалари мисолида уйғунлашиб маънавий-эстетик қадрият сифатида қиймат касб этгани диққатга сазовор.

Канадада кутубхона ходимларининг ўз мижозларига энг қизиқарли асарлардан парчаларни электрон почта орқали жўнатиш каби хизмат турлари жорий қилинган. Демак, болалардаги бирор сеvimли асарини образли тарзда эшитишга эҳтиёж кучлилиги сабабларини хуш ва нохуш туйғулар каби органик сезгилар ривожини билан боғлаб изоҳлаш мумкин.

Бугунги кунда қимматли вақтларини турли кўнгилочар масканларда ҳавога совураётган айрим ёшларга аксарият чет мамлакатларда жорий қилинган **“Хавфсиз бурчак”** тавсиясидан фойдаланиш ўринлидир. Бундай бурчакларни таълим муассасалари ошхоналари, савдо мажмуалари ёхуд истироҳат боғларида ташкил этиш мумкин бўлиб, мижозлар бир вақтнинг ўзида исталган асарни мутолаа қилиб, ҳордиқ чиқариши ёки айнан шу жойнинг ўзида ихтиёрий тарзда китоблар сонини кўпайтиришга улушини кўшиши мақсад қилинади. Бунда бурчак деворлари, жиҳозларнинг ноанъанавий дизайнда бўлиши мутолаага жалб этишнинг ташқи омилларидан бўлиб саналади.

Мутолаага қизиқтиришда муайян китобни мумтоз куй-қўшиқлар уйғунлигида ўқиш ва тинглашга одатлантирадиган махсус мутолаа курслари

ташқил этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда адабиёт рухий тарбия воситаси эканлиги, асар марказида инсон, унинг туйғулари тасвирланишини ўқувчилар қалбига сингдириш мақсади белгиланади. Ёзувчи ва китобхонни яқинлаштиришга эришиш йўллари топиш; ўрганилган асарларнинг чуқур ўзлаштирилишига ёрдам бериш; онгли ўқиш кўникмасини ривожлантириш; таҳлил малакасини такомиллаштириш; нутқ ўстиришга кўмаклашиш кабиларни курснинг вазифалари сифатида белгилаш мумкин.

Турли ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган мутолаа курслари Низоми, режа ва дастури адабиёт ўқитувчиси томонидан тузилиб, ўқув йили бошида фан методбирлашмаси ва Методик кенгаш йиғилишида кўриб чиқилади ҳамда тасдиқ учун педагогик кенгашга тақдим этилади. Кенгаш қарори билан машғулотлар тўғрарак ёки факультатив машғулотлар ҳисобидан олиб борилиши белгиланади.

Курс мазмунини тузишда тингловчиларнинг ёш, психологик ва индивидуал хусусиятлари, талаб ва эҳтиёжлари эътиборга олинади. Дастур мазмуни самарадорлиги муаллифнинг ишга илмий-методик жиҳатдан тўғри ёндаша олганига боғлиқ. Зеро, таълимнинг қуйи босқичларида ўқувчи мутолаа тушунчаси, савод ўргатиш машқлари, ўқиш турлари, матн устида ишлаш, асарни ўқишга тайёргарлик, мустақил ишлар, китоб танлаш тамойиллари билан таништирилиши мутолаа санъатини эгаллашда зарур бўлган дастлабки тушунчалардан саналади.

Юқори синфлар мутолаа курси дастури мазмунини миллий (навоийхонлик, бедилхонлик каби қироат кечалари шаклидаги) ва хориж ўқитиш тизимидаги илғор анъаналар билан бойитилиши глобаллашув даврида тараққиёт билан ёнма-ён илдамлаётган бугунги кун ўқувчисини “оммавий маданият” деб аталаётган қарашга қарши мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, интернет ёки уяли алоқа воситаларидаги зарарли ғоялар гирдобига тушиб қолмаслик каби ҳолатлар олдини олади.

Ўсмирларнинг ҳар жабҳада қаҳрамонликка интилиши, ўзини ёрқин, кучли шахсларга ўхшатиш хоҳиши мустақил мутолаа учун асар танлашнинг

асосий талабларидан саналади. Айнан шу мазмундаги асарлар ўқувчиларнинг шон-шараф, бурч, садоқат ва фидокорлик, ватанпарварлик хислатлари билан боғлиқ мутолаа маданиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Бинобарин, “Китобхон истеъдоди дуч келган асарни ўқиб, у ҳақда фикр билдириш билан ўлчанмайди, балки танлаб ўқиш, ўқиганлари юзасидан ижодий фикрлаш, тўғри хулоса чиқариш, зарурат туғилганда ундан амалий фойдаланиш иқтидорига эга бўлиш билан характерланади” [117; 39-б.].

Китобхонлик даражасини оширишда ўқитувчи шундай иш тутиши керакки, ўқувчи нафақат юклатилган вазифаларни бажариши, балки ўз қизиқишларига яраша мустақил китоб танлай олиши мумкин бўлсин. Бунинг учун эса тарафлар ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилиши, баъзи ҳолларда аҳамият қаратилиши зарур жиҳатларга кўрсатмалар бериш, ҳатто ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятлари даражасида ёзма тавсиялар бериш мақсадга мувофиқ.

Мутолаага асар танлаш ихтиёрий бўлиб, албатта, ўқувчи ўқитувчининг таклиф ва тавсияларига таянади. Китоб тарғиботида асарнинг тарбиявий жиҳати, жанри ва мавзуси, тарбияланувчи ёши ва савияси, шахсий қизиқишлари, давр мафкураси тамойилларидан четга чиқилмайди. Асар танлашда ҳар бир ўқувчига биттадан асар тавсия қилиниши мақсадга мувофиқ. Лекин барчани бирдек китоб билан таъминлаш масаласи назарда тутилса, турли хил асарларнинг тавсия қилиниши ҳам бесамар кетмайди. Китоб танлашда ўқувчилар фикрини эътиборга олиш зарур. Тарғибот жараёнида ўқитувчи асарнинг аҳамиятли ўринларини ҳикоя қилиб бериши, асарга битилган сўзбошидан мисоллар келтириши, воқеалар содир бўлган жой харитаси билан таништириши ва яна қандай китобларга эҳтиёж борлигини аниқлаши зарур.

Янги адабиётлар тавсияси китобга ишланган расм, иллюстрация, миниатюралар, асар асосида саҳналаштирилган фильмлардан лавҳалар намойиш этиш ёки қизиқарли эпизодлардан парчалар ўқиб эшиттириш орқали амалга оширилади. Ҳали китобхонлик кўникмаси шаклланмаган

ўқувчиларга дастлаб кичик ҳажмли, қизиқарли, енгил ўзлаштириладиган асарлар, жумладан, “Болалар адабиёти” журнали ёки унинг электрон иловаси [146] ёхуд антологияларга ўхшаш манбалардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Китоб тарғиботида янги асарлар рўйхатини замонавий ва ноанъанавий дизайнда синф хоналарига жойлаштириш, унга вақти-вақти билан кўшимчалар киритиб, янгилаб туриш, шунингдек, қизиқарли рекламалар лойиҳасини яратиш, “Энг яхши асарлар тақдироти”, “Менинг шахсий кутубхонам”, “Энг фаол тарғиботчи китобхон” танловларини уюштириш мутолаа маданиятини тарбиялашнинг таъсирчан усулларидадир. Мутолаа қилинган асарлар юзасидан ўтказиладиган давра суҳбатлари, мунозара, тақдирот, конференция ва ижодий учрашувларга ота-оналар, маҳалла фаолларини таклиф этиб, уларнинг бу борадаги тажрибаларини умумлаштириш китобхонлик маданиятини ривожлантиришнинг мақсадли ва тизимли шакли бўла олади.

Бошланғич таълимда савод ўргатиш жараёни элементар ўқиш ва ёзишга ўргатишдан бошланади. Агар 1–4-синфларда ўқиш техникаси миқдорий кўрсаткичи бир дақиқада 1-синфда 25–30, 2-синфда 40–50, 3-синфда 60–70, 4-синфда 80–90 сўзни ташкил этса [12; 44–46-б.], юқори синфларда бу натижа 200 тадан ортиши кўзда тутилади [11; 47–52-б.].

Китобни қанча вақтда ўқиб тугатиш боланинг ўқиш тезлиги ва асар ҳажмига боғлиқ. Бинобарин, барча синфлар кесимида ўқувчилар эгаллашлари шарт бўлган муайян ўқиш тезлиги белгиланган. Агар 5-синфда дақиқасига ўртача 100–150 та сўз ўқиш меъёрий ҳол саналса, 9–10 бетдан иборат ҳикоя мутолаасига 30–35 дақиқа вақт кетади. Масалан, 637 сўздан иборат Миркарим Осимнинг “Широқ” тарихий қиссаси [101; 27–36-б.]ни ўқишга тахминан 25–30 дақиқа сарфланади. Демак, ҳафта давомида шундай ҳажмли асар мутолаасига 12–13 ёшли бола ҳар куни узоғи билан бир соатга яқин вақт сарфлайди.

Ўқувчиларнинг ўқиш техникасини ўзлаштириш, матнни тўғри, тез ва ифодали ўқиш билим, кўникма ва малакаларини эгаллашлари шартлиги 2010 йилда қабул қилинган бошланғич [12; 44–46-б.] ва 5–9-синфлар адабий таълим Давлат таълим стандарти [11; 42–43-б.]да мажбурий минимал талаблар сифатида белгиланган.

2017 йилдаги “Адабиёт ўқув фани бўйича умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талаблари” [9; 144-б.]да ўқиш билан боғлиқ адабий-нутқий компетенцияларнинг стандарт даражалари белгиланган бўлиб, унда ёзма ва босма ҳарфлар, улар ифодалайдиган товушларни тўғри талаффуз этиш, матнни гап оҳангига риоя қилган ҳолда аниқ, равон ҳолда ўқиш, сўзларни дақиқасига 50-55 тадан ўқий олиш (А 1); дақиқасига 55–60 сўзни ўқиш (А 1+), насрий, шеърӣ, драматик жанрдаги асарларни ифодали ўқиш ва мазмунини тушуна олиш (А 2), турли жанрдаги матнларни образга кириб ифодали ўқиш (А 2 +), бадиий ижод намуналарини ифодали ўқиш (В1) [9; 145–146-б.] каби билим-малака талабларининг қўйилиши масаланинг давлат миқёсидаги долзарблигидан далолатдир.

Бугунги кунда ўқувчиларнинг ўқиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш нафақат умумий ўрта, балки узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида эътибор қаратилиши муҳим бўлган масалалар сирасига киради. Зеро, бадиий асар моҳиятини теран идрок этиш уни тушуниб, онгли ўқишга ҳар томонлама боғлиқ бўлиб, натижада ўқувчиларда коммуникабеллик, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, турмушда дуч келиш мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилиш баробарида жамият ва шахсий ҳаётларини фойдали ишлар билан мазмунли ўтказиш хусусида ҳам атрофлича фикр юритиш ва зарур хулосалар чиқариш имкониятини юзага келтиради.

Бу борада машҳур немис адиби Ҳерман Ҳессенинг “Китоб ўқиш бизни аталадай суюлтириб юбормаслиги, балки сафарбар қилмоғи лозим, бизнинг бошимизни ҳаёт тўғрисидаги бўлар-бўлмас икир-чикирларга, маъносиз гапларга тўлдириб ташламоғи, бизни сохта таскинлар билан овутмоғи эмас,

балки, аксинча, ҳаётимизга янада юксакроқ, янада тўлароқ маъно бахш этмоғи лозим” [82; 4-б.] деган фикрлари эътиборга молик.

Ўқиш санъати, матн мазмуни, ўзгалар нутқини тинглаш ва англаш малакаси, шахсий фикр-мулоҳазаларини баён этиш маҳорати бўйича бошланғич ва юқори синфлар адабий таълимида аниқ талаблар ҳамда муайян тафовутлар мавжуд. “Ўқиш санъати – ўқувчининг ижодий, шахсий аҳамиятга молик маънавий фаолияти. Бу фаолият ўқишнинг тарбиявий қийматини олдиндан белгилаб беради, ўқувчининг умумий маънавий, ғоявий ва ахлоқий ривожланишига, ўқувчи шахсининг ижодий потенциалига таъсир кўрсатади” [34; 175-б.].

Ўқиш техникаси сифат кўрсаткичи сўзлар, иборалар, мураккаб атамалар, мумтоз намуналарни аниқ, равон ва хатосиз талаффуз қилиш, маъносини тушунган ҳолда таъсирчан, образли ўқиш кўникма ва малакаларини талаб этади. Миқдорий кўрсаткичдаги белгилар сони ҳамда матнни ўқишга қўйиладиган зарурий талаблар синфлар кесимида ўқувчининг ёш хусусияти ва билиш жараёнларининг ривожланганлик даражасига мос ҳолда орттириб борилади.

Товушлар, сўзлар талаффузи, гапда санаш ва ажратиш оҳанги, тиниш белгиларига риоя қилиш, луғат ва нутқ устида ишлаш, грамматик, орфографик ҳамда орфоэпик билимларни амалий ўзлаштириш орқали мантиқий ўқиш ва ёзиш кўникмаларини тадрижий равишда шакллантиришга эришилади. Анализ-синтез машқлари, товуш диапазони ва артикуляцияси, тембр ва ритм устида ишлаш савод ўргатишнинг асосий усуллари таркибига киради. Кейинги босқич ўқишга ўргатишнинг тайёргарлик даври бўлиб, атрофдагилар нутқини тинглаш, диққатни жамлаш, тил бирликларини фарқлаш, уларнинг матндаги вазифасини белгилаш каби фаолият турлари билан боғлиқликда кечади.

Ҳаётнинг ўқувчи тасаввуридаги инъикоси бадиий асарни яхлит идрок этишга кенг йўл очганлиги боис адабий таълимнинг турли босқичларида мутолаага жиддий ҳозирлик кўриш талаб этилади. Тайёргарлик босқичи матн

билан таништириш, адиблар ҳақида маълумот бериш, қаҳрамонлар маънавиятини баҳолаш, маъноси нотаниш сўзлар, образлиликка изох каби кўринишларда бўлиши мумкин. Экскурсия, фильмлар намойиши, ўқитувчи ҳикояси, мустақил изланишлар ўқишга тайёргарликнинг навбатдаги шакллари ҳисобланади.

Тайёргарлик давридан сўнг асар мазмуни билан таништириш босқичида ўқитувчи ёки ўқувчининг матнни ифодали, бадиий ёки танлаб ўқиши, оғзаки қайта ҳикоялаши, ёддан айтиши, зарур эпизодларнинг сахналаштирилиши ҳамда техник воситалардан фойдаланиш кўзда тутилади.

К.Қосимованинг фикрича, “ўқиш малакаси тўғри, меъёрида, англаб ва ифодали ўқишга ўргатиш асосида ривожлантирилади. Ўқиш малакаси сифатларининг асоси эса онгли ўқишдир. Онгли ўқиш, ўз навбатида, ифодалиликка хизмат қилади. Асар қурилиши ва мазмунини тушуниш онгли ўқишнинг муҳим шартидир” [140; 77-б.]. Ўқиш малакаларини ривожлантиришда нутқ бирликлари орасидаги тўхтамга эътибор бериш, матнда ифодаланган фикрни англаш, талаффузда интонацияга риоя қилиш, сўз ва гапларда урғуни тўғри қўллаш, ўқиш тезлиги ва суръатида меъёрни сақлаш, асар мазмуни, ғояси, образлари, тасвир воситалари аҳамиятини тушуниш, воқеа-ҳодисалар, асосий қаҳрамонлар ва персонажлар хатти-ҳаракатларига муносабат билдира олиш кабилар назарда тутилади.

Юқори синфларда муаллифнинг характерлар, ҳаёт манзарасини тасвирлашдаги услубини белгилаш, тил хусусиятлари, ҳикоя ва ифода тарзи, тасвир усулларини аниқлаш ва оҳангга эътибор қаратиш орқали ўқиш малакалари такомиллаштириб борилади. М.Мирқосимова эътироф этганидек, “Асарни ўқиш давомида ижодкор яратган тафаккур тарзи англонади, ўзлаштирилади, муҳокама қилинади, китобхон кўз ўнгида яратилган поэтик манзара ёки ҳолат ҳам ташқи, ҳам ички ҳаракатлар, туйғулар орқали идрок этилади, ҳис қилинади. Ўша таъсирчан манзарани яратишда шоир ё ёзувчи қўллаган тасвир воситаларига сиртдан аҳамият берилмайди, асосий эътибор ўқиш жараёнида мазмунга, образнинг ички маъноларига жалб этилади” [29; 18-б.].

Тушуниш – билимнинг бир турдан бошқа шаклга ўтиши, мавзунинг ўзлаштирилиш даражаси демак. Умумий тарзда олганда тушунтириш, баён қилиш ва натижалар хусусида ўз таклифларини тақдим этиш тушуниш кўрсаткичи тарзида қабул қилинади. Психологиядаги ҳар бир инсоннинг ўзига хос ва такрорланмас индивидулиги ҳақидаги қарашларга таянилса, ўқувчи бадиий асар мазмунини ўз тафаккури ва тасаввури доирасида талқин қилади, баҳолайди. Бу ҳақда немис адабий танқидчиси В.Изернинг “Тунда юлдузли осмонга қараган икки киши бир хил юлдузлар туркумига қараётган бўлиши мумкин, лекин бири омовчи кўрса, иккинчиси чўмични тасаввур қилиши мумкин” деган фикрлари асослидир [85; 87-б.].

Комиллик сари интиланган инсонда ўзлигини англашга эҳтиёж доимий ҳолда ортиб боради. Бинобарин, аслини билмоқни ихтиёр этган киши бошқаларнинг фикрати ва фитратидаги эврилишларни илғашга ҳаракат қилади. Ўзгаларни тушуниш эса ўзлигини танишнинг илк босқичи. Адабиёт инсонга қаҳрамонлар тақдири мисолида ўзгалар туйғуларини ҳис қилиш, уққанларини бошқаларга етказиш ва, энг муҳими, ўзини ўзи тарбиялашнинг самарали воситасидир.

Ўқувчи матн билан “мулоқот”га киришган дастлабки дақиқалардан бошлаб уни чуқурроқ тушуниш сари қадам қўйилади. “Матн мазмунини тушуниш эстетик кечинмалар билан бирлашиб, аналитик-синтетик фаолиятни ифода этади, бадиий идрокка туташади. Ўқувчи асар мазмунини тушуниб ўқишга ҳаракат қилганда, ўзи эса олиб қолаётган воқеа-ҳодисаларнинг аниқ бўлишига интилади. Бадиий идрок жараёни келиб қўшилганда эса, мазмун муайян ўзгаришлар билан қабул қилинади. Адабий тайёргарлик кўраётган ўқувчи аста-секин шу даражани эгаллай бошлайди” [34; 29-б.].

Асар мазмун-моҳияти мантиқий тафаккур, эмоциялар уйғунлигида адабий матн жозибаси ва нафосатини туйиш, ахлоқий тарбия таъсирини англаш самараси ўлароқ ўзлаштирилади. “Аслида китобхон ҳам ёзувчи сингари ижодкор, – деб ёзади С.Матчонов. – У асар мутолааси жараёнида

муаллиф фаолиятини такрорлаш йўлидан боради. Ёзувчи ижодининг мураккаблиги шундаки, у хаёлида туғилган ғояни адабий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, курашлари мисолида конкретлаштиради, китобхон унга тескари – адабий қаҳрамон хатти-ҳаракати, курашлари тасвиридан умумий хулосалар чиқариш йўлини тутади” [117; 49–50-б.].

Шахсий кузатишларга кўра, бадиий асарни тушуниш кўрсаткичини белгилашда: ёзувчининг асл нияти, матндаги асосий фикр, қаҳрамонлар табиатидаги ўзига хослик; воқеалар, образлар тизимининг ўзаро алоқаси, характерлараро муносабатлар; даврнинг долзарб муаммолари; адабий-назарий тушунчалар ва тасвирий-ифодавий воситаларнинг мазмундорликни таъминлашдаги ўрнини баҳолаш каби жиҳатларни инобатга олиш зарур деган хулосаларга келинди.

Мутолаада узлуксизликни таъминлаш ўқувчининг кун тартиби, мажбуриятлари ва эҳтиёжлари акс этадиган махсус режага таяниб иш кўришни талаб қилади. Режада ўқувчининг кун тартиби, мажбуриятлари ва эҳтиёжлари акс этмоғи лозим. Тавсия қилинган асарларнинг ой, ҳафта ва кунларга тақсимланиши, китоб ҳажмидан келиб чиқиб бўлимларга ажратилиши, ҳар бир қисм учун маълум вақт белгиланиши мутолаада бўшлиқлар юзага келишининг олдини олади.

Мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришда, аввало, ўқилган асарлар ҳисобга олинади. Бунда ўқувчининг ўзи ўқиётган асар ғояси ва мазмуни билан тенгдошларини таништириши муҳим ҳисобланади. Зеро, эзгулик ва гўзаллик оламига бошқаларни ҳам етаклаб кириш, туйғуларини уларга ҳам юқтира олиш, ўзаро фикр алмашиш мутолаага ижобий муносабатни шакллантиради.

“Мутолаа кундалиги”ни юритиш шахснинг китобхонлик даражасини баҳолашда муҳим ўрин тутади. Кундалиқда асар муаллифи, китоб номи, чоп этилган манзил, нашриёт, сана ва саҳифалар билан боғлиқ маълумотларнинг қайд этилиши ўқилганларни ҳисобга олишда асосий мезон саналади. Асар аннотацияси, тақризчилар исм-шарифи, машҳур шахсларнинг адиб ижоди

хақидаги фикрларини топиб ёзиш ёки китобдан ўрин олган суратлар хақида баҳс юритиш ўқувчиларни тартибли ва изчил мулоҳазага ўргатади. Қахрамонлар тақдири юзасидан хулосалар чиқариш, сюжетнинг муҳим қисмлари, композициясини белгилаш таҳлил малакаларини шакллантиради. Шунга кўра, масъулият, ўз ишига виждонан ёндашиш, интилувчанлик ва ташаббускорлик сифатларини камол топтиришда ўқилганларнинг ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши ҳал қилувчи куч эканлигини таъкидлаш жоиз.

Таълим жараёнининг давоми сифатида таътил вақтида ташкил этиладиган “Ёзги мутолаа мактаблари”, асосан, болаларнинг жисмоний ва ақлий фаолиятини уйғун ҳолда ривожлантириш мақсадини кўзда тутди. Бунда тадбир ва машғулотларни ташкил этишга ноанъанавий ва ўзгачароқ тарзда ёндашишга устувор масала сифатида қаралади. Масалан, таътил давомида:

- кутубхоналар, китоб дўконлари, адиблар уй-музейлари ва хиёбонларига саёҳатлар уюштириш; белгиланган муддатда нашриётлар билан келишилган ҳолда ярмаркалар ташкил этиш, янги ёки тарихий китобларнинг “туғилган кунлари”ни нишонлаш;

- ҳафта кунларини мутолаага оид махсус номлар билан атаб, шу асосда иш юритилишига эътиборни кучайтириш. Масалан, “Луғатлар билан ишлаш куни”, “Қомуслар мамлакатига саёҳат куни” каби;

- турли байрам, туғилган кунларда болаларга ота-оналари, дўстлари ёки яқин инсонлари томонидан китоб совға қилишни қатъий одат тусига киритиш мақсадида жойларда “Тарғибот кунлари” ташкил этиш. Мазкур тадбирни оммалаштириш орқали ҳар бир оилада шахсий кутубхона яратишга қизиқиш уйғотиш;

- онлайн имкониятларига ижодий ёндашиб видео-конференция, медиа-мулоқот, презентация, слайд-лекция, кўрғазма, китобхон бенефислари, адабиёт декадалари, интерфаол кўрғазмалар, викторина каби оммавий тадбирлар ўтказиш.

“Ёзги мутолаа мактаблари” фаолияти бугун оила, мактаб, жамоат ташкилотларининг ёшларни мутолаага жалб этишда ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришга муҳтож таълим шакллариандир. Бу борада кутубхонашунослик соҳасининг етакчи мутахассислари, хусусан, Р.Ратнернинг китоб-иллюстратив кўргазмалар, адабий-ижодий танловлар, виртуал саёҳатлар, диспутлар, театрлаштирилган овозли ўқишлар, “Мастер класс” каби тадбирларни ташкил этишга доир салмоқли изланишлари ва ғояларига таяниш мумкин [36; 11-б.].

Мустақил мутолаа маданиятини нафақат анъанавий таълим жараёнида, балки китоб тарғиботи ва унга раҳбарлик қилишнинг бир қанча замонавий усуллари орқали ҳам юксалтиришга эришиш мумкин. Жумладан:

1. Интегратив ёндашувга асосланган “Реклама: таклиф қиламиз, тавсия этамиз” лойиҳаси доирасида қуйидаги ишларни амалга ошириш назарда тутилади:

– “ZiyoNET” ахборот тармоғига уланган мактаб сайтига тавсия қилинаётган асар воқеаларининг қизиқарли, жумбоқли ва мушоҳадага етакловчи ўринларидан жойлаштириш. Жумладан, 7-синфда айрим боблари ўрганилиши кўзда тутилган А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан олинган қуйидаги парча ўқувчиларнинг воқеалар ривожини қандай яқун топишига бўлган қизиқишларини орттиради:

“... Жаллод қўли боғланган Анварни дор томонга олиб борди. Анвар ўз ихтиёрича чуқур ёнига ўлтурди ва ханжарини яниб келган жаллодга қўли билан “озғина тўхтанг” ишоратини қилиб, Абдурахмон томонга кулди:

– Меним ҳолимни кўрингиз, домла, – деди Анвар кулган юзда, – қўлим боғланган, устимда ханжар ялтирайди. Лекин мен куламан... Нима учун бундай, тақсир? Чунки виждон роҳатда, жон тинч, юракда ишқ... Дуруст, мен кўмилгач, қабрим устида кўкси доғлиқ қизил лолалар кўкарар... Нимадан бу? Бу – сизнинг каби тубанлар солган из...

Томошабинлар тоқатсизлангандек кўриндилар, Анвар узаниб ётди... Жаллод ханжарини енггига яниб Анвар устига энгашти” [60; 280–281-б.].

Бундай усул воқеалар давоми ёки якунини билишга қизиққан ўқувчида асар билан яқиндан танишиб чиқиш иштиёқини уйғотади;

– реклама дастурда ўрганилиши режалаштирилган асар билан тўлиқ; ижоди ўрганилаётган адибнинг бошқа асарлари ҳамда дастурда ўрганилиши кўзда тутилмаган адабиётларни тавсия қилишда мавзуга доир фильм, кўрсатув ва эшиттиришларнинг зарур ўринларини сайтга киритиш орқали амалга оширилади. Масалан, “Алпомиш”, “Ўткан кунлар” каби фильмлар, Навоий дostonлари асосида яратилган “Фарҳод ва Ширин” мусикали драмаси, “Лайли ва Мажнун”, “Дилором” операси, “Меҳр ва Сухайл” балети ва ҳоказо;

– компьютер дастурлари имконияти доирасида сайтда тарихий ва мумтоз асарларни ўрганиш юзасидан глоссарийлар яратиш. Бунинг учун дастлаб мустақил ўрганишга режалаштирилган муайян ғазал ёки рубой ва матндаги изоҳталаб байт олинади. Сўнгра байтдаги ўқувчи учун маъноси нотаниш, тушунилиши қийин сўзлар ажратиб олиниб, улар англатадиган маъноларга оид саҳифалар яратилади;

– навбатдаги реклама компьютерда “Мактаб кинотеатри” яратиш йўли билан тарғиб қилинади. Кинотеатр фонди ўзбек киносанъатининг нодир хазинасига айланган миллий руҳдаги спектакль, мультипликацион, хужжатли, видео ва кино фильмлар, шунингдек, бевосита иждокорнинг ўзи иштирок этган телеасарлар билан бойитиб борилади. Хусусан, синфлар кесимида “Сусамбил”, “Қор маликаси”, “Дунёнинг ишлари”, “Шум бола”, “Сариқ девни миниб” каби турли жанрдаги намуналардан берилган парчаларни ўрганишда кинотеатр имкониятлари доирасида реклама уюштириш ва фильмлардан лавҳалар намойиш этиш ўқувчида асарни тўлиқ ўқиб чиқиш эҳтиёжини юзага келтиради.

Ўқувчилар мутолаа дақиқаларида фақат инсонларгагина ато этилган нозик ҳис-туйғулар, ички кечинмалар кинодагига нисбатан китобда сўз воситасида таъсирчан ифода этилишига иқдор бўладилар. Шунингдек,

асарнинг китобдаги баёни ва фильмдаги талқини бир-бирини тўлдириб, бойитишини англаб етадилар.

Мутолаа давомида ўқувчи феъл-атвори, хатти-ҳаракатларига қараб қайсидир қаҳрамонни ёқтириб қолиши ёки аксинча бўлиши муқаррар. Китобнинг ўзига чорловчи сеҳрли оламга ошно тутинган ўқувчи гоҳ воқеалар ривожда севимли қаҳрамонларининг муваффақиятларидан севинса, гоҳ изтиробларидан куюнади; кимнингдир разилликларидан нафратланса, бошқаси йўл қўйган хатоларини тушуниб етишини астойдил истайди. Муаллиф томонидан илгари сурилган гоҳ, асарда тилга олинган воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатларни санъаткорлар нутқи орқали тинглаб, ижросини томоша қилган ўқувчида китоб билан фильмнинг ўзаро ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини таққослаш кўникма ва малакалари шакллана боради;

– мактаб радиоси орқали бериладиган эшиттиришлар оралиғида тавсия этилаётган асар жанрига мувофиқ келадиган “Рекламали танаффус”лар эълон қилиш. Бунда асар лирик турга мансуб бўлса, муайян шоирнинг ўзи ёки таниқли сўз усталари томонидан ўқилган шеърлардан фойдаланиш ёхуд ижоди ўрганилаётган шоир шеърлари асосида куйланган кўшиқларни муסיқий танаффусларлар чоғида қўйиб эшиттириш тарзида амалга оширилади.

Телевидение, радио орқали эфирга узатилган спектакллардан техник воситалар ёрдамида ёзиб олинган парчалар ёки мактаб драма тўғараги аъзолари иштирокида ролларга бўлиниб, ижро этилган лавҳаларни тақдим этиш тарзида драматик турга мансуб асарлар мустақил мутолаага тавсия қилинади. Хусусан, умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфида М.Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” тарихий фожиаси билан таништириш жараёнида драматургнинг шу жанрга мансуб “Жалолиддин Мангуберди” драмасини юқоридаги каби реклама усулидан фойдаланиб тавсия этиш мумкин.

Турли йўналишдаги фанлар, хусусан, география дарсларида буюк кашфиётлар, машҳур сайёҳлар томонидан уюштириладиган экспедициялар (масалан, Д.Дефонинг “Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари” асари), тарих дарсларида ўтмиш билан боғлиқ мавзулардаги (Муҳаммад Али. “Сарбадорлар”), биология дарсларида табиатнинг нодир мўъжизалари (Ў.Р.Пратов, А.С.Юлдашев. “Яшил дунё мўъжизалари”), кимё, физика дарсларида борлиқ сир-синоатлари, олимлар ҳаёти, улар томонидан яратилган ихтиролар ҳақидаги асарлар (А.Саидов. “Табиат ғаройиботлари”, Н.Молофеева ва бошқ. “Дунё мўъжизалари” каби болалар энциклопедиялари)ни мутолаага тавсия этиш ўқувчилар билимини бойитибгина қолмай, фанлараро интеграцияни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қуйидаги тадбирлар ўқувчиларнинг китобхонлик даражасини баҳолашда самарадорлиги билан аҳамият касб этади:

**а) “Мутолаа кўзгуси” ойлик хабарномасини ташкил этиш.** Хабарномада ўқувчининг ой давомидаги китобхонлик мониторинги ёритиб борилади. Бошланғич таълимдан бошлаб синф раҳбарлари, кутубхоначи ва фан ўқитувчилари ҳамкорлигида тайёрланадиган ахборотномада ўқувчиларнинг синфдан ёки мактабдан ташқари тадбирларга иштироки, дарсликлар ва китоблардан фойдаланиш маданияти, ой давомида мутолаа қилган бадиий асарлари рўйхати, ўқиганлари юзасидан яратган кичик ҳажмдаги матнлардан бошлаб ҳикоя, таассурот, тенгдошига мактуб, тақриз, мақола тарзидаги ижодий ишлардан шакллантирилган портфолиолар мазмуни белгиланган мезонлар асосида баҳоланади. Шу йўл билан ўқувчиларининг мактаб ёки синф доирасидаги китобхонлик даражаси аниқланади ва тенгдошларига ибрат-намуна қилиб кўрсатилади. Ишлар режа асосида шаҳар ёки туман миқёсида оммалаштирилади;

**б) мактаб ва оила ўртасида “Алоқа дафтари” юритилишини йўлга қўйиш.** Синф раҳбари ёки адабиёт ўқитувчиси томонидан ҳар бир ўқувчининг китобхонлик фаолияти тизимли ўрганиб борилиб, ҳафта ёки ой

якунида баҳолар қайд этиладиган алоқа дафтари оила ва мактаб хамкорлигини янада мустаҳкамлашга замин яратади. Бунинг учун белгиланган масъуллар ўз ишларига ижодий ёндашмоғи муҳим ҳисобланади. Дафтарда ўқилган бадий асарлар, қомуслар, луғатлар, газета ва журналлардаги материалларнинг ўзлаштирилганлик даражаси, “Мутолаа дафтари”нинг юритилиш ҳолати, мазмуни юзасидан тўплаган баллари ва синфдаги ўрни ноанъанавий дизайндаги жадвал кўринишида расмийлаштирилади.

“Алоқа дафтари”даги маълумотлар асосида “Мутолаа кўзгуси” хабарномасида ой ёки ҳафтанинг фаол китобхон ўқувчиси сурати ва ижодий ишларига жой ажратилади, жорий қилинган махсус номинациялар билан рағбатлантирилади. Бундай мазмундаги тадбирлар ўқувчиларни ўз устида мустақил ишлашга илҳомлантиради, мутолаага иштиёқини янада оширади. Ота-оналарни эса фарзандининг имкониятларини баҳолашга, тарбияда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш муҳимлигига йўналтиради. “Алоқа дафтари”даги маълумотларнинг ҳар чорак якунида ота-оналар йиғилишида муҳокама қилиниши таълим-тарбия ва мутолаа жараёнидаги айрим бўшлиқларни тўлдиришга шароит яратиши билан аҳамиятлидир.

Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришда йил давомида доир олиб борилган ишлар мониторинги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилишга, мавжуд муаммоларга ечим топиш, келгусидаги мақсад ва режаларни белгилашга асос бўлади.

**“Виртуал кутубхона”лар яратиш.** Сўнгги йилларда республика вилоят, шаҳар ва туман ахборот-ресурс марказлари ходимлари томонидан таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини оммалаштиришга доир қатор инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ахборот-кутубхона маркази расмий веб-сайтларида ёш китобхонлар учун махсус майдончалар ажратилиб, таркибида фаннинг турли соҳалари ёки унутилмас саналарга оид турли саҳифалар ажратилиши [14; 25–27-б.], фойдаланувчиларга интернет тармоғи орқали консультация, форум, видеоанжуман ва семинарлар ташкил

этиш каби интерактив хизматлар эволюцияси оммалаштирилмоқдаки [49; 21–23-б.], уларни мутолаага қизиқтиришнинг қулай ва таъсирчан усуллари сифатида эътироф этиш мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, ижодкор ўқитувчилар томонидан мутолаа маданиятини ўстиришга қаратилган замонавий комплекс дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилиши зарур.

Лойиҳани таълим муассасалари сайтида “Виртуал кутубхона”лар яратиш ва интерактив хизмат кўрсатишни йўлга қўйишдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш ўринлики, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш бу босма нашрларни инкор қилиш дегани эмас, албатта. Бадиий асарлар мутолааси электрон адабиётлардан кўра табиий маҳсулотдан тайёрланган қоғоз китоблар орқали амалга ошиши ўқувчининг жисмонан, ҳам руҳан ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Виртуал кутубхоналар фаолияти фан ўқитувчилари ва ахборот-ресурс маркази ходимлари томонидан қўшма лойиҳалар ва мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар асосида олиб борилади. Белгиланган чора-тадбирлар тизимида таълим муассасаси кутубхонаси фаолиятига ўзгартиришлар киритиш, мақсад ва вазифаларни аниқлаштириш, иш мазмунини замон талаблари асосида янгилаш ва такомиллаштириш устувор йўналиш саналади.

Ҳамкор тарафлар (кутубхоначи ва ўқитувчи) томонидан фойдаланувчи (китобхон-ўқувчи)ларнинг ўқув адабиётлари, техник воситалар билан ишлай олишларига зарур шарт-шароит яратиш, турли ташувчилардан ахборот излашнинг замонавий шакллари кўрсатиш ва амалда фойдаланиш маданиятини шакллантириш, интеллектуал-ижодий, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилишига асосланилади. Зеро, таълим сифати ва ахлоқий-эстетик тарбия самарадорлиги ўқувчиларга кутубхоналарда кўрсатилаётган хизматлар ассортименти ва савиясига узвий боғлиқ.

Хизмат кўрсатиш турларини таълим муассасаси моддий-техник базаси ва ўқувчиларни қамраб олишига кўра қуйидагича белгилаш мумкин:

– фойдаланувчиларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш;

– ўқувчиларнинг илмий, сиёсий ва бадиий адабиётлар, даврий нашрларга оид қизиқиш ва талаблари асосида уларнинг электрон вариантларини яратиш;

– мактаб, кутубхона тарихи, фондда мавжуд манбалар, муассасасада фаолият юритувчилар ва фойдаланувчилар, истиқболдаги режалар ҳақида муҳим маълумотлар омборини яратиш;

– кутубхонага онлайн тарзда аъзо бўлиш тизимини шакллантириш;

– маънавий-маърифий тадбирлар, китобхонликка оид виртуал нашрлар ташкил қилиш орқали мактаб ҳаётини, китобхонлик жараёнини ёритиб бориш;

– “Китоб билан дўстлашув”, “Мулоқотда бўл” каби интерактив маслаҳатхоналар ташкил этиш (маслаҳатхона доирасида “Танлаб ол ва ўқиб чиқ”, “Сўранг, жавоб берамиз” тарзидаги саҳифалар яратилиб, унга мустақил мутолаа учун адабиётлар рўйхатини киритиш);

– мутолаа қилинганлар юзасидан нафақат ўқувчилар, балки кенг жамоатчилик иштирокида онлайн викториналар, мулоқотлар, форумлар, видео конференциялар, вебинарлар ўтказиш;

– бирор ёзувчи ижоди юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасини электрон портфолиолар шаклида расмийлаштириш ва бу борадаги тажрибаларни тармоқда оммалаштириш;

– мавжуд ёки янги нашрларни виртуал кўргазмалар орқали тарғиб қилиш;

– виртуал матбуот саҳифаларида фаол китобхонлар ҳақида тенгдошларининг чиқишларини уюштириш ҳамда ўқув йили давомида китобхонлик мониторинги ўтказиб бориш;

– вақти-вақти билан бошқа веб саҳифаларга виртуал саёҳатлар уюштириб туриш орқали ўзаро тажриба алмашиш. Зеро, веб саёҳатлар

фойдаланувчилар виртуал кутубхонасида мавжуд бўлмаган манбаларни излаш, ўрганиш ва ўзаро ахборот алмашишда катта имкониятга эга.

Виртуал кутубхоналар анъанавий кутубхоналардан янгиликларни етказишда тезкорлиги, маълумотларни юклаб олишда қулайлиги, ахборотларни топиш ва жўнатишда вақтни тежаши ҳамда ранг-баранглиги жиҳатидан фарқланади. Юқорида қайд этилган фаолият турлари орқали ўқувчиларни ахборот-ресурс марказлари фондидан зарур адабиётларни топиш, янги китоблар ҳақида маълумотлар олиш, ўз устида мустақил ишлаш, компьютерда шахсий кутубхона яратиш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга йўналтириш мумкин бўлади. Машғулотларда электрон адабиётлар ва бадиий асарларни ўқиш жараёни ўзаро қиёсланиб, китоб ва ахборот-коммуникация технологияларининг инсон руҳиятига таъсири таҳлил қилинади.

Хулоса қилганда, мустақил мутолаа ўқувчиларда: асар нафосатини англаш; образнинг эстетик таъсирчанлигини ҳис қилиш; муаллиф маҳорати ва ижодий йўналишини белгилаш; матнда акс этган ҳаётий ва бадиий ҳақиқатни қиёслаш; глобал тармоқдаги ахборот уммонидан онгли фойдаланиш; ҳар хил мафкуравий хуружлардан ҳоли маълумотларни ажрата билиш ҳамда турли зарарли оқимларни танқидий баҳолаш кўникма ва малакаларини шакллантиришга ёрдам беради.

## **1.2-§. Ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга қўйиладиган дидактик талаблар**

Инсон ахлоқий камолоти, бадиий-эстетик тафаккурини китоб мутолаасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Адабий таълимга доир меъёрий ҳужжатлар ва илмий тадқиқотларда адабиёт ўқитиш мазмунини ўқувчиларнинг китобхонлиги асосида ташкил этиш ДТС ва ўқув дастурида қўйилган талабларни амалга оширишнинг муҳим омили эканлиги аниқ-равшан кўрсатилган бўлса-да, мазкур муаммо умумий ўрта таълим тизимида мустақил мутолаа мисолида ўзининг тўлақонли ечимини топган эмас.

Ҳолбуки, ўқувчилар адабиёт дарсларида жамоа бўлиб фаолият кўрсатса, мустақил мутолаа чоғида топшириқларни яқка ҳолда бажаришга мажбур бўлади.

Ўқитувчи томонидан берилган топшириқни бажаришга бўлган масъулият унга ўз устида мустақил ишлаш мажбуриятини юклайди. Ўқувчи топшириқ юзасидан изланар экан, муаммо ичига чуқурроқ киради. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида ўқувчиларнинг таълим субъекти сифатида фаолият кўрсатишларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантирмасдан туриб, адабий таълим олдидаги вазифаларни ҳал қилиш мушкуллиги, бунинг учун ўқитувчи раҳбарлигидаги тавсиялар, замонавий ва миллий тажрибалар интеграциялашган китоб тарғиботларига таяниш катта имкониятларга эга. Адабий таълимда мустақил ўқиб-ўрганишсиз муҳим натижаларга эришиш мутлақо мумкин эмас. Ўқувчида илк мактаб даврларидан бошлаб мутолаа кўникмаси шакллантирилмас экан, китоб ўқишга бўлган қизиқиш аста-секинлик билан йўқолиб, кейинчалик бутунлай сўнади.

Мутолаа малакасига эга бўлмас экан, ўқувчи кундалик адабий жараён билан барабар қадам ташлашга, газета ва журналларни мунтазам мутолаа қилишга улгурмай қолади. Зеро, адабиёт – тирик, доимий ривожланиб боровчи жараён. Ўқувчининг бу жараён билан қизиқмай қўйиши уни долзарб ҳаётий янгиликлардан, муҳим ахборотлардан маҳрум қилиб қўяди. Бу борада Жон Голсуорси таъкидлаганидек, “Китобхонлик – бизнинг бениҳоя юксак даражада машиналашган замонамизда стандартлаштириш ва жўнлаштиришга қарши энг яхши воситадир. Ўқиш – бизнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурларимизни, бошқа одамларнинг феъл-атвори ва эҳтиёжлари тўғрисидаги тушунчаларимизни кенгайтиради, китоб одамга ўзининг “мен”и худудидан ташқарига чиқишига ёрдам беради” [82; 76-б.].

Глобаллашув асрида мутолаа маданиятини такомиллаштиришга оид янги талаблар қўйиш адабий таълим самарадорлигига хизмат қилиши табиий. “Китоб ўқиш маданияти шахсининг адабий-эстетик етуқлигинигина

эмас, балки ижтимоий, фуқаролик етуклигининг ҳам намоён бўлиши ва мезони сифатида қаралади, китоб ўқиш (мутолаа) маданиятини, кейинчалик эса ахборот олиш маданиятини шакллантириш жараёни эса – унинг ижтимоий, ахлоқий ва эстетик ривожланишидаги шарт-шароити, ижодий ўқиш кўникмалари ва малакаларини эгаллашга бевосита боғлиқ ҳолат сифатида кўрилади” [34; 175-б.].

Агар адабий таълим мазмунини ислоҳ қилишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар мазмунига эътибор қилинса, жумладан, 1999 йилда тузилган “Адабиёт” ўқув дастури “Уқтириш хати”да мустақил ўқишни ташкил этиш хусусида маълум даражада фикр юритилиб [10; 179-б.], дастурда 5–6-синфларда жами 6 соат вақт ажратилганини кўриш мумкин.

2010 йилда эълон қилинган “Адабиёт” дастури [11; 56–91-б.]да масалага ўзгачароқ тарзда ёндашилади. Бунда ҳар бир синф ўқув дастурига илова ҳолда синфда ва мустақил ўқиш, ёд олиш учун тегишли асарлар рўйхати берилса-да, муайян соатлар ажратилмаган. “Ўқувчилар синфда ва мустақил ўқишлари, ёд олишлари лозим бўлган асарлар” таркибида фақат дастурда ўрганилиши режалаштирилган адабиётлар билан чекланилгани кузатилади. Мазкур рўйхатда дастурга киритилган шоир ва ёзувчиларнинг бошқа асарлари, шунингдек, ижоди ўрганилиши кўзда тутилмаган адиблар ижодидан намуналар жой олишига эътибор қаратилмагани маълум маънода эътирозлидир.

Шу ўринда мустақил ўқиш учун дарсликлардан ўрин олган мавзулар кўлами ҳақида сўз юритиладиган бўлса, уларни талаб даражасида баҳолаб бўлмайди. Хусусан, фақат 8-синф дарслигидагина мазкур масалага қисман эътибор қаратилганини Лутфий [111; 83–89-б.], Навоий [111; 129–137-б.] ва Нодира [111; 156–158-б.]. ижодидан берилган ғазал, туюқ ва қитъалар мисолида асослаш мумкин. Бинобарин, адабий таълимга оид манбаларда мустақил ўқишга тавсия қилинган асарлар дарсликка киритилган бўлиши ва уларни ўрганиш мажбурийлиги кўрсатилганини қайд этиш муҳим.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар, хусусан, компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ва ўқув дастурларининг ишлаб чиқилиши ўқувчи шахсига йўналтирилган бўлиб, эгалланган билим, кўникма ва малакалардан ҳаётда учраши мумкин бўлган турли вазиятларда фойдаланишга тайёрлаши билан аҳамиятлидир. “Компетентлилик (лотинча “competens” – “лаёқатли”, “қобилиятли”) деганда шахс билим, кўникма, малака ва тажрибаларининг ижтимоий-профессионал мавқеи ва ўзига тегишли вазифаларни бажариш, муаммоларни ҳал қилишга қодирлиги ҳамда ҳақиқий мослик даражаси” [16; 8-б.] тушунилиши бежиз эмас.

“Компетенция” шахс томонидан мукамал ўзлаштирган предмет саналади ва у танлаган соҳада фаолият юритиш учун тайёргарлик мезони вазифасини бажарса, “компетентлилик” ундан фарқли равишда шахснинг йўналтирилган таснифи, битирувчининг маълум соҳада фаолият юритиши учун шакллантирилган кўникмани англатади.

Ўқувчиларда муайян сифатларни камол топтириш учун ўқитувчининг ўзидан ҳам умумкасбий компетенцияларга эга бўлиш талаб этилади. Олимлар фан ўқитувчилари махсус йўналишдаги, ижтимоий, шахсий ва индивидуал компетентлиликни тўлиқ ўзлаштирган ҳолдагина компетентли педагог саналишини қайд этадилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам компетентлилик муаммолари ёритилган қатор тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бевосита муайян соҳа мутахассисига хос бундай жиҳатларни Н.Муслимов “индивидуалнинг, умуман, жамиятда ва хусусан касбий соҳада муваффақиятли фаолият олиб бориши учун зарур бўлган, атрофидаги объектлар ва субъектлар билан ўзаро ҳамкорлиги бўйича маълум бир малакалари ва касбий тажрибалари шаклланганлигининг муайян даражаси” [103; 10-б.] тарзида баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йилда қабул қилинган “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарти” [9]да ҳар бир ўқув фани мазмунига доир

компетенциялар белгиланган бўлиб, адабий таълимда адабий-нутқий (тинглаб тушуниш, фикрни оғзаки баён қилиш, ўқиш, фикрни ёзма баён қилиш) ва бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциялари қатори коммуникатив, ахборотлар билан ишлаш, ўзини ўзи ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ва фойдаланиш каби таянч компетенциялар умумтаълим фанлари негизда уйғун ҳолда ривожлантирилиши кўзда тутилади.

Янги давлат таълим стандартида “ўқувчиларни бадиий адабиётга қизиқтириш, асарларни ўргатиш жараёнида олам ва инсон табиати, миллий ва умуминсоний қадриятлар, шунингдек, китобхонлик маданиятини шакллантириш орқали ўқувчиларнинг маънавиятини, дунёқарашини кенгайтириб, мустаҳкамлаб бориш” [9; 144-б.] мақсадининг белгиланиши мустақил мутолаа муаммосининг шахс камолотидаги мавқеини яна бир бор оширади.

Ўқувчиларнинг лаёқатлилиқ даражасини шакллантириш мақсадига қаратилганлиги янги ДТСни аввалгиларидан фарқлайди ва бунда битирувчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси минимум мезонлари кўрсатилади. Масалан, умумтаълим мактаблари 4-синф битирувчилари “А 1” даража, фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган ихтисослаштирилган мактаблар 4-синф битирувчилари “А 1+” даража, умумтаълим мактаблари 9-синф ўқувчиларидан “А 2” даража, фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган ихтисослаштирилган мактабларнинг 9-синф битирувчиларидан эса “А 2+” даража билим-малака минимумини эгаллаш талаби қўйилади.

Бу фикр исботи адабий-нутқий компетенцияларни шакллантириш мисолида кўриладиган бўлса, 4 йиллик умумтаълим босқичи битирувчиси адабиёт ўқув фанининг бошланғич даражасида билимга эга бўлиши, яъни А 1 минимумда берилган топшириқларни бажара олиши, хусусан, китоб билан ишлашда мактаб кутубхонасидан фойдалана олиши зарур ҳисобланади. Фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган мактаблар битирувчиларига эса

нисбатан чуқурроқ малака ва кўникмаларга эга бўлиш талаби қўйилади. Умумий ўрта таълим мактаблари 9-синф битирувчиларига адабий-нутқий компетенциялар бўйича эса мактаб кутубхонасидан мустақил фойдалана олиш, турли жанрдаги адабиётларни танлаб мутолаа қилиш, ундаги воқеа-ходисалар, образлар тизимига муносабат билдира олиш талабининг бажарилиши каби адабиёт ўқитишнинг (А 2) таянч даражаси белгиланади.

Агар битирувчилар фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослаштирилган мактаблар 4-синфида таълим олган бўлса, бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияси бўйича мустақил ўқиш учун тавсия этилган асарларда тасвирланган воқеа-ходисалар мазмунини тушуниб, қайта ҳикоя қила олиш, асар қаҳрамонларига муносабат билдира олиш кўникма ва малакаларининг кучайтирилган (А 1+) таянч даражаси талаб қилинади.

Амалдаги дарсликларда мустақил ўқишга етарлича эътибор қаратилмаганлиги ўқитувчининг ўзи бу борада тегишли чора-тадбирлар белгилаб иш кўришини талаб этади. Чора-тадбирларнинг амалиётга татбиқи ўқув предметлари ва мавзулараро интеграцияга асосланган режа ва дастурлар, библиографиялар тузилишига ҳамда турли фан ўқитувчиларининг ўзаро тажриба алмашишиб, фаолият юритишларига ҳар жиҳатдан боғлиқ.

Янги авлод дарсликлари саҳифаларида бадиий асарга оид иқтибослар ва фойдаланилган манбаларнинг келтирилиши айти шу мавзу юзасидан мутолаа давомида туғилиши мумкин бўлган турли саволларга тўлиқ жавоб олиш имкониятини бериши ўқувчининг қизиқишлари асосида янги маълумотларга эга бўлишини таъминлайди. Бундай ёндашув, биринчидан, мустақил мутолаага ундаса, иккинчидан, ўқувчиларнинг қўшимча адабиётлар билан ишлаш компетенцияларини ривожлантиришга асос бўлади.

Мустақил мутолаа дастурини тузишда адабий таълим концепцияси, ДТС, ўқув режа, дастур, “Таълим тўғрисида”ги давлат қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” каби меъёрий ҳужжатларга таянилади. Мазкур ҳужжатларда асосан таълимни инсонпарварлаштириш ва ахлоқий-эстетик тарбия устуворлиги назарда тутилади. Бунда миллий ва умуминсоний

хусусиятга эга бўлган фан сифатида адабиёт, энг аввало, инсоннинг онгига, калбига, ички дунёсига йўналтирилган бўлади.

2016 йил Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларининг барча синфлари учун мустақил ўқишга адабиётлар рўйхати тавсия қилингани [127; 10-б.] ёки 1–4-синфлар “Ўқиш” ҳамда 5–9-синфлар “Адабиёт” дарсликларига қўшимча тарзда хрестоматиялар, шунингдек, “Ўзбек болалар адабиёти антологияси” [134], “XX аср шеърятини антологияси” [87] ва “XX аср Ўзбек ҳикояси антологияси” тўпламларининг [88] нашр этилишини китобхонлик маданиятини шакллантириш йўлидаги вазифалар ижроси сифатида қабул қилиш мумкин.

Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия қилинган адабиётлар моҳиятида ғоявийлик, таълим ва тарбиянинг ўзаро алоқадорлиги, тизимлилик, тарихийлик, ўқув предметларининг ўзаро боғлиқлиги, ўқувчилар тарбиясининг ижтимоий мақсадларга мувофиқлик тамойиллари устувор аҳамият касб этади [127; 10-б.]. Бироқ адабиётлар таркибини шакллантиришда ўқув фани қурилиши ва мазмунига оид талаблар маълум даражада ўз аксини топмагани айрим камчиликларни юзага келтирган. Булар қуйидагиларда намоён бўлади:

**1. Психологик талаблардан чекиниш.** Буни жадвал тарзида қуйидагича ифодалаш мумкин (*1.1-жадвалга қаранг*):

1.1-жадвал

**“Адабиёт” ўқув дастурлари таркиби ва мустақил ўқиш рўйхатининг қиёсий жадвали (синфлар кесимида)**

№	Асар номи	Мустақил ўқиш рўйхатида	“Адабиёт” ўқув дастурида
1	О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси”	6-синф	9-синф
2	А.Қахҳор. “Бемор”	7-синф	6-синф
3	Ў.Ҳошимов. “Урушнинг сўнгги қурбони”	7-синф	6-синф
4	П.Коэло. “Алкимёгар”	7-синф	–
5	Гулханий. “Зарбулмасал”	8-синф	6-синф
6	А.Авлоний. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”	9-синф	–

Жадвалдан кўринадикки, айрим ўринларда ўқувчи ёш ва психологик хусусияти синфлар кесимида инобатга олинмаган. Гарчи, “Улуғбек хазинаси” романи концептуал тамойилга мувофиқ танлангандек тасаввур уйғотса-да (6-синф ўқув дастури ва мазкур рўйхатдан адибнинг “Музқаймоқ” асари ўрин олган), лекин 12–13 ёшли ўқувчиларда бадиийлик, тарихийлик ёки ижтимоийлик юзасидан билим, кўнима ва малакалар деярли шаклланмагани эътиборсиз қолдирилгани ўзини оқламайди.

П.Коэлонинг фалсафий рухтаги “Алкимёгар” романи 7-синф ўқувчисининг умр, яшашдан мақсад, орзу ва рўё ҳақидаги тушунчаларига қай даражада мос келади? Бу даврда ўқувчининг А.Қосимов таъбири билан айтганда “инсон қалб амрига қулоқ тутиб яшаши кераклиги, шундагина ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси мўъжиза бўлиб туюлиши ва оддий қум заррасида ҳам бахтни топиш мумкин”лиги [58; 79-б.] борасида ҳали тажрибасизлигини назарда тутсак, бундай ҳолатларнинг ДТС ва дастурда белгиланган мезонлар моҳиятига зидлигини таъкидлаш ўринлидир.

А.Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари 9-синфларга эмас, ватанпарварлик, одамийлик, самимийлик, тарбия кўринишлари ҳақида илк тасаввурлар шаклланаётган қуйи синф ўқувчиларига тавсия этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

## **2. Адабий тур ва жанрлар танловидаги изчиллик номуносивлиги.**

Бунда аксарият эпик турдаги асарларга урғу қаратилган. Лирик асарлар, асосан, бошланғич 1–4-синфлар учун тақдим этилган бўлса, фақатгина 8-синфда М.Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” драмасига мурожаат қилиниши бу турдаги асарларнинг сояда қолганилигидан далолатдир.

## **3. “Адабиёт” ўқув дастури мазмунига мувофиқ такрорлар.**

Рўйхатда дастур бўйича 5–9-синфларда ўрганиладиган ўттизга яқин асарлар номи қайта учрайди. Баъзи адабиётларнинг такрор келтирилишида уларни тўлиғича, батафсил ўқиб-ўрганишга йўналтириш мақсади мужассамлиги эҳтимолдан холи эмас. Лекин бундай манзара ҳар бир синф “Адабиёт” ўқув дастурлари якунида алоҳида қайд этилгани боис муҳим аҳамият касб этмайди.

Демак, мутолаага адабиётлар тавсия қилишда педагог, психолог ва методистларнинг ҳамкорлигига асосланиш дастур тузилиши тизимида умумтаълим, тарбияловчи, ривожлантирувчи функцияларни амалга ошириш ҳамда мукамалликка хизмат қилади.

Таклиф қилинаётган “Мутолаа курси” дастури (1-иловага қаранг ) ва 5–9-синфларга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати (2-иловага қаранг) умумий ўрта таълим мактабларида адабий таълим мазмунини адабиёт ўқитиш методикаси фанининг энг сўнгги ютуқлари, “мустақиллик йилларида самарали ижод қилаётган, шахсий ҳаёти ва инсоний фазилатлари билан ўқувчиларга ўрнак бўла оладиган айрим ёзувчилар ижоди 9-синфда “Мустақиллик даври адабиёти” фаслида ўтилиши ёки ўқувчиларнинг мустақил ўқишлари учун тавсия қилиниши мумкинлиги” [11; 55-б.], шунингдек, “...ўзбек ва чет эл адибларининг мумтоз ва замонавий асарларини танлаб, хрестоматия адабиётлари рўйхатини қайта кўриб чиқиш” [6; 7-б.] талабларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга татбиқ этишнинг бир йўли, холос.

Мустақил мутолаага тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини тузишда: ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари; асарнинг ғоявий-бадий ва таълимий-тарбиявий аҳамияти; мазмун, композицион тузилиши ва бадий хусусиятларига кўра тушунарли бўлиши; мавзуси ва жанрий хилма-хиллиги; ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар билан узвийлиги; мустақил мутолаа материалларидан ўқувчиларнинг атроф-муҳит ҳақидаги билим ва тасаввурларини кенгайтиришда фойдаланиш каби тамойил ва мезонларга амал қилинди.

Мустақил мутолаа учун асар танлашда дарсларда ўрганилаётган мавзу билан чамбарчас боғлиқ мажбурий адабиётларни ўқиш назарда тутилди. Бунда ўқувчи фақат дастур материаллари билан кифояланмасдан, балки ижодкор услуби, йўналиши ёки маҳоратининг бошқа қирралари билан ҳам таништириш мақсади белгиланди. Бинобарин, дастурда режалаштирилган ва дарсликда парчалар келтирилган асарларнинг тўлиқ матни уларга кўшимча ҳолда чоп этилган хрестоматиялардан ўрин олган. Бугунги кунда республикадаги барча умумий ўрта таълим мактаблари кутубхоналарига

дарсликка қўшимча мажмуаларнинг тизимли равишда етказиб берилиши йўлга қўйилган.

**Ўқитувчи тавсиясига кўра танланган китобларни мутолаа қилиш** (дастурда режалаштирилмаган адиблар ижодидан намуналар). Гарчи дастур ёки дарсликка киритилмаса-да, ўқувчи ўзбек адабиётининг етук намояндалари ҳамда ёш ижодкорлар томонидан турли даврларда ёхуд мустақиллик йилларида яратилаётган асарлар билан танишишга ҳақли ва бу масала бугунги кунда долзарб саналади. Бизнингча, мустақил мутолаа дастурида тавсия қилинган турли жанрдаги асарлар ўқувчини шоир ва ёзувчилар, турли ижодий методлар ёки адабий даврлар ўртасидаги тафовутларни анализ-синтезга тайёрлаши нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир.

Ўқувчилар китобхонлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи бадиий асарларни шартли равишда уч бўлимга ажратиш мумкин. Биринчи бўлимга синфда батафсил ўрганиш ёки матний таҳлил учун мўлжалланган асарлар, иккинчи бўлимга дастур бўйича қўшимча ўрганишга тавсия қилинган асарлар киради. Улар ўқувчиларнинг ёзувчи шахсияти ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиради, ижодий йўналиши ва муаммоси ҳақида суҳбатлашиш имконини беради. Бундай асарларни ўқиш мажбурий ҳисобланади, таҳлил хусусияти эса мавзунини ўрганиш режаси асосида белгиланади.

Мустақил мутолаа учун берилган учинчи бўлим янги асарлар ҳисобига бойиб, янгиланиб туради. Юқоридаги икки бўлим тадқиқотчилар томонидан турли йилларда тадқиқ этишга ҳаракат қилинди. Лекин учинчи бўлим ҳозирги пайтда мазмунан қанчалик долзарб бўлмасин, монографик характердаги ишлар яратилмади. Шунга кўра, мазкур бўлимда мутолаа маданиятини шакллантиришга асос бўлувчи хусусиятлар тўғрисида сўз юритиш лозим топилди.

Ўқитувчи мустақил мутолаага китоб танлашда асарнинг бадиий-эстетик жиҳатдан юксак талабларга жавоб беришини алоҳида инобатга олиши мақсадга мувофиқ. Бадиий асарларни тавсия этишда синф жамоасининг билим даражаси ҳамда дастур талабларидан келиб чиқиб

қуйидаги масалалар кўзда тутилади:

1. Тарбиявий мақсад. Шунга биноан, танланган асарлар орқали ўқувчиларни миллат тарихида чуқур из қолдирган аجدодлар, она табиат, ундаги ҳайвонот ва наботот олами, турли жониворларнинг яшаш тарзи, тенгдошлар ҳаёти, кишилар ўртасидаги оилавий, ахлоқий муносабатлар билан таништириш мўлжалланади.

2. Асар жанрининг хилма-хиллиги, мавзуларнинг ранг-баранглиги (ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, муҳаббат ва нафрат, эътиқод ва хиёнат).

3. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари.

Кўринадики, мустақил ўқишни режалаштиришда “Адабиёт” дастури талабларига таянилади, айти пайтда унинг билан чегараланиб ҳам қолинмайди. Чунки жамият тинимсиз тараққиётда.

Ўқувчи бадиий асар мазмунини ўзининг ҳаёт ҳақидаги тасаввур-тушунчалари асосида идрок этади, муайян хулосаларга келади ҳамда шу хулосаларига эътиқод қилиб яшайди. Ўз-ўзини англаш айнан шундан бошланади. Бадиий асарларни мустақил ўқиб-ўрганиш таълим олувчининг ўзини ўзи англаши, туйғулари тарбияланиши, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш ва онгли равишда касб танлашига туртки беради. Бинобарин, Б.Макулова таъкидлаганидек, “ўқувчи ўзи ўқиган бадиий асар юзасидан фикр юрита олмас экан, ундаги нафосатга йўғрилган маънони ҳам уқиб ололмайди, адабий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ва курашлари мисолидаги эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий зиддиятнинг бадиий нафосатини идрок қилолмайди, бошқача айтганда, ўқиганлари юзасидан тегишли хулоса чиқара олмайди [98; 26-б.].

Адабий таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, ички имкониятлари, фаолиятининг етакчи турини белгилаган ҳолда мутолаа маданиятини шакллантириш ўқитувчидан катта масъулият талаб этади. Мустақил мутолаага ўргатишнинг дастлабки босқичида адабий матн билан мулоқотнинг энг содда усуллари мурожаат қилинади, илк таҳлилий ишлар кўникмаси шакллантирилади.

Кейинги босқичда ўқувчилар эътибори айрим асарларни таҳлил қилиш асносида бир ёзувчини иккинчисидан ажрата олиш, ижодкорнинг бадиий

услуги, асарларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини англашга йўналтирилади. Шу тариқа адабиётнинг санъат тури сифатидаги қонуниятлари билан таништиришга йўл очилади. Шунинг учун бадиий адабиётни сўз санъати сифатида ўрганиш ҳамда ранг-тасвир, театр, кино каби турлари билан қиёслаш зарурий ҳол бўлиб қолади.

Мустақил мутолаа адабий билим ва кўникмалар самарадорлигини текширишнинг энг яхши усули бўлиб, адабиётни ўрганишга мақбул шароитни юзага келтиради. Асар мутолааси бадиий воқеликни ўрганиш билан узвий боғлиқ. Бунинг учун асар сюжети, композицион тузилиши, қаҳрамонлар тизими, адабий тур ва жанрлар, ёзувчининг ижодий индивидуаллиги, тарихий поэтика сингари назарий тушунчаларни ўзлаштириш тақозо қилинади.

Мустақил мутолаа жараёнида ўқувчи эркинлигини таъминлаш ва ижодий тафаккурини шакллантириш фақат ўқув дастури билан кифояланиб қолмасликни талаб этади. Бугунги кунда ҳар бир ўқитувчининг ўзи мустақил ўқиш дастурини ишлаб чиқиш имконига эга. Дастур замон ва макон руҳига, ўқитувчи ва ўқувчининг шахсий хусусиятларига мос келиши, ёш ва санъат қонуниятларидан келиб чиқадиган умумий асосларни ҳам назардан қочирмасликни тақозо қилади.

Бу борада Р.Ниёзметова қайд қилганидек, “Китоб ўқиш маданияти тушунчаси ўз ичига нимани ўқиш, қандай ўқиш, ўқилганлардан қандай қилиб фойдаланиш ва қанча ўқиш керак деган ўзаро боғлиқ саволларни қамраб олади. Бугун методик терминлар сирасига “китоб ўқиш ядроси” тушунчасини киритиш лозим. Бу ядро албатта ўқилиши зарур бўлган муаллифлар ва асарлар рўйхатини ўз ичига олади” [108; 178-б.].

Мазкур ўзак, яъни “ядро” атамаси, табиийки, мустақил мутолаа мазмунини англатади. Мустақил мутолаа дастурида мавзулар таркиби ўзгартирилиши, ўқувчилар дидига мосланиши мумкин, лекин адабий таълимнинг ҳар босқичида китобхонликни тарбиялаш орқали ўқувчи маънавияти, бадиий-эстетик дидини ўстириш мақсади ўзгармас бўлиб қолаверади. Асарнинг бадиий хусусиятлари, муаллиф нуқтаи назарини англаш, эмоционал идрок этишда тарихий-адабий материаллар, назарий

тушунчалар, ёзувчи таржимаи ҳоли, илмий-танқидий мақолаларни ўрганиш китобхонлик маданияти такомилга ижобий таъсир кўрсатади. Нутқ ўстириш жараёни оғзаки савол-жавоб, маъруза, реферат, тақриз, аннотация, иншо ва унинг таҳлилига оид мустақил ишларни ташкил этиш билан тадрижийликда олиб борилади.

Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган мустақил мутолаа дастурида: ДТС талабларига мувофиқ адабий манбани ўқувчи ёш хусусиятига мослаштириш; асар устида ишлаш тамойилларини дастур мазмунига йўналтириш; адабиёт ривожининг тарихий даврларига эътибор қаратиш; бу билан яхлит дунёқарашни, ҳаётга изчил нуқтаи назарни вужудга келтириш; китобхонликни даврнинг ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, экологик муаммолари билан боғлаш тамойилларига амал қилиш кўзда тутилади.


Китоб тарғиботида бирор мавзу ёки соҳага оид асар, тўплам ёки китоблар рўйхати асосида тузилган библиографияга таяниш мумкин. Албатта, бунда бадиий асарлар тур, жанр, мавзу ва муаммосига кўра жадвал ёки харита шаклида гуруҳлаштирилиб (ижодкор сурати, тўпламлари ёки қаҳрамонлари тасвири илова ҳолда), ўқувчи эътиборига ҳавола қилиниши мумкин (1.2-жадвал, 1.1-, 1.2-расмларга қаранг).

1.2-жадвал

### Китоб тарғиботида доир намуналар

#### Эпик асарлар библиографияси

Роман жанри (мавзусига кўра)				
Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги	Маънавий-ахлоқий мавзудаги	Тарихий мавзудаги	Биографик мавзудаги	Детектив мавзудаги
О.Ёқубов. “Осий банда”	Н.Эшонқул. “Гўрўғли”	К.Аваз. “Созанда”	Н.Каримов. “Ҳамид Олимжон”	Т.Малик. “Шайтанат”



1.1-расм. Драматик асарлар тарғиботига доир библиографик харита



1.2-расм. Лирик намуналар тарғиботига доир библиографик харита

Умумий ўрта таълим мактабларида адабий таълимнинг мақсади ўқувчиларни бадиий адабиётга ошно қилиш, эстетик идрок этиш ва сўз санъатини баҳолаш қобилиятини ўстириш, маънавий эҳтиёжларини шакллантириш, ҳиссий образли нутқни ривожлантиришга қаратилади. Бу борадаги таълим самарадорлиги ўқувчиларда мутолаа маданиятининг шаклланиши (асар ўқишнинг кўпқирралилиги, тизимлилиги, муайян мақсадга йўналтирилганлиги); асарнинг ғоявий-образли мазмуни чуқур англашганлиги; адабиёт назарияси бўйича муайян билимларнинг ўзлаштирилганлиги; нутқий кўникма ва малакалар сифатини эгаллаганлик даражаси билан белгиланади.

Маълумки, ўзбек, қардош ва жаҳон халқлари фольклор намуналари ёки адиблари ижодида сюжет танлаш, характер яратиш, воқеалар ривож, мотивлараро, тарихий-ижтимоий давр манзаралари тасвирида муайян муштаракликлар мавжуд. Бу жиҳатларни “Алпомиш”, “Тоҳир ва Зухра”, “Рамаёна”, “Жумонг”, “Манас”, “Қўзи Кўрпеш ва Баян Сулув” каби турли халқлар оғзаки ижод намуналари ёхуд “Кичкина шахзода” (Экзюпери) ва “Алкимёгар” (П.Коэло), “Кўзгу олдидаги одам” (О.Мухтор) ва “Дориан Грейнинг портрети” (О.Уайльд), “Сароб” (А.Қаҳҳор) ва “Мартин Иден”, (Ж.Лондон), “Фаренгейт бўйича 451 даража” (Р.Брэдбери) ва “Туташ тақдирлар” (Ҳ.Шайхов), “Чўқинтирган ота” (М.Пьюзо) ва “Шайтанат” (Тоҳир Малик) каби кўплаб асарларда учратиш мумкин. Албатта, типологик яқинлик ёки ўзига хосликлар туташ бундай руҳдаги асарлар турли йилларда А.Қосимов [58; 77–79-б.], Б.Холиқов [52; 32–34-б.], Н.Тоирова [44; 95–98-б.], Н.Қобилова [57; 63–67-б.] ва У.Кўчимов [27; 74–76-б.] каби тадқиқотчиларнинг қиёсий таҳлилга оид изланишларига замин яратган.

Табиийки, бундай мутаносибликларга нимадандир таъсирланиш ёки кимнингдир асаридан руҳланиш сабаб эмас. Муҳими, қаҳрамон ботини ва зоҳиридаги мувозанатнинг издан чиқиши, натижада маънан қашшоқлик ва таназзулни келтириб чиқарган ғоянинг умумийлик касб этишида.

Ўқувчиларда турли муҳит ва давр оралиғида яратилган бадиий асарларни мавзу ва муаммосига кўра ажратиш, улар ўртасидаги ўхшашлик ёки илдизли тафовутларни таққослай олиш билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда юқоридаги каби хусусиятларга эътибор қаратилади. Масалан, 5-синфда Бобур умрбаёни немис ёзувчиси Ф.Вюртленинг саргузашт жанрида яратилган “Андижон шаҳзодаси” қиссаси [75] 6-синф “Адабиёт” дарслигида П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романидан берилган парча [69; 96–110-б.] билан мантиқий изчилликда ўрганилиши муайян тарихий сиймо шахсияти, умумбашарий қадриятлар мазмун-моҳияти юзасидан тасаввур ҳосил қилиш, инсон ҳаёти, миллат тақдири улуғ неъмат саналишига ишонч туйғуларини мустаҳкамлашда долзарб аҳамият касб этади.

Бобур ҳаёти, кечмишларига доир ҳар икки асарнинг қиёсий таҳлили: ёзувчи услуби, маҳорати; тарихий шароит, воқеалар ва бадиий ҳақиқат тасвиридаги холисликни баҳолаш; қаҳрамонлар характерининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш баробарида ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиши нуқтаи назаридан ҳам самаралидир. Қайд этиш ўринлики, олмон адиби асарида, асосан, 12 ёшли Бобурнинг тахтга чиқиши билан боғлиқ воқеалар қаламга олинади. Қисса ёш шаҳзода тақдиридаги битиклар мисолида ўқувчига XV аср охири XVI аср бошларида Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазият, давлатлар ўртасидаги маданий алоқалар, ҳарбий низолар ва ижтимоий ҳаёт ҳақида атрофлича маълумот бериши билан ҳам қимматлидир.

Асарда ўқувчилар эътиборини қаратиш муҳим бўлган айрим лавҳалар борки, бу тарихий ҳақиқат билан бадиий тўқима ўртасидаги тафовутларни баҳолаш имконини беради. Жумладан, Умаршайх Мирзонинг мард, довюрак, ишончли амирларидан бўлган Қосимбекнинг Бобур тахтга ўтирган вақтда навқирон ўттиз ёшдаги йигит бўлишига қарамай, асарда кўзи ожиз, жисмоний имкониятлари чекланган кекса киши сифатида тасвирланиши ҳақиқатга зидлигидан воқиф бўлинади.

Ф.Вюртле Умаршайх Мирзонинг ҳалок бўлиш воқеаси тасвирида тамомила бошқа йўлдан боради. Олмон адиби асарида Фарғона ҳокимининг Шайбонийхон билан тил бириктирган Ахси қалъабегиси ва унинг гумаштаси Чопуқ каби фитначи беклар уюштирган суиқасд туфайли ҳалок бўлиши тасвири ўқувчида фикрлар ранг-баранглигини, воқеликларга турли нуқтаи назардан ёндашиш заруриятини юзага келтиради.

Мутолаа жараёнида ўқувчилар “Андижон шаҳзодаси” асари муаллифининг маҳорати қуйидагиларда намоён бўлишига эътибор қаратиши муҳим ҳисобланади:

а) адибнинг Бобур ҳаёти ва ижодини синчковлик билан ўрганиши Ўзбекистон тарихи, буюк аждодлар шахсига ҳурмат ва эҳтироми ифодаси эканлигида;

б) Фарғона водийсининг географик жойлашуви, аҳолиси феъл-атвори ва турмуш тарзи, ҳайвонот ва набобат олами, иқлими, жойлар номланиши ва табиат ҳодисалари тасвирида “Бобурнома”дан ижодий фойдалана олишида;

в) образ яратишда тасвирий-ифодавий воситаларни унумли қўллай билишида;

г) асар асосан болалар учун учун мўлжалланганида.

Фарқли жиҳатлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

а) П.Қодиров романида қиссадагига нисбатан ижтимоий-сиёсий ҳаёт, қаҳрамонлар характери ва турмуш тарзи кенг кўламда акс эттирилгани;

б) шарқона қадрият ва анъаналарни ёритишда қисса муаллифининг билим ва тажрибаси етарли эмаслиги кўзга ташланишида ва ҳоказо.

Мустақил мутолаа дастурининг концентрик ва хронологик тамойил асосида тузилиши мавзуларни кетма-кет тақдим этиш, ўқув дастурларида ўзаро уйғунлашган жиҳатларни шакллантириш, модуллашган, мавзулараро интеграция ҳамда интегратив дастурлар доирасидаги алоқани амалга ошириш, турли мавзу, образлар, адабий жанрлар ва санъатнинг ранг-тасвир, мусиқа, ҳайкалтарошлик, театр ва бошқа турларини мувофиқлаштириш имконини юзага келтиради.

Бизнингча, юқорида қайд қилинган фикрлардан келиб чиқиб, дастурда куйидаги тамойилларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

**концептуал тамойил** таълимнинг узвийлигини белгилаш имконини беради. Бунда айнан бир ёзувчи ижоди таълимнинг турли босқичларида ғоявий-бадий мундарижаси, тасвир услубининг ўзига хослиги, образлар тизими, жанрий хусусиятлари ва композицион тузилиши аста-секин мураккаблаштирган ҳолда тақдим этилиши мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг “Шер билан дуррож” (“Ҳайрат ул-аброр”дан) 5-синфда, “Ҳикматли сўзлар”и (“Маҳбуб ул-қулуб”дан) 6-синфда, “Меҳр ва Суҳайл” (“Сабъаи сайёр”дан) 7-синфда, ғазал ва қитъалари 8-синфда, “Фарҳод ва Ширин” 9-синфда, “Ҳазойин ул-маоний” куллиёти 10-синфда, “Садди Искандарий” дostonлари 11-синф ёки академик лицейларда; С.Аҳмаднинг “Қоплон”, “Собиқ” ҳикоялари 6-синфда, “Уфқ” романидан “Қочоқ” парчаси 8-синфда, 10-синфда “Қорақўз мажнун” каби асарлари ўрганилиши юқоридаги фикрларнинг тасдиғидир.

Мустақил мутоаа дастурини тузишда ҳам концептуал тамойил талабларига амал қилинади ҳамда ўзбек, қардош ва жаҳон адабиёти намуналарини узвийликда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, “Панчатантра”, “Калила ва Димна”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Лисон ут-тайр” асарларидаги ибратли ҳикоятлар; Эзоп, Ж.Лафонтен, Лопе де Вега, Лессинг, И.А.Крилов, С.Маршак, С.Михалков, Гулҳаний, Ҳамза масаллари; Алишер Навоий ва Конфуцийнинг одамлар хулқ-атвори ва жамиятдаги нуқсонларни бартараф этишга қаратилган ҳикматлари замиридаги муштарак ғоялар сўз санъатининг умуминсоний моҳиятини очишга ёрдам беради.

Болгар адабиётидан ўрганилиши мумкин бўлган Й.Радичковнинг “Мафтункор парвоз жозибаси”, “Наъматас бутаси”, америкалик ёзувчи У.Фолкнернинг “Айиқ” асарлари ўқувчиларни глобаллашув даврида инсон ва табиат ўртасидаги муносабатнинг издан чиқиш сабабларини кўрсатиш, улар орасидаги мувозанатни тиклаш борасида янги ғоялар тақдим этиш, лойиҳалар яратиш ва ҳаётга татбиқ этишга ундаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Мазкур ижод намуналарини тур ва жанр, мавзу ва ғоялар муштараклиги нуқтаи назаридан бошланғич ва юқори синфлар (масалан, Н.Фозиловнинг “Кўкёл”, Н.Норқобиловнинг “Оқбўйин”, П.Қодировнинг “Хатарли учрашув”, Э.С.Томпсоннинг “Ёввойи йўрға”, Ж.Лондоннинг “Ҳаётга муҳаббат” асарларига боғлаб)да ўрганилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаш жоиз;

**хронологик тамойил** ўрганилаётган асарни турли жиҳатдан таҳлил қилишга монелик қилмайди. Хусусан, у дастлабки пайтларда жанрий муаммоли-мавзувий (халқ оғзаки ижоди, адабий эртаклар) тамойиллар билан уйғунлашади. Мустақил мутолаа дастури мутолаа ва суҳбат учун асар танлаш, бир асарни мазмуни, жанрий ва бадиий-услубий шаклига кўра яқин бўлган бошқа асар билан алмаштириш имконини беради. Унда таълим мезони, натижаларини белгилашга табақалаштирилган ёндашув назарда тутилади ва синфлар кесимида ўқувчиларда шакллантирилиши зарур таянч ва фанга оид компетенцияларга қўйиладиган талаблар ўз аксини топади.

Муайян синф дастуридаги ҳар бир бўлимни ўрганиш чоғида адабий асар хусусиятини англашга ёрдам берувчи маълум жиҳатларга урғу берилади. Масалан, дастлабки бўлимда ўқувчиларнинг тез айтиш, мақол, топишмоқ, масал, ривоят, эртак каби фольклор намуналари юзасидан билимларини умумлаштириш мақсади етакчилик қилса, кейинги бўлимдан халқ оғзаки ижоди намуналарига таяниб яратилган бадиий асарлар ўрин олиши мумкин. Масалан, мазкур рўйхатга халқ орасида кенг тарқалган афсоналар ёки тарихий фактлар, жумладан, юнон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” ёхуд Полиэннинг “Ҳарбий ҳийлалар” китобидаги воқеалар асос қилиб олинган М.Осимнинг “Тўмарис”, “Широқ” дostonлари; Насриддин Афанди латифалари сюжети асосига қурилган З.Аъламнинг “Афандининг қирқ бир пашшаси” каби қиссаларни киритиш мумкин.

Фольклор ва ёзма адабиёт намуналарининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёслаш орқали ўқувчиларнинг адабий билимлари орттирилади ҳамда ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари бойитилади. XX аср ўзбек ва жаҳон адабиёти бўлимида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, тарихий,

маърифий-биографик ва детектив мавзудаги асарлар билан чуқурроқ таништириш кўзда тутилган бўлиб, адабий материаллар мазмуни аста-секин мураккаблаша боради: эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги зиддиятли тўқнашувлар етакчи ғояга айланади.

Бадиий асарларни халқ ўтмиши, шахс тафаккури ва руҳиятидаги эврилишлар, маънавий ёки экологик муаммолар мисолида гуруҳлаштириб ўрганишга ҳам эътибор қаратилади. Масалан, А.Авлоний ва И.А.Криловнинг инсонийлик ва эзгуликка зид хусусиятлар қораланган масаллари; Ойбек, Ҳ.Олимжон, Миртемир, Шукрулло, Қ.Ҳикмат, У.Азим, Ш.Раҳмон каби шоирларнинг юрт манзаралари, мавсумий ўзгаришлар, табиат ходисалари ҳақидаги шеърлари, хитойлик Чжан Кэ Цзю (1275–1345)нинг “Куз хаёллари”, “Кўлда”, “Ойдин оқшом манзараси”, англиялик Альфред Теннисон (1809–1892)нинг “Парчалан, о денгиз, парчалан...”, “Ёз оқшоми”, нидерландиялик Герман Гортер (1864–1927)нинг “Баҳор келаётир”, италиялик Жосуэ Кардуччи (1835–1907)нинг “Бўронда” каби шеърлари узвийликда ўрганилиши айрим халқ ва турли давр адиблари ижодидаги ҳамоҳангликни кузатиш ва баҳолаш имконини беради.

Тавсия этилаётган асарларнинг жанрий хилма-хиллиги ўқувчиларнинг дастлабки босқичдаги китобхонлик тажрибасини орттиради, дунёқарашини кенгайтиради, ижодий фаоллигини ривожлантиради. Навбатдаги босқичда жиддий ахлоқий муаммолар акс эттирилган асарлар экспозиция, эпизод, сюжет, композиция, конфликт, портрет, манзара, троплар мисолида назарий жиҳатдан ўрганилади. Натижада адабий материални мустақил ўрганишга табақалашган ёндашув (ўқиш ва ўрганиш, асар бўйича суҳбат) бадиий асарни идрок этишнинг турли йўлларида самарали фойдаланиш имконини беради.

Мутолаа дақиқалари ўқувчиларни замонавийликдан узоқ ўтмишга қайтиради, воқеликлар ва қаҳрамонларни ўз нуқтаи назаридан баҳолаш ва адабиётни тарихий-адабий аспектда ўрганишга шароит яратади. Бу эса образ, ходиса ва жараёнларнинг тарихий асосланганлиги ҳақида умумий тасаввур уйғотади. Масалан, О.Ёкубовнинг “Кўҳна дунё”, С.Сиёевнинг “Яссавийнинг

сўнги сафари”, “Она юрт шамоллари”, Н.Қобулнинг “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич”, “Тахт тагидаги зиндон” каби асарларида Беруний, ибн Сино, Аҳмад Яссавий ва Амир Темур каби буюк аждодларнинг ғоят қалтис вазиятлардаги ҳаёт ва кураш йўли мисолида ижтимоий тараққиёт туфайли даврлар алмашиниши тасвири адабиётнинг ўзига хос хусусияти, мазмун ва шакл мутаносиблиги, ижтимоий аҳамияти, ижодкор маҳорати юзасидан ўқувчи билимларини бойитишга хизмат қилади.

Аёнки, жамиятнинг тарихий тараққиёти билан боғлиқ ижтимоий идеалларнинг ўзгариши бадиий адабиётда тасвир марказига қўйиладиган муаммоларнинг тарихий илдизлари ҳақида муайян тасаввур уйғотади. Кейинги босқичда ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини шакллантириш яқунланади. Материал танлаш ва жойлаштириш аввалги босқичлардагидек, аммо мазмунан маълум мавзуни монографик тарзда ўрганишга мос келади. У ўз ичига ижодкор таржимаи ҳоли билан атрофлича танишиш; ёзувчи ва шоирлар ижоди ҳақида ўрганилган маълумотларни умумлаштириш; бадиий асарларни муҳокама қилинаётган ахлоқий муаммолар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш; ўрганилаётган асарларнинг ижтимоий аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини белгилаш (адабий танқидчилар, замондошлар, авлодлар баҳоси); бадиий адабиётнинг образлилиги билан боғлиқ ижодий хусусиятига эътибор қаратиш каби масалаларни қамраб олади.

Сўнги босқичда адабиётни ўрганишнинг тарихий-хронологик тамойили етакчи бўлиб қолади. Машғулотларда адабиётнинг қадимий қатламларига мурожаат қилиш адабий материалларни ахлоқий, мафкуравий ва эстетик муаммолар билан боғлаб талқин қилиш, мумтоз анъаналарнинг замонавий намуналарда акс этганлигини кузатишга эришиш мумкин. Шу жараёнда сарҳисоб мавзуларни умумий тарзда, монографик мавзуларни эса кенг қамровли режа асосида ўрганишда намоён бўладиган адабиёт ривожининг алмашинуви ҳисобга олинади.

Жаҳон адабиёти намуналари мисолида ижтимоий тузумга боғлиқ тараққиёт босқичларига доир билимларни ўзлаштириш адабий таълим

олдидаги галдаги муҳим вазифалардандир. Эътибор берилса, умуминсоний кадриятлар, маданиятларнинг муштарақлиги ғояси турли мамлакатлар ва турли давр ёзувчиларининг асарларида чуқур акс этганини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам турли йиллар, жумладан, 2010 йилда қабул қилинган Давлат таълим стандартида ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини ўзаро узвийликда ўрганиш орқали “... олам ва одамларнинг ранг-баранглиги, уларнинг такрорланмаслиги, айти пайтда, оламнинг, бутун башариятнинг бир бутунлиги ҳақидаги тасаввур ва қарашлар” [11; 42-б.]ни шакллантириш мақсади ўзгармаслигини таъкидлаш мумкин.

Романтизм, реализм, классицизм, сентиментализм, модернизм каби йўналишлар ўқувчилар кўз олдида жамиятлар ва авлодлар алмашинуви сифатида намоён бўлади. Шу ўринда ёзувчи индивидуал ижоди туфайли ҳар бир йўналишнинг “қоидалар” тизими алмашилиши мумкинлигини кўрсатиш ўқувчилар мутолаа маданияти ривожига алоҳида ўрин тутди.

Маълумки, дастур бўйича ўқиб-ўрганилиши кўзда тутилган китоблар тарғиботи ижодкор ҳақида қисқа маълумот бериш, асардан парчалар ўқиш, қаҳрамонлар тақдири билан таништириш, экранлаштирилган асарларни томоша қилиш орқали амалга оширилади. Адабиётлар рўйхатини бир йиллик, ярим йиллик, чораклик, бир ойлик қилиб тузиш ҳам мумкин. Ўқувчилар ўқиган китобларни ҳисобга олиш ва уларнинг асарни идрок этиш даражасини аниқлаш мустақил ўқишга раҳбарлик қилишда аҳамият касб этади.

Китоб ўқишга эҳтиёж уйғотиш, китобхон қизиқишлари йўналишини белгилаш, ахборотлар олишни ташкил этиш, ўқувчиларнинг муайян тоифадаги гуруҳига маълум бир жанрдаги асарларни мақсадли етказиш мутолаага раҳбарликнинг кўринишлари сифатида қаралади. Мустақил мутолаани ҳисобга олиш Д.Ғаниеванинг тадқиқот ишида таъкидланганидек, кўргазма–савол, кўргазма–эртас, кўргазма–хобби, кўргазма–излаш, кўргазма–вернисаж, премьерас ва бенефислар [142; 95-б.], муаммоли маъруза, семинар-брифинглар ташкил этиш, афишалар жорий қилиш, кутубхона ёки

синфхоналардаги махсус “Китоб бурчаклари”да “Янги китоблар”, “Китоб қандай танланади?” рукнида энг сўнгги маълумотлар билан мунтазам таништириб бориш билан уйғунликда амалга оширилади.

**“Кўргазма–эртак”** – бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларни мутолаага йўналтириш, ижодкорликка руҳлантиришнинг таъсирчан ва қулай шакли. Бунда сюжет асосида иллюстрациялар, декорациялар ишлаш, анимациялар тайёрлаш ёки мато, лой, пластилин каби ашёлардан қаҳрамонлар қиёфасини яратиш ишлари олиб борилиб, “Эртаклар шаҳарчаси” бунёд этилади. Асар матнига таянилган ҳолда фаолият кўрсатиш кўргазманинг умумий композициясини ташкил қилади.

Мустақил ўқиш учун 3-синф ўқувчиларига тавсия этилган “Қизил шапкача” [127; 10-б.] эртаги мутолаасига қизиқиш уйғотувчи кўргазмада воқеалар рўй берган макон йўналишларининг махсус хариталар кўринишида тасвирланиши; персонажлар нутқининг оғзаки ҳикояланиши, зарур ўринларда сахналаштирилиши; матн мазмуни баёнини техник жиҳозлар имкониятларида етказиб бериш каби қўшимча ресурслар эртакнамо муҳитни вужудга келтириши баробарида китобхонликни шакллантиришнинг асосий воситаларидан бўлиб хизмат қилади.

**“Кўргазма–хобби”** – кучли истак ва китоб мазмунига ижодий ёндашишни талаб этадиган ноанъанавий тарғиботнинг бир тури. Мазкур турдаги кўргазмани намойиш этилаётган китоблар билан ёнма-ён айнан шу манбада келтирилган чизмалар, маслаҳат ва тавсиялар асосида тайёрланиб, ишлаб чиқаришда эътироф этилган ёки амалда қайсидир ўқувчи томонидан тайёрланган нарса-буюмлардан намуналар келтириш ва шу асосда мутолаага мойилликни янада орттириш усули дейиш ҳам мумкин. Хусусан, маълум рецептлар асосида ширинликлар пишириш, андазалардан фойдаланиб кийимлар тикиш ёки ўқув қуролларини сақлашда асқотадиган сумкалар, пеналлар, китоб жилдлари яшаш шулар жумласидандир.

Адабий таълим мазмунини бойитишга оид **“Кўргазма–китобхон бенефиси”** мавсум ёки йилнинг энг фаол китобхони фаолиятини тарғиб

қилишнинг сермахсул шакли саналиб, қатор афзалликлари билан мутолаага рағбат уйғотади. Французча “бенефис” сўзининг фойда, имтиёз, афзаллик [136; 99-б.] маъноларини англатиши уни турли соҳада муайян мақсад билан қўлланишига имкон беради. Бу хилдаги кўргазмаларда ўқувчининг кутубхонага аъзолик хужжатлари (формуляр, фотосурат, портфолио каби мажбурий унсурлар)дан тортиб, севимли ижодкорлари, ёқтирган асарлари, ўқиган китоблари сони, хоббилари ҳақидаги маълумотлар илова қилинади.

Ноанъанавий бенефислар ҳам рекламаларга оид хусусиятлардан таркиб топиб, ўқувчи китобхонлигига оид барча изланишлар кўргазмалар, мурожаатлар, таклифлар ёки мультимедия воситасида умумлаштирилиши билан фарқланади. Кўргазмалар моҳиятан интерфаол характерда бўлиб, ўқитувчи, ўқувчи ва кутубхоначи фаолияти асосига қурилади. Бунда, албатта, мактаб кутубхоначисининг ёрдами, тажриба ва маҳоратига таянилади. Бинобарин, томонлар ўртасидаги ҳамкорлик зарур адабиётларга эҳтиёж талабини қондириш, қизиқишлардан келиб чиқиб, бу борада муҳим чоратadbирларни белгилаш ва амалга оширишга замин яратади. Демак, мутолаа маданиятини шакллантириш ишлари бевосита кутубхоначилик хизматини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш билан боғлиқ узлуксиз фаолиятдир.

Ўқувчиларнинг мустақил мутолаасига раҳбарлик қилишда ўқитувчининг “Мен севган китоб”, “Мунозарага чорловчи асарлар” мавзуларида эсселар ёздириш ёки махсус сўровномалар ўтказиш орқали ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаши муҳим ўрин тутади. Сўровнома ўтказишда тегишли мақсад ва вазифаларни режалаштириш, саволларнинг тўғри ва аниқ қўйилишига доир педагогик-психологик талаблар назарда тутилади.

Ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини тизимли шакллантириш юзасидан ўтказиладиган “Ўз-ўзингни баҳола” сўровномаси ДТС талаблари ва ўқув дастури мазмунига изчилликда, синфлар кесимида ўзбек адабиёти билан бирга, жаҳон ва қардош халқлар адабиёти намуналарини мустақил ўқиб-ўрганиш масалаларини қамраб олади. Мазкур сўровнома орқали

ўқувчининг қизиқишлари, ўқиган китоблари мазмунини ўзлаштириш даражаси, вазифага муносабатини аниқлаш мумкин бўлади. Шу боис, сўровномани тузишда белгиланган мавзуга алоқадор саволлар банкни шакллантириш ва муҳимларини танлай билиш асосий вазифа саналади.

“Ўз-ўзингни баҳола” сўровномаси мантиқан фикрлаб, тезкорликда мақбул жавобларни танлаш ва билимларни синаш имконини беради. Мазмунан бир-бирини такрорламаслик шарти асосига қуриладиган сўровнома мутолаадаги бўшлиқларни аниқлаш, уларни бартараф этишга замин ҳозирлаши баробарида ўқувчилар орасида кўп учрайдиган кўчирмакашлик ҳолатларининг олдини олиш ва ўқувчини ўз устида мунтазам ишлашга одатлантириши билан аҳамиятлидир. Сўровномани ўтказишда бутун синфга муайян вақт оралиғида турли асарлар мутолаасига оид бир неча хил вариантдаги варақалар тарқатиш; ҳар бир ўқувчи индивидуал тарзда жавобларни белгилаши; ўқитувчидан навбати билан сўровномаларни алмаштириб туриш; иш якунида натижаларни тўғри жавоблар билан солиштириш, хатолар устида ишлаш ва муайян хулосаларга келиш каби иш тартиби тақозо қилинади. Мутолаа сабоқлари учун 3-иловада кўрсатилгандек сўровнома тузиш мақсадга мувофиқ (*3-иловага қаранг*).

**“Ассисмент” технологияси** (инглизча “assessment” – баҳолаш) бир қанча ёндашувлар асосида эгалланган билимлар миқдорини синаш, масаланинг моҳиятини чуқурроқ таҳлил қилиш ва шахснинг ўзини ўзи баҳолашига асос бўлиши назарда тутилса, муайян асарлар мутолааси доирасида топшириқлар берилиши билан ўқувчиларнинг китобхонлик даражасини таҳлил қилишга эришиш мумкин.

Тавсия қилинган китобларнинг ўрганилганлик ҳолати ва бадий асарнинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашда **“Какография”** усулидан фойдаланиш. Лотинча “kakos” – ёмон, хунук, ёқимсиз ва “graphos” – ёзмоқ сўзларидан олинган “Какография” сўзи муайян мақсадни кўзлаб хатоликларга йўл қўйилган матнни тузаттириш орқали ўқувчиларга имлони ўргатиш усулидир [99; 13-б.]. Она тили дарсларида “Какография” усулидан

фойдаланиш борасидаги қарашларида тилшунос олим А.Собиров “ёзув билан боғлиқ ғализлик, ёқимсизлик яшириниб ётганга ўхшайди, аммо орфографик нуқтаи назардан қаралганда у билан боғлиқ дидактик ва педагогик жиҳатларни очиб бериш масалага ойдинлик киритиши мумкин” [43; 37-б.]лигини қайд этади. Шундай экан, бадиий асар устида ишлаш жараёнининг мазкур усул орқали ташкил қилиниши муайян мавзулар доирасидаги билимларни қиёсий таҳлил қилиш, синф жамоасининг фаоллигини ошириш, мантикий фикрлаш, вазифага синчковлик билан ёндашиш, персонажлар нутқи, матндаги ҳар бир деталларни эслаб қолишга тайёрлаши жиҳатидан ҳам самаралидир.

Бунда ўқувчиларнинг ўзгартириб берилган турли асарлар сюжети ёки композицияси қисмларини асл ҳолига келтириш, қаҳрамонлар ва уларнинг нутқини бир-биридан фарқлаш, мақсадли равишда тушириб қолдирилган жумла ва сўзларни эслаб қолиш, хато берилган матнни тузатиш кўникма-малакаларини ривожлантириш мақсади белгиланади. Мустақил мутолаа натижасида ўқувчилар қуйидаги билимларни ўзлаштириши ва амалда қўллаш кўникмасига эга бўлиши назарда тутилади:

– бадиий асар таркиби ва тили билан боғлиқ тушунчалар, шеърӣ, насрий ва драматик нутқ хусусиятлари юзасидан муайян тасаввурга эга бўлиш;

– бадиий асарнинг ғоявий-ахлоқий мазмунида қаҳрамонлар характери такомилини тушуниш; персонажларининг умумий ва хусусий жиҳатларини очиб бериш;

– воқеалар ўртасидаги сабаб-натижа боғланишларини тушунтириш, бир ёки бир неча асар қаҳрамонларини қиёсий тавсифлаш;

– ўзбек адабиётини қардош ва жаҳон адабиёти намуналари билан таққослаш;

– мавзу, ғоя, образлар, тасвирий воситалардаги ўхшаш ҳамда миллий ўзига хос хусусиятларни очиб бериш;

– китоблардан шарҳлар, кўчирмалар олиш, адабиётшунослик терминлари луғати ва энциклопедиялардан фойдаланиш;

– кичик ҳажмли асарлар ёки улардан олинган парчаларни ифодали ўқиш ва ёд олиш;

– эпик асарларни қисқартириб, шахсини ўзгартириб ва режа асосида қайта ҳикоялаш;

– адабий йўналишларни ажрата билиш;

– машҳур ёзувчи ва шоирлар фаолиятига оид асосий маълумотларни билиш, уларнинг ижодини маълум тарихий шароит билан боғлаш;

– асарларнинг танқидчилар ва замондошлар томонидан баҳоланиши ҳақида тасаввурга эга бўлиш, муаллиф нуқтаи назарига ўз муносабатини билдириш;

– бадиий асарлар юзасидан иншо ва тақриз ёзиш;

– мумтоз намуналарга луғатлардан фойдаланган ҳолда шарҳ ёзиш.

Юқоридаги каби жиҳатлар китоб мутолаасига қизиқиш уйғотиш, янги нашрлар билан мунтазам танишиб бориш, адабиётлар билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларни ўзлаштиришга рағбат уйғотиб, кутубхона ва ахборот манбаларидан фойдаланишга доир кўникма ва малакаларни эгаллашни талаб этади. Зеро, китоб танлаш, уни тушуниб онгли ўқиш, шахсий кутубхона ташкил этиш, бадиий асарларни бошқаларга ҳам тавсия қилиш кабилар мутолаа маданиятига хос бўлиб, ўқувчиларнинг ҳаётий ва бадиий ҳақиқатни теран идрок этиши ҳамда ахлоқий-эстетик камол топишига пойдевор вазифасини ўтайди.

Бугун умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ талай муаммолар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, ўқувчиларнинг кўп вақти глобал тармоқ имкониятларига банд бўлиб қолаётгани, кутубхоналарда зарур адабиётлар етишмаслиги, китоб тарғиботидаги билимсизликлар ўқувчиларни мутолаага қизиқтира олмасликка ва буларнинг барчаси ўқув-тарбия жараёнида илмий-методик жиҳатдан камчиликларга сабаб бўлмоқда.

## I боб бўйича хулосалар

Тадқиқотлар давомида ўқитувчилар, кутубхона ходимлари, ўқувчилар фаолияти орасидаги илмий-ижодий ҳамкорлик натижалари таҳлили асосида куйидагича хулосалар чиқарилди:

1. Ўқувчиларнинг асарни онгли ўрганиш ва ҳиссий идрок этиш малакаларини камол топтириш адабиёт ривожини ҳаёт билан чамбарчас боғлиқликда, борликни яхлит ва бадий шаклда англашларига эришишнинг муҳим шартидир.

2. Мустақил мутолаа учун танлаб олинган асарларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари долзарб ҳаётий муаммолар билан қиёсий ўрганилиши қаҳрамонлар ички руҳий дунёсига турли нуқтаи назардан ёндашиш, ўқувчиларнинг инжа туйғуларини кўркамлаштириш, ҳаётий тасаввурларини бойитишга ёрдам беради. Китобхонлик орқали ўқувчиларни адабиётга янада яқинлаштириш, бадий асар билан мулоқот қилиши учун зарур адабий билимларни ўзлаштириш, аниқ тарихий воқеаларни, ўтмиш ва давр учун характерли бўлган ахлоқий-эстетик масалаларни таҳлил қилишга ўргатади.

3. Мутолага оид махсус курслар ташкил этиш, интеграциялашган анъанавий ва замонавий китоб тарғиботларини йўлга қўйиш, интернетдан самарали фойдаланиш ўқувчиларда кичик-кичик илмий-ижодий тадқиқотлар олиб бориш, ўқиганларини тенгдошлари билан муҳокама қилиш каби шахс сифатида ўзини ўзи ривожлантириш, турли манбалар ва глобал тармоқдан зарур маълумотларни излаб топиш, саралаш орқали маълумотлар базасини яратиш каби ахборотлар билан ишлаш; санъат асарларини тушуниш, улардан таъсирланиш, жамиятдаги одоб-ахлоқ меъёрлари, миллий ва умуминсоний қадриятларга эътиқодли бўлиш каби умуммаданий компетенцияларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

4. Кутубхоналар фаолиятини виртуал тарзда йўлга қўйиш адабиётлар етишмовчилигининг олдини олади, манбаларни излашда вақтни тежайди, маълумотларга исталган вақтда мурожаат қилиш имконини беради; виртуал

кўрғазмалар мавзу юзасидан ахборот ва тасвирларни визуал етказиши жихатидан сезги аъзолари фаолиятига самарали таъсир кўрсатади. Асар таҳлиliga йўллаш ўқувчиларда муаллиф нуқтаи назари, ижодий йўналиши, асар руҳи ва мазмун-моҳияти ҳақида тасаввур уйғотади.

5. Интернет тармоғи имкониятларидан мақсадли фойдаланиш ўқувчиларнинг масофадан туриб ахборотлар олиш ва қабул қилиш маданиятини шакллантириш, янгиликлар сари интилиш, маънавий озуқа олишларида оммабоп усул бўлиб, замонавий китобхон қиёфасини яратишда муҳим воситадир.

6. Мустақил мутолаага оид сўровнома, метод ва усулларнинг жорий этилиши бутун синфнинг қизиқиш ва лаёқатлари қисқа муддат ичида аниқланишига; мавзу юзасидан ахборотлар мажмуини шакллантиришга; матндаги ҳар кичик бир деталь моҳиятини хотирада сақлаб қолиш ҳамда қисқа муддат ичида билим, кўникма ва малакалар ҳажмини оқилона баҳолашга шароит яратади.

## II БОБ. АДАБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

### 2.1-§. Ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга доир ўқув-тарбиявий ишлар жараёнини технологиялаштириш ва лойиҳалаштириш

Истиқлол йилларида таълим-тарбия сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган модернизация жараёнлари пухта билим бериш ва ўзлаштиришни кафолатловчи ёндашув сифатида баҳоланмоқда. Китобхонлик муаммоси долзарб ижтимоий-таълимий зарурият эканлиги кўзда тутилса, ўқув-тарбиявий ишлар жараёнини технологиялаштириш ва лойиҳалаштириш масаласи “ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш; халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш” [5; 1-б.] вазифалари ижросига доир самарали усулларни қўллашни тақозо этади.

Узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг асосий йўналиши бўлган ўқув ва синфдан ташқари ишлар мазмунини технологиялаштиришда, албатта, ижтимоий ғояга асосланган стратегик мақсадларни амалга ошириш, ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини ривожлантиришга доир педагогик фаолиятни илғор тажрибаларга таянган ҳолда ташкилий-техник жиҳатдан йўлга қўйиш кўзда тутилади.

Мустақил мутолаа мазмунини белгилаш ўқув-тарбиявий ишларга технологик ёндашув (*2.1-расмга қаранг*) ва лойиҳалаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Лойиҳалаштириш жараёни мавзуга оид маълумотлар, мақсад ва вазифалар, таълим шакллари, метод ва ресурслар, ижро муддати ва давомийлиги, кузатиш ва баҳолаш, томонлар ўртасидаги ҳамкорлик, муҳокама, яқун ва хулосалар каби таркибий қисмларга асосланади. Китобхонлик маданиятини шакллантиришга доир технологик ёндашув

бевосита таълим-тарбия моделининг мақсад ва вазифаларига асосланади, ўқувчиларнинг талаб ва мойилликлари, мустақил фаолияти давомида орттирган тажрибалари, ғоя ва эҳтиёжлар уйғунлиги каби омилларнинг эътиборга олинishi билан белгиланади.



**2.1-расм. Мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга технологик ёндашув**

Ў.Толиповнинг фикрича, тарбияга технологик ёндашув ўқувчиларни тадбирлар ташкил этишга жалб этиш, бу борада уларнинг ижодкорлигига таяниш, қизиқиш ва қобилиятлари даражасида вазифалар тақсимлаш, зарур кўрсатмалар бериш, хато ва камчиликларини мустақил англаш имкониятини яратиш, шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этишга доир чоралар кўриш йўллари билан тавсифланади [45; 39-б.].

Ўқитувчининг тарбия технологиялари асосида фаолият юритишини А.Холиқов тарбия жараёнининг яхлитлиги, тизимлилиги, даврийлиги ва

технологиявийлиги каби хусусиятларга алоқадорлигини қайд этади [51; 15–19-б.].

Бу каби фаолият турларини амалга ошириш нафақат маънавий-маърифий тадбирлар, балки таълим жараёнининг муваффақиятини таъминлаши баробарида китобхонликка асосланадиган мустақил таълим ва синфдан ташқари ишлар мазмунини янада такомиллаштиришга замин яратади.

Таълим-тарбияга технологик ёндашув баркамол китобхонни мукаммал даражада шакллантиради, дегани эмас, албатта. Маънан етук китобхонни тарбиялаш асосий мақсад саналар экан, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўқув режа, ДТС, дастур талабларига мувофиқ тизимли йўлга қўйиш, бу борада таълим-тарбия жараёнини муайян босқичларга ажратиб олиш, ташкил этишнинг асосий шаклларини белгилаш ва ёрдамчи воситаларни танлаш орқали ўзаро уйғунлик ҳосил қилинади.

Айтиш жоизки, давлатнинг буюртмачи сифатидаги стратегик вазифаларининг тадрижий ва сифатли амалга ошуви таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш ва лойиҳалаштиришга чамбарчас боғлиқ. Кундалик турмушга ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатлар билан кириб келиши барча соҳалардаги туб ислоҳотларга сабаб бўлди. Табиийки, жамият ривожини таълим тизими тузилиши, мазмунининг шаклланиши, инновацион ёндашувлар интеграцияси, шунингдек, янги ахборот-таълим муҳитининг ташкил этилишида ҳам намоён бўлади.

АКТнинг ўқув жараёнига уйғунлашуви янги имкониятларни юзага келтириши баробарида педагог ходимлар зиммасига улкан масъулият юклаши табиийдир. Турли фанлар йўналишида мультимедия воситалари, компьютернинг ускунавий ва дастурий таъминотидан фойдаланишга доир методик кўрсатмаларнинг талаб даражасида яратилмаганлиги, педагоглар тайёргарлик даражасининг пастлиги таълим тизимида АКТни қўллаш мазмунини такомиллаштиришни ҳамда масалани замонавий ёндашувлар асосида ислоҳ қилишни тақозо этади.

Глобаллашув давридаги янгиланишлар турдош соҳалар қатори адабий таълим мазмунини модернизациялаш, адабиёт ўқитишда виртуал шарт-шароитни вужудга келтириш, ахборот технологияларини қўллаш стратегиялари ва структурасини белгилаш, дастурий таъминотини танлаш ва ривожлантириш, электрон мажмуалар яратишнинг ягона стандарт ва дастурларини ишлаб чиқиш каби қатор долзарб вазифалар ижросини назарда тутди.

Инсон маданий ҳаётининг барча жабҳаларига сингиб улгурган виртуал борлиқ, виртуал саёҳат, виртуал кўргазма, виртуал драма каби тушунчалар ҳаёлийликдан реал ҳаётга ўтишни таъминлаётгани бугун барчага яхши аён.

“Виртуал (лотинча *virtualis* – мумкин бўлган, яъни муайян бир шароитларда содир бўладиган ёки рўй бериши мумкин бўлган) тушунчаси нарса ва ҳодисаларнинг вақт ва маконда мавжуд бўлмаган, лекин объектив ва субъектив образларнинг амалга ошиши эҳтимоли мавжуд жараёни англатади” [124; 44-б.]. “Виртуал лаборатория – ўрганилаётган ҳақиқий объектларда бўлаётган жараёнларни компьютер имитацияси орқали тақдим этиш ва масофавий кириш имкониятига эга бўлган дастурий мажмуа” [124; 143-б.]. Виртуал лабораториянинг афзаллиги ҳисобга олинган мавжуд шарт-шароитлар ва ахборот технологиялари воситасида энг самарали тажрибаларни ўтказишга қулайлик яратилишида бўлиб, креатив ва когнитив хусусиятларни янада ривожлантиришни назарда тутди.

Виртуал лабораториялар ташкил этиш муаммоси хорижий давлатларда Ф.Амари [15; 77–88-б.], С.Вонг [18; 193–204-б.], С.Деметриадис, [20; 19–37-б.], С.Сесилия [41; 27–32-б.], А.Козленко [92] каби олимлар томонидан махсус ўрганилган бўлиб, уларда виртуал таълим технологияси, мультимедия ва иловалари, мультимедия билан ишловчи дастурлар, ўқув жараёнида симулятордан фойдаланиш, панорамик тасвирлар билан ишлаш, виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар хизматидан фойдаланишга доир масалалар ёритилади.

Ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти ва плюралистик қарашларини ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда мультимедия дастурий воситаларидан фойдаланиш, онлайн муҳитда виртуал лабораториялар ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётган бўлиб, бу борада М.Лутфиллаев [97], М.Файзиев [125], Р.Джураев [19; 76–82-б.], А.Ибраймов [23; 48–54-б.], М.Файзиева [124], Ш.Эргашев [56; 84–92-б.], У.Насритдинова [33; 74–80-б.], З.Шердонов [54; 5–9-б.], К.Турсунметов [47; 73–76-б.], С.Муҳамедова [32; 113–116-б.], З.Сангирова [39; 14–16-б.], Б.Зоҳидова [22; 42–44-б.], Н.Камолова [25; 25–28-б.] каби кўплаб олим ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари кузатилмоқда.

Кўрилаётган масалага оид тадқиқот ишларида таъкидланишича, виртуал лабораториялар тирик организмларда кечадиган биологик, физиологик, психологик жараёнларни мультимедиянинг техник-дастурий воситалари доирасида тасвирлаш ва намойиш этиш билан биргаликда қайтар алоқани таъминлаш имконини беради. “Мультимедия (кўп муҳитлилик) – бу компьютер технологиясининг турли хил физик кўринишига эга бўлган (матн, графика, расм, товуш, анимацияни, видео ва ҳоказо) ва турли хил ташувчиларда мавжуд бўлган (магнит ва оптик дисклар, аудио ва видео ленталар ва ҳоказо) ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ соҳасидир” [124; 27-б.]. Таъкидлаш жоизки, лабораторияларда виртуал тажрибаларни амалга оширишда вақтдан, тегишли ресурслардан унумли фойдаланиш, натижаларни кафолатлаш, объект билан ишлашда камчиликларни тўғрилашга муваффақ бўлинади.

Турли фанлар кесимидаги виртуал лабораторияларда, хусусан, биологиядан тирик организмларнинг ички ва ташқи тузилиши, уларда содир бўладиган ҳаётий жараёнлар, кимёда реакциялар, физикада жисмларнинг ҳажми ёки зичлигини маълум шароитда таҳлил қилиш имкони мавжуд. Бу турдаги тажрибаларни ўтказишда ўқитувчига АКТга оид тушунчаларни мукамал ўзлаштириш, ўқувчига ҳам мавзу бўйича назарий билимларни пухта эгаллаш талаби қўйилади. Виртуал лабораториялар кундалик

турмушни, одамларни чуқур ўрганишни, борлиқни, унда содир бўлаётган турли мавсумий ўзгаришларни кузатиш ва шунга боғлиқ ҳолда материалга муносабат билдиришни тақозо этади. Бундай тажрибалар реал билимларни тўплаш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Бугунги кунда адабиёт ўқитиш методикаси соҳасида долзарб ва реал муаммо таълим олувчиларнинг сўз санъати қудратини онгли тарзда тушуниши, бадиий сўзнинг таъсир кучини теран ҳис қилиши, асар мазмун-моҳиятини англаши, қаҳрамон муаммолари мисолида ҳаётий масалаларга жавоб топишга ҳаракат қилиши, ёзувчи ифодаламақчи бўлган ғоя ва рамзий даражаларни тушунишини осонлаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотларда компьютер графикаси ва дизайн имкониятлари таҳлил қилинганда яратилаётган дастур ва роликлар асосан шоу-бизнеслар, киносаноати, реклама ва веб-сайтлар учун мўлжаллангани, мамлакат таълим соҳасида муайян фанларга мавзулаштирилган мультимедияли дарсликларнинг етарли эмаслиги равшанлашади. Бу эса истиқболда турли ўқув предметлари, хусусан, адабиёт ўқитишни мультимедия электрон мажмуаларининг замонавий авлодлари билан уйғунлаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Адабий таълимнинг турли босқичларида ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб мавзуга оид график тасвирлар намойиш этилиши, воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар портретига хос хусусиятлар, назарий тушунчаларни виртуал шаклда узатиш асар мазмунини, ғоявий-бадиий мақсадини англаш, эгалланган билимларни амалга татбиқ этишга ёрдам беради. Бундай жараёнга хос тажрибаларни моделлаштириш ўқувчиларга реал мактаб шароитида олиб бориш қийинчилик туғдирадиган мураккаб тажрибаларни бошқариш ва ўтказишда қулайлик туғдиради.

Адабиётнинг инсон ҳиссиётлари, туйғуларига таъсир кўрсатиши назарда тутилса, ўқувчи асарни ўқиш жараёнида ҳаётий ва бадиий ҳақиқатни теран англаши, ўзлаштирганларини бошқалар билан муҳокама қила олиши, матн билан ишлаш чоғида адабий-назарий тушунчаларни қўллай олиш каби

хусусий компетенцияларни шакллантириш мақсади амалга оширилади. Бинобарин, ўқувчи учун билимлар ва адабий таълим мазмунининг юқоридаги даражалари мутаносиб бўлиши мураккаб жараён ҳисобланади.

Компьютер анимацияси ва моделлаштириш назарий тушунчалар, асардаги муайян объект тасвири, сюжет элементлари, портрет, пейзаж, деталь каби композицион қурилишни идрок қилиш учун универсал воситадир. Анимацияларда муайян кетма-кетликда асар мавзуси ва ғоясига оид турли диаграммалар, рамзий тасвирлар, структуралар ҳамда қаҳрамонлар орасида кечадиган диалоглар, коллизиялар, мулоқотлар жараёни намойиш этилиши эътиборга олинади.

Виртуал тажрибалар учун дастурий таъминотга ўқитувчи образли тафаккур ва бадиий тўқимани очиб беришга қаратилган ғояларини тақдим этиши мумкин бўлади. Шу йўл билан ўқувчиларнинг бадиийлик, образлилик ва образни тушуниш каби фанга оид компетенцияларни ривожлантириш вазифалари ҳал қилиниши кўзда тутилади. Дастур анимация шаклидаги воқеа-сюжет, характерни очиб берувчи восита, конфликт, сюжет элементлари, деталь ҳамда бадиий маҳорат кабиларни ифодалаш хусусиятига эга. Анимацияларни адабий жараёнга татбиқ этиш эса идрок, англаш ва билиш жараёнларини енгиллаштиради, воқелик ва ҳодисаларни аниқ, кўргазмали тарзда жонлантиради.

Тадқиқотчи А.Ибраймовнинг таъкидлашича, виртуал лаборатория ускуналарининг функционаллиги, универсаллиги, фойдаланувчи интерфейсининг кўргазмалилиги ва қулайлиги, дастурий таъминотнинг мослашувчанлиги, энг муҳими, машғулотларни масофадан туриб олиб бориш, узоқда жойлашган таълим муассасаларидан туриб бевосита лаборатория асбоб-ускуналарини ҳаракатга келтириш, натижаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятлари мавжудлиги билан анъанавий машғулотлардан фарқ қилади [23; 48–54-б.].

Адабий таълимда назарий тушунчалар, қаҳрамонлар ташқи портрети, атроф-муҳит, табиат билан боғлиқ мавсумий ўзгаришларни виртуал тарзда

бериш имкони мавжуд бўлса ҳам, инсонларга хос ички кечинмалар, ўй-хаёллар, ҳис-туйғуларни виртуал тарзда етказиш қийин жараён ҳисобланади. Образларнинг характер хусусиятлари ёки руҳият манзараларини ўлчаш имкони мавжуд эмаслиги назарда тутилса, бу турдаги машғулотларни ташкил этишда аҳамият қаратиладиган асосий хусусиятлар нимада, уларга оид дастурлар қандай тузилади, жараён қандай режалаштирилади ва амалга оширилади, нималардан қай тартибда фойдаланилади, деган қатор саволлар туғилади.

Бунинг учун, аввало, виртуал лабораториялар мазмуни ўрганилаётган фан самарадорлигини оширишга таъсири, ўқитиш жараёни талабларига жавоб бериши нуқтаи назаридан белгиланиши зарур. Бунда топшириқлар структураси, ўқув материалларини етказиш шакли, керакли ахборотларни излаш ва назорат усуллари мавжудлиги, умуман, ўқитиш жараёнининг ташкилий хусусиятлари эътиборга олинади. Маълумки, мультимедияли электрон-педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш орқали автоматлаштирилган график ва мураккаб лойиҳалаш ишлари олиб борилади. Педагогик дастурий воситалар ўқитувчиларнинг ўқитиш ғояларини дастурда шакллантириш, уни таҳлил қилиш, қўллаш ва баҳолаш орқали такомиллаштиришга хизмат қилади.

К.Турсунметовнинг фикрича, педагогик дастурий воситалар компьютер технологиялари ёрдамида ўқув жараёнини қисман ёки тўлиқ автоматлаштириш учун мўлжалланган дидактик восита бўлиб, уларни яратишда анъанавий воситалардан фарқловчи дидактик, психологик ва эргономик (қулай (комфрот) визуал ва аудио муҳит, ранглар характеристикаси, ахборотнинг фазовий жойлашуви, диққат даражасини ошириш, тушунишни ташкиллаштириш) каби омиллар мавжуд [47; 73-б.].

Р.Джураев дастурий педагогик воситалар таркибан ўқитишнинг компьютер дастурлари, автоматлаштирилган таълим тизимлари, электрон дарсликлар, технологик жиҳозларнинг компьютер имитаторлари, демонстрацион ва моделлаштирувчи дастурлар, компьютер ўқув муҳитлари,

касбий-дастурий воситалар пакетларининг маълумот бўлимлари, инструментал дастурий воситалар, дастурлаштириш тиллари, маълумот ва билимлар базаси, масофавий таълимдаги компьютер ва телекоммуникацион воситалардан иборат бўлишига алоҳида урғу беради [19; 77-б.].

М.Файзиевнинг таъкидлашича, “Компьютердаги лаборатория машғулоти, амалиёт дарслари, анимацияли имитацион моделлар ўқув материалларининг мазмун моҳиятини тушунтириб бериш учун яратилган педагогик дастурий воситалардир” [125; 40-б.].

Педагогик дастурий воситалар компьютернинг мультимедия имкониятларидан унумли фойдаланилган ҳолда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, илмий-методик талаблар ҳамда замонавий таълим жараёни моҳиятини ўзида комплекс мужассам этадиган дастурий восита бўлиши зарур.

Мультимедия тизимларини яратишда компьютерлар, аудио-видео ахборотларни узатиш воситалари имкониятлари уйғунлигига эришиш муҳим ҳисобланади. Бундай тизим дастурий воситалар ва асбоблар мажмуасини шакллантириб, ахборотнинг матн, графика, овоз, тасвир каби турли галереяларини ўзида мужассам этади. Натижада фойдаланувчи билан интерактив мулоқот вужудга келади. Виртуал реалликни ҳосил қилишда компьютер графикасининг Open CL, Direct 3 D, Java 3 D, VRML кутубхоналаридан, дастурлашда Perl, Python, Java, C++ тилларидан фойдаланиш мумкин.

Виртуал лаборатория тажрибаларини ўтказишда асосий график дастурнинг буйруқларидан фойдаланишни ўрганиш ҳамда мавзуга доир топшириқларнинг бажарилиш кетма-кетлигини ифодаловчи ҳаракатли тасвирлар ҳамда махсус сценарийлар тузилиши зарур бўлади.

3.Сангированинг виртуал лабораториялар ташкил этишга доир изланишларида мавзуга оид асосий манбалар, видеоматериаллар, анимация орқали бажариладиган интерфаол тажрибалар, мавзуга тегишли муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимлари, соҳага оид атамаларнинг изоҳли луғатлари

хамда ёрдамчи материаллардан фойдаланиш йўриқномаларини талаб этилиши кўрсатилади [39; 14–16-б.].

Мазкур тадқиқот ишида адабий виртуал лабораториялар мазмуни куйидаги мезонларга таяниб таркиблантирилиши кўзда тутилади:

1. Ўқувчиларнинг ёш ва физиологик хусусиятларига кўра топшириқларнинг илмий ва креатив характерда бўлиши.

2. Мавзулар ва фанлараро интеграция таъминланиши.

3. Материаллар ҳажми ва вақтнинг меъёридан ошиб кетмаслиги.

4. Назария ва амалиёт уйғунлигига эришилиши.

5. Топшириқ мазмунининг аниқлиги таъминланиши, бунда ўқувчи қизиқиши ва эҳтиёжининг назарда тутилиши.

6. Топшириққа оид билимларнинг манба билан узвийлиги ҳисобга олинishi.

7. Ўқув дастури материаллари асосида изчилликнинг сақланиши.

8. Мавзунинг паст, ўрта ва юқори савиядаги ўқувчилар имкониятларига мувофиқ келиши ва ҳоказо.

Виртуал лабораторияларни ташкил этишда таълим олувчиларнинг мустақил фаолият юритиш кўникма, малакаларини ўстириш, ўзлаштирилган билимлардан кундалик турмуш жараёнида фойдалана олиш каби вазифалар ҳал қилиниши кутилади.

Мавзулар: конкрет, ишончли ва илмий асосланган бўлиши; топшириқлар ўқувчилар билими ва ҳаётий кузатишларига мос келиши; тажрибалар воқелик ва ҳодисалар эволюциясининг ички ва ташқи мантиқийлигини акс эттириши; жамият ва табиат ҳақидаги тушунчаларни бойитиши; овозли дастурлар, расмли ишланмалар, ҳаракатли ёзувлар, мультипликация кўринишидаги фильмлар ҳамда анимацияларнинг ўқувчи сезги аъзоларига таъсирини кўзлаб лойиҳалаштирилиши виртуал лаборатория машғулотлари мазмунига хос талабларни шакллантиради. Шунга кўра, белгиланган мезон ва талабларга мувофиқ виртуал лабораторияларни куйидагича модуллаштириш мақсадга мувофиқдир:

**1. Адабий таълимга оид виртуал лаборатория ташкил этишининг комплекс лойиҳасини ишлаб чиқиш.** Лойиҳада лабораториянинг куйидагича механизмлари белгиланади:

- педагог ходимларнинг виртуал лаборатория муаллифлик курсларини ташкил этиш;
- танлов асосида виртуал адабиёт таълими мазмунини лойиҳалаш, концепция, дастур ва ижро механизмини яратиш;
- масалага оид ғоялар ва маълумотлар базасини шакллантириш;
- АКТ саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ўрганиш орқали интернет хизматларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;
- виртуал таълим муҳити ва тизимида ишлашга доир махсус кейслар асосида муаммо, ечим ва натижаларни тавсия этиш;
- масофадан туриб тажрибалар ўтказиш ва уларни оммалаштириш.
- виртуал лабораториялар ташкил этишга доир хориж тажрибаларини ўрганиш ва зарур жиҳатларини ўзлаштириш.

**2. Адабиёт ўқитишининг ДТС, режа ва дастурлари асосида мустақил ўқишга оид виртуал лаборатория машғулотлари мазмунини шакллантириш.** ДТСда синфлар кесимида ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, кўникма, малакалар ҳажми кўрсатилади. Режада адабиёт дарсларига кўшимча соатлар акс этиши кўзда тутилса, дастур мультимедия таълим технологиялари, виртуал таълим муҳити, виртуал таълим жараёнини бошқариш тизимлари мазмунини ўз ичига қамраб олади.

**3. Махсус виртуал хона яратиш.** Хонанинг адабий жараён ва ходисалар, асарда тасвирланган замон ва макон руҳини акс эттиришга доир компьютер, проектор, монитор каби мультимедиа воситалари ва тақдимот, анимацион роликлар, ўйинлар, аудио-видео, веб иловалар, мультимедия галереялари билан таъминланиши зарур техник жиҳозларнинг дастурлаштирилиши, компьютер ёрдамида лойиҳалаштирилиши махсус виртуал муҳитни вужудга келтиради.

**4. Қулай креатив муҳит шакллантириш.** Профессор Р.Джураевнинг кўрсатишича, креатив муҳит таълим олувчининг интеллектуал ривожланишини таъминлаш омили бўлиб, таркибан муаллифлик ўқитиш тизимлари, имитацион ва моделлаштирувчи дастурлар, микрооламлар, маълумотлар ва интернет билимлар базасига кириш ҳамда дастурлашнинг инструментал воситаларидан иборат бўлади. Статистик ва қайта таҳлил этиш, фаолият, коммуникатив алоқа ҳамда глобал ва локал тармоқларда масофавий таълимда қўлланиладиган воситалар [19; 76–82-б.] мазкур рўйхат таркибини кенгайтиради.

**5. Характерли мавзуларни аниқлаш.** Иш мавзуси адабий таълимга оид ўқув режа, ДТС ва дастурлари талабига мувофиқ синфлар кесимида мантиқийлик, узвийлик ва изчиллик тамойиллари доирасида белгиланади.

**6. Виртуал харита тузиш.** Бунда педагогик дастурий воситалар асосида ижодкор ҳаёти ва ижоди, адабий тушунчалар, асар сюжети ва композицияси, муҳим эпизодлар, қаҳрамон ҳаётининг эврилиш нуқталари, портрет, пейзаж намуналари ёки рамзлар анимацияси аудио-видео воситалар, моделлар, макетлар, расмлар, жадваллар воситасида эволюцион тарзда акс эттирилади. Бу борада тадқиқотчи М.Исроилова томонидан такомиллаштирилган “субъет-объект” ва “субъект-субъект” тизими самарали бўлиб, муайян мавзу доирасида “Виртуал саёҳатлар” ташкил этишга доир амалий машғулотларнинг технологик алгоритминини тузиш ва амалга ошириш механизмлари таклиф этилади [86; 17-б.]. Бундай мазмундаги лойиҳалар адабиёт, тилшунослик, тарих, археология, этнография, география фанлари доирасидаги интеграцияни таъминлаши, таълим олувчиларнинг ахборотлар билан ишлаш, когнитив ва ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини шакллантиришга қаратилгани билан самаралидир.

**7. Титрлар билан боғлиқ тажрибаларни симуляция қилиш.** Симуляция – реал жараёнларни лойиҳалаштириш, дастурий таъминот ёрдамида тасвирни ўзгартиришга зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган

ўқув элементидир. Титрлар асар сюжетининг маълум кетма-кетликда ифодаланишига қўшимча изоҳ бўлиб, жараёни сайқаллайди ва янада бойитади. Юқоридаги фикрларга таянилса, турли жанрдаги асарлар, жумладан, халқ эртакларининг “Бор эканда, йўқ экан, қадим ўтган замонда...”, “Сизга боғ бўлсин, бизга ҳаёт...”, “Кунларнинг бирида...”, “Шу пайт қараса, узоқдан...”, “...мурод-мақсадига етибди” каби овозли ёзувларга матннинг турли кўриниш ва тезликдаги ҳаракатли тасвирлари илова қилиниши ўрганилаётган объект ҳақидаги тасаввурларни ойдинлаштириш ва онда мустаҳкам муҳрланишга замин яратади.

Узлуксиз адабий таълимда виртуал лабораториялар ташкил этиш орқали мавзунини ўрганиш ўқувчи ёки талабаларнинг идрок, тасаввур, тафаккур билан боғлиқ билиш жараёнларини шакллантириш, дунёқарашини кенгайтириши, фан асосларини чуқур ўзлаштириш, энг муҳими, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришни таъминлашга хизмат қилади.

Бунда фан ўқитувчиси ва компьютер мутахассиси (дастурчи) ҳамкорлигида матндан ҳаракатли тасвирлар ишлаш мумкин бўлган эпизодлар танлаб олинади. Бошланғич таълимда ҳикматли сўзлар, тез айтишлар, топишмоқлар, масаллар ва эртаклар, юқори синфларда географик йўналишларга бой саргузаштлар сюжетини ўзига хос ва ноанъанавий виртуал саёҳатларни яратишнинг оптимал кўринишлари сифатида белгилаш мумкин.

Барча ёшдагилар учун бирдек севимли ва қизиқарли ҳисобланган жанр – топишмоқлар замирида яширин сифатлар аниқланаётганида инсон ундаги белги-хусусиятларни ҳаёлида пишитиб, ҳаётда мавжуд белгиларига солиштириб мантиқан фикрлашга ҳаракат қилади. Топишмоқларга оид виртуал лабораторияларни насрий ва шеърий шаклдаги, тузилишига кўра бир ёки бир неча предметли жумбоқлардан иборатлигига кўра танлаш мумкин. Масалан, бир предмет ва унинг деталлари яширин “Бир дарахтда ўн икки шох, ҳар шохда ўттиз япроқ – бир ёғи қора, бир ёғи оқ” топишмоғи мазмунини “Дарахт – йилнинг тўрт фасли, ўн икки ой – шох ёки бутоқлар, ўттиз кун – япроқ, кеча ва кундуз – қора ва оқ ранглар” каби тасвирлар

орқали график лойихалаштириш мавзуни образлаштирилган ҳолда осон ва енгил ўзлаштириш имконини беради.

Ўрганилаётган мавзунинг теран англаниши учун кўшимча равишда ўхшатиш, сифатлаш, муболаға, кичрайтириш, метафора, жонлантириш каби тасвир воситалари ва усулларининг мазкур жанрда мавжудлигини график тасвирлаш ўқувчининг кўриш, эшитиш каби сезги аъзолари фаолиятининг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишини таъминлайди.

Кузатишлар ўзбек халқ эртаклари кириш қисми, масалан, “Эртагиё эртаги, эчкиларнинг бўртаги, қирғовул қизил экан, қуйруғи узун экан, кўк музга минган экан, мурути синган экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, ола қарға азончи, қора қарға қозончи, чумчуқ чақимчи экан, тўрғай тўқимчи экан, бўри бақовул экан, тулки ясовул экан, эртагимнинг эри бор, етти кунлик ери бор, етти кунлик ерида думи калта бўри бор. Бир бор экан, бир йўқ экан...” [67; 62–63-б.] каби шакл ва мазмундаги бошламаларни мутолаа жараёнида кичик ёшдаги ўқувчилар идрок қилиш даражаси пастлигини кўрсатди.

Эртақларга оид виртуал лабораторияларни шакллантиришда бошламалар мазмунининг алоҳида шарҳланиши талаб этилади. Хусусан, айрим сўзлар маъносининг ҳаракатли тасвирлар уйғунлигида акс эттирилиши эртақлар оламидаги хаёлий саёҳатнинг қизиқарли дебочаси бўлиб хизмат қилади. Лекин эртақлар сюжети аксарият уйдирмаларга асосланиши, уларда келтирилган айрим сўз, жумла ёки иборалар реал ҳаётда учрамаслиги назарда тутилиб, бу ҳақда ўқувчиларга изоҳ бериб кетилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, “эртагимнинг эри бор, етти кунлик ери бор” ва бошқалар.

Бундай ҳолларда виртуал маҳсулот муаллифи томонидан ўқувчи ҳамиша эътибор қаратавермайдиган, лекин изоҳи сўралганида маъносини тушунтириб беришга иккиланадиган, ҳатто бу ҳақда шу кунгача ўйлаб ҳам кўрмаган жумла ва ибораларга алоҳида тўхталиш бола тушуниши ва, ҳатто, тасаввурида жонлантириши қийин кечадиган айрим хусусият ёки хаёлий

уйдирмаларнинг маълум даражада ойдинлик киритилишига муайян шарт-шароит яратилади.

Бошламалардаги инсонлар сажияси, касб-кори, хатти-ҳаракатлари, нарса-буюм, воқеа-ҳодисаларнинг белги-сифатлари бирор жонзот ёки ўсимликда мужассамлиги матндаги мавҳум тушунчаларга аниқлик киритишни тақозо этади. Бинобарин, қирғовулнинг музда сирпаниб, мурути (бурни) синиши-ю эртақнинг ҳам эри (жуфти) бўлиши тасаввурга сиғмаслиги, етти кунлик ер нимага ишоралиги-ю ва унда айнан думи калта бўри иштирок этиши ажабланарли бўлиб, боланинг нафақат ёлғиз ўзи, балки тенгдошлари, ҳатто бутун оила аъзолари билан ҳамкорликда мушоҳада юритиши, ўқиб-изланишга йўналтирилиши нуқтаи назаридан долзарблик касб этади.

Бу борада С.Чиниеванинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик: “Бадиий асарлардаги ҳис-туйғулар китобхонликни тарбиялайди. Натижада китобхон ўқилган китобдаги воқеа-ҳодисаларни ҳис эта оладиган, қаҳрамонлар характерини муҳокама этадиган, асардаги воқеа-ҳодисалар билан ҳаётдаги воқеликни қиёслайдиган бўлади. Бу эса, фақат китобхоннинггина эмас, у орқали оиланинг бошқа аъзоларининг ҳам маънавий савиясини кўтаради, оила мустаҳкамлигига сабаб бўлади” [129; 20–22-б.].

**8. Панорамик тасвири веб саёҳатлар.** Виртуал борлик – инсон реал борликда ҳаракат қилаётган иллюзиясини компьютерда яратиш имконини берувчи интерактив технология [124; 45-б.]. Виртуал борликда реаллик инсоннинг сезги органлари орқали эмас, махсус интерфейс (фойдаланувчи, тармоқ ёки тизим ўртасидаги ўзаро таъсирни аниқлаш шакли), компьютер графикаси ва овоз ёрдамида ҳосил қилинган сунъий ахборотлар ёрдамида идрок қилинади.

Мультимедия иловалари (матн, расм, товуш, панорама, анимация, видео) воситасида симуляцияланган веб саёҳатларга омма эътиборини тортишда панорамик тасвирилар фаоллаштирувчи куч саналиб, амалда

уларнинг суратга олинган, видеофильм ёки чизилган кўринишига мурожаат қилинади.

Китобхонликка оид панорамик виртуал саёҳатларни асар сюжети ва композицион қурилиши, образ-персонаж характери ёритиш, матнга доир анимациялар ишлаш, субъектга мос овоз танлаш каби операциялар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Панорамик тасвирлар интерактив характердалиги фойдаланувчини ўзига жалб этиб, манбаларга такрор муносабатни юзага келтиради. Масалан, ўқувчида бирор ижодкор тўғрисида маълумот олиш истаги туғилса, у муайян жойдан таълим муассасаси сайтига кириб, мавзу юзасидан яратилган веб саёҳатларнинг фаол иштирокчисига айланиши мумкин.

Веб саёҳатлар: дастур бўйича муҳим мавзуларнинг танланиши; саёҳат объектининг белгиланиши ва унга оид муҳим ахборотлар омборининг шакллантирилиши; зарур ўринларда сюжет йўналиши бўйича электрон хариталар тайёрланиши (масалан, 9-синфда Бобур умрбаёнини ўрганишда унинг лашкари билан юрган йўллари ёки шоир меросини ўрганиш борасида ташкил этилган халқаро экспедициянинг саёҳат маршрути каби); йиғилган маълумотлар асосида расм ёки видеотасвир олиниб, панорама тайёрланишидан яхлит таълимий маҳсулот даражасига келтирилади.

Ўзувчи ижодининг такрорланмас адабий-эстетик ҳодисалигини етказишда, албатта, тарихий шароит, давр руҳи, маданияти, санъати намуналари ва анъаналарини виртуал акслантириш ўқувчи бадиий диди ва мантиқий тафаккури такомилга бевосита дахлдор. Бунда, ижодкор фотоальбомидаги суратларга қўшимча ҳолда муқаддас қадамжолар, тарихий ёдгорликлар ансамбллари, музей, кутубхоналар, кўرғазмалар галереяси, халқ амалий санъати намуналари, ҳатто ўсимлик ва ҳайвонот олами чизгиларидан комплекс фойдаланиб, ижодий муҳит яратилади, шу асосда ўқувчи миллий ўзликни англаш руҳида камол топтиради.

Айрим тарихий шахслар ўтмишига оид фотолавҳалар мавжуд эмаслиги эътиборга олинса, улар яшаб ўтган жойларнинг географик тузилиши, китоб

ва яратган кашфиётлари мазмуни асосида махсус панорамик жамланма тузишга эҳтиёж мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир. Масалан, 5-синфда хадислар мавзусини ўрганишда Самарқанддаги Имом ал-Бухорий меъморий мажмуасини тасвирга олиб видеопанорама тайёрлаш, мавзу ичига чуқурроқ кириб, ҳатто муҳаддис маълум муддат умргузаронлик қилган ва таҳсил олган ўлкаларда виртуал сайрни давом эттиришга қулай муҳит яратилади. Шунингдек, 9-синф ўқувчиларига мустақил мутолаага тавсия қилиш мумкин бўлган таниқли адиб Тоғай Муроднинг ўзбек халқи миллий анъана ва қадриятлари яхлит композицияси чизилган “Ойдинда юрган одамлар”, 6-синфда “Юлдузлар мангу ёнади” каби асарлари панорамик тасвирлар яратишга зарур манба бўлиши мумкин.

Лирик асарларда ифодаланган туйғу ва кечинмаларни виртуал шароитда ўрганиш муаллиф мақсадини, асар мазмун-моҳиятини чуқур англаш йўлидаги дастлабки қадамлар сифатида баҳоланиши мумкин.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактабларининг 9-, 11-синфларида “Мустақиллик даври адабиёти” мавзуси бўйича Усмон Азим ижодига алоҳида тўхталиш кўзда тутилган. Шоир ижодини фақатгина бу синфларда эмас, 7–8-синфларда ўрганиш ҳам бесамар кетмайди. Зеро, “Усмон Азимнинг шеърларида ҳақиқатга талпиниш, ҳақиқатни излаш, ёлғондан зада кўнгили изтироблари акс этади. Табиатнинг турли фасллари, турли ҳодисалари ва ҳосилалари шоир ҳис-туйғуларини теранроқ тасвирлаш учун восита. Лирик қаҳрамон кузги боғларда сайр этади. Шоирнинг кундузлари – бир лаҳзалик, тунлари узун; қуёш эса ҳақиқат рамзи. Шу боис “Руҳимда бир порла, қуёшим”, дейди” [87; 8-б.].

Аксарият шеърларида Усмон Азим киши нигоҳидан яширин, бир қарашда кўримсиздек, оддий, лекин бетакрор табиат манзараларига мурожаат қилиш асносида бадиий жиҳатдан мукаммал асарлар ярата олганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, “Заминда салқин оз...” деб бошланувчи шеъридаги йўнғичқанинг муздай сув кечиби ўйнаши тасвирлари лирик қаҳрамон қалбидаги дард тугунларини “ечиб” юборади. Шеърда

тасвирланганидек, эгатларига саратон сувлари таралган беда баргларининг майин шаббода эпкинларидан оҳиста тебраниб чайқалиши киши руҳиятига чексиз хузур бахш этади. Йўнғичқанинг “сув кечиб рақсга тушиши”дан завқланган лирик қаҳрамон ҳаёт ташвишларини бир зумга бўлса ҳам унутади. Алдовлар, хиёнатлар соя солган озурда кўнглидаги ғуборлар тарқалиб кетади. Шеърда ташхис санъатини кўллаш орқали муаллиф йўнғичқани деталлаштиради, шахслантиришга эришади.

Лирик асарлар сюжетига хос панорамик тасвирлар ишланиши инсон руҳияти ва табиат бағрига ҳаёлий саёҳатчилар сафининг ортишига маълум маънода шароит яратади. Натижада эшитиш ва кўриш сезгилари орқали асар мазмуни идрок этилиши, ахлоқий-эстетик тарбия амалга оширилиши мақсадига эришилади. Масалан: *Болари тентирар – гулларга чўри, Капалак жонсарак – боққа хизматкор. Қуёшнинг тилларанг жисмини сўриб, Намхуш ҳаволарда кўкарар баҳор* [123; 92-б.].

Панорамик тасвир куйидаги тартибда ишланиши режалаштирилади:

а) мовий осмон кенгликларида оққуш мисол сузаётган паға-паға булутлар карвони; б) ҳаётбахш кўклам офтобининг саховатидан бағри анвойи чечаклар-у зумрад майсалар билан безанган она замин; в) атласнусха қанотларини майингина ҳилпиратиб боғ саҳнида учаётган турфа капалаклар; г) бол ишқида чаман кезиб, гул косачалари пойини тавоф айлаётган ғужғон асаларилар ва ҳоказо.

**9. Мавзуга оид математик моделлаштириш, ўрганилаётган жараён ёки объектларни оптималлаштириш ва ҳисоб ишлари.** Яратувчи фантазияси табиий объектга қанчалик мос келиши дастурчилар томонидан аниқ математик ҳисоблашлар асосида лойиҳалаштирилиши муҳим бўлиб, экран дизайнининг мутаносиблик, тартиб, акцент, мувозанат ҳамда бирлик каби тамойилларидан комплекс фойдаланиш зарурати юзага келади. Бу борада тадқиқотчи К.Облабердиеванинг экран интерфейсининг ташкил этилишига доир ахборотнинг экранга чиқарилиши ва компьютерга киритилиши, “ўқувчи-компьютер” диалоги ҳамда ўқувчи жавоби таҳлили ва

тизим реакциясининг йўлга қўйилиши ёритилган изланишларига таяниш мумкин [35; 7–11-б.].

Педагогик дастурий воситаларга қўйиладиган эргономик (эргономика – юнонча иш, меҳнат ва қонун [135; 178-б.]) талаблар, табиийки, матн, тасвир ва анимацияларнинг экрандаги ифодасини ўқувчи организми хусусиятлари ва имкониятларига мослаштиришга замин яратади. Жумладан:

– муаносиблик: турли объектларнинг тартибсиз жойлашувига монелик қилади. Объект ўлчамларини аниқлаш ва уларнинг фазода жойлашувини гуруҳлашда фойдаланилади;

– тартиб: матн, график ахборотларни белгиланган йўналишларда экраннинг муайян қисмларига жойлаштириш, турли хабар ва объектлар учун ранг бериш, шрифтларнинг жойлашиш ўрнини танлашда амал қилинади;

– акцент: урғу қаратилиши муҳим бўлган объектни ажратишда қўлланилади. Бунда асосий маълумотлар экран марказида бўлиши ва ёрдамчи матнлардан бўш фазо билан ажратилиши, ёрқин ранглар, алоҳида ўлчамли шрифтлар ва махсус фонда тасвирланиши мақсадга мувофиқ;

– мувозанат: ахборотларнинг экранда бир текис тақсимланишига асосланилади. Бунда умумий ном экраннинг вертикал ўқиға нисбатан марказлаштирилади. Асосий объектлар ёрдамчи объектларға қараганда чуқурроқ идрок этилиши белгиланади. Томошабин-ўқувчига қора фондаги чизиқларнинг яқинроқ, ёрқин фондаги қора чизиқ ва объектларнинг эса йироқлашуви ҳисобға олинади;

– бирлик: мазкур тамойилға тасвир элементларидаги чамбарчаслик, ўлчам, шакл ва ранглар уйғунлиги хос.

Моделлаштиришда худди мультипликацион фильмлардаги каби объект хатти-ҳаракатлари, бадий деталь ёки манзаралар ифодасида ўхшашлик, тартиб, мувозанат, бирлик каби мезонлар белгиланади. Масалан, Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” асаридан “Бешинчи иқлим йўлидан келган мусофирнинг достоноролиғи” боби (7-синф) сюжетида лавҳалар: Жобирнинг янги ойға ўхшаш тез юрар кемачалари, қароқчиларнинг баланд

дарахт устига чиқиб, денгизни кузатиб туриш тасвирлари педагогик дастурий воситалар асосида лойиҳаланиб, тўғри ёки эгри чизиклар ёрдамида турли шакллар яшаш, айлана ёки ёйлар ҳосил қилиниб, туташмалар бажарилиши орқали гавдалантирилади.

Турли бурчаклар остидаги чизикларни таҳрир қилиш, деталларга қирқим ва кесимлар берилиб, тасвирда ранг, материал ва текстуралардан ижодий фойдаланиш ҳамда моделларга ўлчам бериш жараёни сюжетни тасаввур қилишни енгиллаштиради.

**10. Адабий материал моҳиятини тушуниш, турли муаммоли вазиятлар ечимини ҳал қилишга доир махсус виртуал сценарийлар тузиш.** Мазкур усул орқали анимация жараёнидаги узвийлик ва изчиллик, воқеаларнинг мақсади ва муайян кетма-кетликдаги намоёиши таъминланади. Бунда матннинг қисқартма вариантыга эҳтиёж сезилса ҳам воқеаларнинг ривожланиш динамикаси ўзгармайди. Агар ўқитувчи томонидан муаллиф концепциясига зид равишда сценарийнинг бошқа турдаги варианты ишланса, ўқувчи реал воқелик юзасидан чуқур мушоҳада юритишга, муаммонинг бир неча хил ечимларини шакллантиришга ҳаракат қилади.

Муайян асар қаҳрамони интилаётган мақсад йўналишининг асл ва мақсадга зид шаклини графикли тақдим этиш ҳамда ҳар икки ҳолатни ўзаро қиёслашни таклиф этиш орқали ўқувчида танқидий тафаккур, плюрализм, масала моҳиятига объектив ёндашиш, энг муҳими, муаллиф мақсадини англаш имкони юзага келтирилади. Масалан, Н.Норқобиловнинг “Овул оралаган бўри” асари [109; 2–66-б.]даги Оқёл бўри (7-синфда Э.Томпсоннинг “Ёввойи йўрға” асари билан узвийликда ўрганиш мақсадга мувофиқ, бунда арлони бўри ва ёввойи йўрғага хос умумий хусусиятлар қиёсланади) агар жуфти Чўнгаллага ноўрин араз қилмаганида Салом мерган қўйган қопқонга тушмас, одамлар унинг териси, тирноқ ва тишларини ашё сифатида тақсимлаб олмас эди ва ҳоказо.

Виртуал лабораториялар одатдаги мультипликацион фильмлардан фарқли ўлароқ, шунчаки вақтни ўтказиш ёки асар қандай яқун топишига

қизиқишдан эмас, балки мақсадли равишда билим олиш, асар мазмун-моҳиятини англаш, энг асосийси, маънавий эҳтиёжларни қондириш талабини кўзлаб яратилиши муҳимроқ.

Таълим соҳасидаги ислохотлар синфдан ташқари машғулотлар, хусусан, тарбиявий мақсадга йўналтирилган тўгараклар, адабий кечалар, факультатив машғулотлар самарадорлигини оширишда янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг кўламда фойдаланишни тақозо этади. Замонавий ахборот технологияларини дарсдан ташқари машғулотларга татбиқ этиш ёш авлод интеллектуал салоҳияти, бадиий-эстетик тафаккурини ривожлантириш, назарияни амалиётга боғлаш, ахборотлар билан ишлаш ҳамда машғулотларга қизиқтириш, назорат қилиш каби қатор афзалликларга эга. Мактабларда синфдан ташқари машғулотлар ихтиёрийлик асосида ташкил этилса-да, ўқувчиларнинг қизиқиш ва интилишлари қатъий ҳисобга олинади.

**Факультатив машғулотлар** синфдан ташқари ишлар тизимида алоҳида ўрин тутувчи ва ўқувчиларнинг китобхонлик фаолиятига амалий таъсир ўтказувчи воситалардан ҳисобланади. Бу турдаги тадбирлар янгича тасаввурлар билан муайян тарбиявий мақсадга ижодий ёндашилишига кўра синф машғулотларидан жиддий фарқланади. Ўқувчиларни тадқиқотчиликка қизиқтириш, интеллектуал салоҳияти ва иқтидорини тўғри йўналтириш, асар воқеаларини ўз бошидан кечиришларига ёрдам бериш, образлар оламига олиб кириш, бадиият намуналарининг бетакрор гўзаллигидан завқланишларига кўмаклашиш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ташкиллаштиришда “китобхонликни тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш” [8; 1-б.] факультатив машғулотларнинг асосий вазифаларидандир.

Синфдан ташқари ишлар тизимида рағбатлантирувчи шакллардан ҳисобланган бундай турдаги машғулотлар таълим мазмунини тўлдириш, янги тушунчаларни ўзлаштириш, билимларни чуқурлаштиришда олиб бориладиган бошқа ишларга нисбатан қатъий йўналишда ташкил этилиши

билан характерланади. Факультатив машғулотларда субъект ва объект ўртасидаги ҳамкорлик, ўзаро таъсир, ўқитиш ва тарбиялаш, бошқариш, шахсни ривожлантиришга қаратилган методларни танлаш, фикрлар мустақиллиги ва ранг-баранглигига шароит яратиш, педагогик жараёндаги муаммоларни ҳал этиш, ишчанлик вазиятини юзага келтириш, баҳолаш каби ўқув-билув фаолияти амалга оширилади. Ўқувчиларда шоир ва ёзувчилар ижодининг ўзига хосликлари, адабий-бадиий ҳодисаларни таҳлил қилиш кўникмасини изчил шакллантириши билан факультатив машғулотлар синф машғулотларидан ажралиб туради.

Факультатив машғулотларда олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишлар мазмуни ва методикасига эътибор қилинса, унда назарий билимлардан амалиётда фойдаланиш каби ижодий фаоллик масаласи кўндаланг туради. Машғулотларда ўқув фаолиятининг назарий қисми педагог томонидан асосланса, амалиётда ўқувчиларнинг мустақил ишлари ҳал қилувчи куч саналади. Факультатив машғулотларга назарий ёндашув материалларнинг дастур мазмунига мослиги, режалilik, изчиллик, мавзунинг ўқувчилар ёш хусусиятларига мослиги, дидактик қўлланмаларнинг қизиқарлилиги, фаоллаштирувчи топшириқларнинг тўғри танланганида намоён бўлади.

Назарий тайёрлаш методикаси ҳар бир ижодий фаолият турида зарур маълумотнигина етказиш, йирик ҳажмли мавзуни қисмларга тақсимлаб давомийликда ўрганиш, янги мавзуни амалиёт билан уйғунлаштирувчи мисоллар орқали етказишни талаб этади. Амалий тайёрлаш мазмуни ишнинг асосий техник усуллари, махсус ёки умумлаштирувчи тренинглар ҳамда мустақил ишлардан иборат бўлади.

Амалий тайёрлаш методикаси таркибига қуйидагилар киритилади:

- а) машғулот учун долзарб ва муаммоли мавзуни белгилаш;
- б) умумий ривожлантирувчи машқларни ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб танлаш;
- в) ўқувчининг коммуникатив ва креатив қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган тренинг ёки махсус машғулотлар мажмуини яратиш;

г) машғулотларни иерархия усулида ташкил этиш;

д) ўзлаштирилган билимлардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш асосида назария ва амалиёт ўртасидаги узвийликни таъминлаш;

е) амалий ишлар натижасини кўргазмалар, презентациялар шаклида намоиш этиш.

Ўқувчиларни мустақил мутолаага қизиқтиришда факультатив машғулотларнинг ўзигина етарли эмас. Бинобарин, бу борада бир қатор самарали таъсир кучига эга бўлган ёрдамчи педагогик воситалардан ҳам фойдаланиш лозим. Юқорида таъкидланганидек, сўнгги пайтларда бошқа соҳалар каби таълим тизимида ҳам глобал тармоқда видео-конференция ёки видео-мулоқотлар ўтказиш кенг оммалашмоқда. Бунга мисол тариқасида Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 250-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Б.Тоштемированинг ижодкорлар Т.Адашбоев, У.Абдуазимовалар билан телемулоқот ўрнатишда “Веб камера” усулидан фойдалангани [115; 3-б.] ёки кейинги пайтларда Республика болалар кутубхонасида ёш китобхонлар ва таниқли адиблар ўртасида Forum.kitob.uz сайтида уюштирилаётган онлайн мулоқотлар (жумладан, Х.Тўхтабоев билан Forum.kitob.uz сайтида [133; 15–17-б.])ни мисол қилиш мумкин.

**“Веб камера”** – ўқувчиларни бадиий асарлар мутолаасига қизиқиш уйғотишнинг таъсирчан воситаларидан бўлиб, таниқли ижодкорлар билан масофадан туриб видео мулоқот ўрнатиш усулидир. Унинг қулайлиги ва афзаллиги шундаки, ўқувчилар ўзлари севган шоир ёки ёзувчилар билан интернет тармоғида жонли мулоқот ўрнатишга муваффақ бўладилар. Бунинг учун Skype, Mail.ru Agent, Google Talk, ICQ каби махсус дастурлар бўлиши талаб этилади.

Факультатив машғулотларга мазкур усулни татбиқ этиш компьютер, мультимедия воситалари билан бир қаторда интернетга тезкор уланиш қурилмаси USB модем ва веб камера каби қўшимча ускуналардан ҳам фойдаланиш заруриятини тақозо этади. Таниқли адиблар билан ноанъанавий учрашувлар ташкил этиш учун фойдаланувчилар глобал тармоққа уланган

хамда уларнинг компютерида веб-камера қурилмаси ўрнатилган бўлиши шарт. Мулоқот чоғида томонлар экранда бир-бирларининг ҳаракатли тасвирларини кўриб, овозларини эшитиш имконига эга бўладилар. Видеоалоқа компютер воситасига уланган “Веб камера” қурилмаси ёрдамида амалга оширилади.

Видео мулоқот ўтказилиши режалаштирилган хонага бир нечта компютер ўрнатиш зарур бўлиб, улар USB орқали интернетга уланиш, мультимедия воситаларидан фойдаланиш ва ижодкорни кўриб туриш учун тайёрлаб қўйилади. Веб камера ва монитор ўқувчилар кузатишларига қулай ўринга жойлаштирилади. Учрашув куни, вақти ижодкор билан ўқитувчининг маълум шаклда (электрон почта, уяли телефон алоқаси ёки индивидуал тарзда)ги суҳбатидан сўнг аниқланади ва маълум тайёргарлик ишлари олиб борилади.

Замонавий техник воситалар ёрдамида уюштириладиган видеомулоқот жараёни учун дастлаб мақсад ва вазифалар белгиланиб, сўнгра уни амалга оширишнинг технологик харитаси, модули, эришиладиган натижалар ва истиқболдаги режалар лойиҳалаштирилади (*4-иловага қаранг*). Ўқувчиларга мустақил мутолаа учун адабиётлар тавсия қилинади. Албатта, машғулотни қандай шаклда ташкил этиш ўқитувчининг билим савияси, тажрибаси, ижодий салоҳияти, илғор педагогик ва АКТ воситаларини ўзлаштирганлик даражасига боғлиқ. Демак, факультатив машғулотларда масофадан туриб мулоқот ўрнатиш нафақат масофани, балки ижодкор ва китобхонни қалбан яқинлаштиради, назарий билимларни мустаҳкамлаб, амалда қўллашга ўргатади ва мутолаа маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиш мумкинки, китобхонликка оид тадбирлар самарадорлиги ўқитувчининг шахсий хусусиятлари, эрудиция ва касбий компетентлиги, ўқувчилар шахсига инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашиш, мутолаага қизиқиш уйғотиш каби қатор субъектив ва объектив омилларга боғлиқ.

## **2.2-§. Мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришда асар таҳлиliga замонавий ёндашувлар**

Сўнгги пайтларда умумий педагогикага оид тадқиқот ишларида ўқувчиларда мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик, илмий-назарий ҳамда амалий хусусиятларига доир замонавий ёндашувлар таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида тадқиқ қилинмоқда. Негаки, билим олишнинг асосий усули бўлган мутолаа жараёнларини такомиллаштириш жамиятнинг умумий тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишида пойдевор вазифасини ўтайди, уни сифат жиҳатидан янги босқичларга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида миллий таълим тизимида педагогик технология, метод ва усулларнинг амалиётга татбиқи борасида талай янгиланишларга эришилди. Лекин баъзан сўзлашув нутқида мазкур тушунчаларни қўллаш, дарс ва машғулотларга жорий этишда уларга оид айрим хусусиятларни фарқламаслик ҳоллари ҳам мавжуд.

Технология зарур шарт-шароит ва воситалар ёрдамида объектга йўналтирилган мақсадли амалларни тизимли бажариш демакдир. Педагогик технология тушунчаси технологик жараён билан узвийликда талқин қилинади. Технологик жараён деганда меҳнат куруллари билан объектга – бирор хом-ашё ёки материалга махсус шароитда босқичма-босқич ишлов бериш ва шу асосда унинг ҳолати, хоссаларидан келиб чиқиб маълум вақт оралиғида таъсир кўрсатиш ва натижада янги маҳсулотни вужудга келтириш тушунилади. Албатта, бунда тайёр маҳсулот сифати субъектнинг соҳага оид назарий билим, кўникма, малака ва уқувида акс этади.

Аввалдан лойиҳалаштирилган намунага мувофиқ келувчи маҳсулот яратиш ишлаб чиқариш жараёнларини технологиялаштиришни назарда тутса, таълимни технологиялаштиришдан кутиладиган мақсад давлатнинг ижтимоий буюрмасини илмий асословчи таълим стандарти талабидаги шахс

камолотидир. Таълим-тарбия ишларини технологиялаштириш омили мақсадни аниқлаш, шунга мувофиқ вазифа ва натижаларни белгилаш бўлиб, у педагогик технологияни лойиҳалаштириш, ўқув жараёни мазмунини тузиш ҳамда тизимли ташкил этишга асосланади.

“Фанларни ўқитиш назарияси ушбу фанни ўқитишнинг методик тизимини амалга ошириш қонуниятларини аниқлайди, технология эса ушбу тизим моделини амалга ошириш усулларини ишлаб чиқади. Бу тахлитдаги ёндашувда технологиянинг ўрни олдиндан кўзланган мақсадни ташхис қилиш ҳамда уни амалга оширишнинг шарт-шароитларини (шакл, метод, воситалар, ўзаро боғлиқликлар)ни аниқлаш, уларни лойиҳалашдан иборат бўлади. Шундай қилиб, технология таълим назарияси ёки методикаси билан ўрин алмашмайди, балки уларнинг асосига қурилади. Айни вақда улар бир-бирини тақозо қилади” [53; 26–27-б.].

Педагогик технология кенг қамровли тушунча бўлиб, соҳа мутахассислари унга ўз аспекти доирасида турлича ёндашадилар. Жумладан, таниқли файласуф Б.Зиёмуҳаммадов ўз тадқиқотларида педагогик технология моҳиятини халқаро ЮНЕСКО ташкилоти таърифи, россиялик В.Монахов, В.Беспалько, М.Кларин, И.Ларнер, япониялик Сакомото, ўзбекистонлик Н.Сайдахмедов, А.Очилов, Б.Фарберман каби олимлар фикрига таянган ҳолда изоҳлашга ҳаракат қилади. Олим таклиф этган таърифга кўра педагогик технология бу – “ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи ё талабаларга, муайян дастур асосида, мақсадга йўналтирилган тизимли таъсири натижасида, уларда жамият учун зарур ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни шакллантирувчи маърифий тадбир” [83; 285-б.].

Профессор З.Исмоилованинг фикрича, “ўқитиш (таълим ва тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш орқали уларда олдиндан режалаштирилган сифатларни жадал шакллантиришни кафолатлайдиган ўқув жараёни” [24; 11-б.] педагогик технологиядир.

Методист З.Кудашева бу тушунчани “ўқувчиларнинг ўқув фаолияти ва ўқитиш шакллари ташкил этиш методлари, усуллари йиғиндиси бўлиб, ўқитиш назариясига таянади ва режалаштирилган натижаларни таъминлайди” [93; 41-б.] тарзида изоҳлашга ҳаракат қилади.

Профессор Ж.Йўлдошев бугун ғарбда илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари сифатида тан олинаётган илғор педагогик технологияларнинг айрим элементлари бундан бир неча асрлар муқаддам кўҳна Шарқда Бурхониддин аз-Зарнужий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби алломалар қарашларида ҳамда сўфийлик таълимотида илгари сурилганини қайд этади [89; 48-б.]. Айтиш мумкинки, бу тушунча ўзида ўқитувчи касбий компетентлиги даражасини ифодалаб, мақсадга йўналтирилган муайян лойиҳа асосида ўқувчиларнинг билим олишга бўлган рағбатини кучайтиришга қаратилган ва натижаси кафолатланадиган ташкилий-услубий воситалар мажмуидир.

Ўқитиш методлари бир-биридан ўзига хос белгилар орқали фарқланади. Рус олимаси О.Богданованинг кўрсатишича, дидактик олимлар М.Скаткин ва И.Лернерлар бу белгиларни методларнинг таълим мақсадини ифодалаш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш ҳамда ўқитиш усулларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан тавсифлайди [72; 89-б.]. Таълим методларини таснифлашга бундай ёндашувлар уларни умумий (фақат адабиётни эмас, балки бошқа кўпгина фанларни ўқитиш жараёнида ҳам қўлланади) ва хусусий (фақат маълум ўқув фани таълимида қўлланади) фан методларига тақсимлаш имконини беради.

Қ.Ҳусанбоева таъкидлаганидек, “Таълим методлари фақат маълумотни қандай беришни белгиламайди. Улар материалнинг тизими ва уни айни шу йўл билан ишлашга тайёрлашни ҳам назарда тутади. Яъни у ўқув материалига сингдирилган билимни ўқувчи ўзлаштира оладиган тарзда беришни, болаларда билим олиш қобилиятини ривожлантиришни ҳам қамраб олган бўлиши керак” [149; 62-б.]. Ўқувчиларнинг мутолаа асосларини эгаллашга бўлган қизиқишлари самараси таълим методларининг тўғри

танланиши ва қўлланилишига чамбарчас боғлиқ. Истиклол даври педагогикасида билиш жараёнларини ривожлантириш орқали ёш авлодни ижодкорликка йўналтириш, мустақил ўқиб-ўрганиш, назарияни амалиётга татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳам когнитив, ҳам креатив жараён билан яқин алоқадорлигига кўра таълимнинг эвристик методлари бу борада яхши самара беради.

Эвристик метод – ўқувчиларда фаоллик, изланувчанлик сифатларини шакллантиришга, муаммо ва унинг ечимига оид энг муҳим ҳамда муқобил вариантларини топишга йўналтирувчи саволлар орқали билиш жараёнларини ривожлантиришга қаратилган таълим бериш тизимидир.

**Когнитив** (“билмоқ, англамоқ, тушунмоқ”) **методлар** таълим олувчиларда бутун олам ҳақидаги мавжуд билим ва тушунчаларни янада орттириш, шунингдек, масалани таркибий қисмларга ажратиб тадқиқ қилиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилади. Когнитив ўқитиш асосида шахсни биологик, психологик ва ижтимоий ташкиллаштиришнинг динамик тизими ётади. Унинг “стратегия ва ақлий қобилиятларнинг бутун мажмуини ривожлантириб, ўқитиш жараёни ва индивиднинг янги шароитларга ўрганиш жараёнига имконият яратиши” [146]ни қайд этмоқ ўринлидир.

Сўнги пайтларда жаҳон фалсафаси ва тилшунослик соҳасида кенг оммалашган ушбу таҳлил методлари негизида ўқувчиларнинг онги, руҳияти ва билиш жараёнлари ривожига ижобий таъсир кўрсатиш масалалари назарда тутилади. Замирида таълимий маҳсулот яратишга эришиш ва, асосан, объектни билиш мақсади устувор когнитив методлар натижаси ўқитувчининг ўқувчи билан дўстона муносабат ўрнатишида, дарсда қулай педагогик ва психологик муҳит ярата олишида намоён бўлади. Таъкидлаш ўринлики, эмпатия, образли кўриш, рамзий кўриш, эвристик саволлар, таққослаш, эвристик кузатиш, тадқиқот, тушунчаларни йиғиш ва илмий фараз (гипотеза) каби қатор методлар когнитивлик хусусиятига эга.

**Эмпатия методи.** Бунда ўқувчининг ҳиссий-образли ва фикрий тасавури орқали ўрганилаётган шахс, нарса-буюм ёки воқелик “ичига кириб”, уни ҳис қилиш, билишга интилиши назарда тутилади. Психологияда эмпатия (ҳамдардлик, ичдан ҳис қилишлик) дейилганда конкрет шахсни бошқа одамларнинг эмоционал-ҳиссий ҳолатларини мазкур даврда англаш (тушуниш), уларнинг ички ва ташқи кечинмалари ва ташқи ҳолати (фавқулодда вазиятни) шахсан ўзида акс эттириш қобилияти (ўқувчанлиги), айнан шу воқеликни ўзида синаб кўриш тушунилиши қайд этилади [37; 8-б.].

Адабиёт дарслари инсон кечинмалари ва ҳис-туйғуларини турли ракурсларда тадқиқ этиш нуқтаи назаридан ҳам ҳаётийдир. Шу боис, таълимий объектлар ичига кириб бориш жараёнида ўқувчи ҳис қилиш даражасида фикрлашга ҳаракат қилади. Бунинг самараси ўлароқ онг ва тасаввурда муайян қаҳрамоннинг омехталашган ташқи ва ички портрети, эмоционал-бўёқдор ҳаётий манзаралар тасвири пайдо бўлади, турли жанрлар доирасидаги билимлар сарҳисоб қилинади, қиёсланиб, умумлаштирилади ҳамда воқеликнинг туб моҳияти идрок қилинади. “Асарда тасвирланган воқелик билан ҳаёт воқелигини фарқлаш жонли мулоқот натижасидир. Китобхон уларни таққослаш учун бош қотиради – ўйлашга мажбур бўлади. Шу жараёнда асар воқелигини ҳаёлида қайта жонлантиради, қаҳрамонларнинг ўрнига ўзини қўйиб кўради, муайян хулосалар чиқаради. Кўринадими, у ҳам ўзига хос ижод қилади” [100; 84-б.].

Умумий ўрта таълим мактаблари 7-синфида “Ҳайрат ул-аброр” достони “Салотин” бобидаги “Шоҳ Ғозий ҳақида ҳикоят”ни эмпатия методига таяниб ўрганишда ўқувчиларга қуйидагича мурожаат қилиш мумкин:

“Тасаввур қилинг, сиз асар воқеалари содир бўлган замон ва маконга тушиб қолдингиз. Ўзингизни шоҳ Ғозий қиёфасида кўринг. Кампир сиздан ўғлининг хунини талаб қилмоқда. Кампирнинг даъвосига нисбатан қандай чора кўрасиз? Уни жазолайсизми ёки ҳукмдордек йўл тутасизми? Жабрланувчи адолат талаб қилгандаги ҳолатингизни сўз билан ифодаланг”.

Қаҳрамонлар образига хаёлан “кириб олиш” объект хусусиятларини ичдан ўрганиш, туйғу ва кечинмаларини англаш жараёнини интеграциялайди. Таълимий объектлар ичига кириш ҳолатидаги ҳис-туйғулар (ишонч, қувонч, қониқиш, иккиланиш, кўрқув, нафрат, ғазаб), фикр-мулоҳазалар ўқувчининг истиқболда намоён бўладиган интеллектуал фаолияти маҳсулидир. Персонажлар ўртасидаги суҳбат, тортишув, баҳс-мунозараларни акс эттириш орқали ўқувчиларда диалогларни монологик, полифоник нутққа, матндаги кўчирмаларни ўзлаштирма гапларга айлантириш малакалари ҳам шакллантирилади.

Эмпатия методини қўллашнинг аҳамияти ўқувчида персонажлар қиёфасига кириш орқали объект муаммоларини тушуниш, кечинмаларини ҳис қилиш ва жараённи белгили, ҳаракатли ёки расмли тарзда тасвирлаш кўникма ва малакалари шаклланиши; мавжуд имкониятлар юзага чиқиши; объект ичига кириш ҳолатида ўқувчи ўзини кузатиш ва баҳолаш имконига эга бўлишида намоён бўлади.

Фанда илмий гипотеза илмий далилларга таяниши яхши маълум. Шу нуқтаи назардан олганда илмий фараз ҳақиқатлиги исботланиши талаб этиладиган билимдир. **Илмий фараз (гипотеза)** оламдаги аниқ нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг моҳияти, қонуниятларини ёритиш масаласи устувор бўлган методдир. Ҳар қандай фан эмпирик материаллар таҳлилига таянади ва уларни англашдан бошланади. Бу эса, ўз навбатида, ички моҳият, ўзаро боғлиқлик ва муносабатларнинг инъикоси бўлмиш янги ғоялар ижод қилинишига замин яратади.

Адабиёт дарсларида илмий фараз (гипотеза) методини қўллашнинг афзалликлари шундаки, бунда ўрганилаётган мавзу доирасида савол-топшириқлар ёки муаммоли вазиятларнинг бир қатор вариантлари яратилиши кўзда тутилиб, ғояларнинг асослари аниқланади, муҳокама қилиниб, мантиқан мукамал ҳисобланган фикр-мулоҳазалар танлаб олинади.

9-синфда Назар Эшонқулнинг “Шамолни тутиб бўлмайди” [106; 251–260-б.] ёки жаҳон адабиётидан П.Коэлонинг “Алкимёгар” [112]) асарларини мустақил ўрганишда “Агар Байна момо нафрат ва қасос ҳисларини енгилга ўзида куч топа билганида эди...”, “Агар момо ҳаётини янгидан бошлашга уриниб кўрганида эди...”, “Агар момо янги авлоднинг самимий муносабатини қабул қилганида эди...” ёхуд “Агар Сантьяго тушига ишонмасдан қўйларини боқиб юраверганида эди...”, “Агар Сантьяго кўрқоқлик қилиб сахройиларга ички имкониятларини кўрсата олмаганида эди...” тарзидаги воқелик замирига чуқур йўналтирувчи топшириқлар тизими тақдим этилиши асосида таълим олувчиларнинг метод доирасидаги фаолиятлари белгиланади. Натижалар эса мантиқ ва идрокка асосланган жавоб вариантлари шакллантирилиши билан хулосаланади.

**“Рамзий кўриш”** методи. Мазкур метод объект ва унинг рамзи ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш ва яратишга йўналтиради. “Рамз – бу ўзида моҳиятни мазмун этган воқеликнинг чуқур образидир ва у шу воқеликни билиш ва кузатиш воситасида намоён бўлиши мумкин [48; 27-б.].

Ҳар қандай назария унга асос бўладиган илмий далил ва қонунлар билан мавжуддир. “Когнитив назарияда “схема” тушунчаси қабул қилинган бўлиб, бу тушунча инсон хотирасида мавжуд бўлган маълумотлар ва хотиралар йиғиндисини билдиради. Инсон мияси янги маълумотни қабул қилаётганда ўзида мавжуд схема билан солиштиради ва бу схемага мос тушадиган маълумот яхшироқ ва осонроқ ўзлаштирилади” [21; 235-б.].

Бу борада ўқувчиларга рамзларни матнга боғлиқ ҳолда интерпретация қилиш, улар ўртасидаги ғоявий муштаракликни сўз, турли белгилар ёки график шаклларда тасвирлашга доир топшириқлар бериш мумкин. Масалан, “Сахий булутдир, хирмон-хирмон дон ҳосили, балки хазина беради; бахил чумолидир, дон-дун, машоқ теради. Олийҳиммат одам – баландпарвоз лочиндир, беҳиммат – сичқон овловчи калхатдир” [69; 38-б.] каби таърифлар мисолида муайян объект хусусиятлари ўрганилиб, кузатишлар асосида унинг рамзий маъноларини акс эттириш таклифини киритиш мумкин. Демак,

когнитив методлар таълим олувчиларнинг борлиқни турли рамзлар орқали фикран тасаввур қилиш, объект тимсолини хаёлан яратиш, воқеа-ҳодисалар, нарса-буюмлар ўртасидаги сабаб-натижалар моҳиятини идрок қилиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади.

**Креатив методлар.** Тадқиқот характеридаги креатив методлар тарбияланувчиларда мақсадга қаратилган ижодий тафаккурни қарор топтириб, шахсий таълим маҳсули яратиш билан натижаланади. У ўз таркибига “Ўйлаб топиш”, “Агарда...”, “Образли тасвир”, “Гиперболизация”, “Тасодифий ассоциациялар”, “Агглютинация”, “Ақлий ҳужум”, “Синектика”, “Морфологик кути”, “Инверция ёки мурожаат қилиш” каби методларни қамраб олади.

**“Ўйлаб топиш” методи** аввалдан маълум бўлмаган ақлий фаолият натижалари маҳсулини яратиш мақсадини назарда тутди. Бунда муайян бир объектнинг қайсидир сифатини бошқасига кўчириш орқали янги объект ёки унга хос қандайдир хусусиятлар кашф қилинади; ўзга шароитда объектга хос маълум жиҳатлар излаб топилади; тадқиқ қилинган объект элементлари аниқланиб, ўзгартиришлар киритилади.

“Ўйлаб топиш” методи воситасида ўқувчиларга муайян бир образ характерида мужассам хусусиятларни фикран бошқасига ўтказиш таклифини киритиш мумкин. Мазкур жараёнда ўқувчилар айнан қайсидир қаҳрамонни тамомила бошқа қиёфада кўриши ва хаёлан ўзлари инкишоф этган эврилишларни юзага чиқариш имконига эга бўладилар. Жумладан, таниқли адиб Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогияси персонажлари Амир Кайхусрав, Маҳмудшоҳ Бухорий, Абу Исҳоқ Ясовурий, Одилшоҳ жалойир каби худбин амирлар Амир Темурнинг кечиримлилик, бағрикенглик, олижаноблик бобидаги хатти-ҳаракатлари таъсирида ўзларини жаҳолатдан асрай билган кишилар образлари сифатида гавдаланиши прогнозланади.

**Агглютинация методи** шакл ва моҳиятан қарама-қарши нарса-буюмлар, ҳодисаларни яхлит бир бутунликда кўра олишга йўналтирилади. Эвристик таълим методлари устида изланишлар олиб борган тадқиқотчи

Ж.Турсуновнинг фикрича, ушбу метод таълим олувчиларга айрим нарса ва предметларни ҳақиқий воқеликда ўзаро мувофиқ келмайдиган белги, сифат, хусусият ёки қисмларга таяниб бирлаштиришга қулай шароит яратади. Бунга иссиқ қор, чуқурлик чўққиси, югураётган дарахт, ширин туз, қора ёруғлик, учаётган айиқ каби объектлар мисол қилиб олинади [48; 28-б.].

Узлуксиз адабий таълим жараёнида: “Ушбу методдан қайси мавзулар доирасида фойдаланиш мумкин?” деган савол туғилиши табиий. Бунда объектнинг ички ва ташқи хусусиятларига зид жиҳатлар танлаб олиниб, масаланинг асл моҳиятини теран англаш муаммоси ҳал қилинади. Масалан, “Қоражон – хиёнаткор ва бемехр ини” (“Алпомиш” достони), “Бўри полвон – худбин ва андишасиз дўст” (Тоғай Мурод. “Юлдузлар мангу ёнади”), “Муҳсин гушпи – ҳалол, халқпарвар бой” (Зоҳир Аълам. “Афандининг қирқ бир пашшаси”), “Турсунбой – меҳрибон ва ғамхўр ўғил” (Саид Аҳмад. “Уфқ”), Дуррож – тўғрисўзлик тимсоли (“Шер ва Дуррож”) ва ҳоказо.

Демак, ҳар қандай таълим методи негизида назарий хулосаларни реал шаклга келтириш, ўқувчининг янги билимларни ўзлаштириши натижасида ўзи кашф қилиш фаолиятига йўл очиш, билим борликдан кўчирилган нусха эмас, балки инсон тафаккури маҳсули эканлиги каби илмий хулосалар илгари сурилади.

Адабиёт китобхонга турли даврлар, ҳаётини воқеликлар, инсоний муносабатлар, характерлар, шунингдек, асардаги ҳаёт – бу санъаткор англаган, ўзи бошидан кечирган умр йўли билан танишиш имконини беради, фикр юритишга ўргатади. Бадиий асарлар таҳлили ўқувчиларнинг билим даражаси, тажрибаси, ўрганилаётган мавзунинг адабиётшунослик нуқтаи назаридан долзарблиги сингари масалаларнинг бутун бир мажмуи билан асосланади. Аммо таҳлил пайтидаги ниҳоятда қизиқарли методик топилмалар шаблонга айланса, улар яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Бундай ноқулай ҳолатга учрамаслик учун ўқитувчи енгил йўл қидирмаслиги керак. Ўқитувчи учун қулай бўлган ҳолат кўпинча ўқувчи учун қийин ва ноқулай бўлиши мумкин.

Таҳлил учун танланган ҳолатларда долзарб мавзу ва ҳал қилинмаган катор муаммолар акс этиши, матн мазмуни машғулот мақсадига мувофиқ келиши, шунингдек, ахборотлар ҳажми етарлича бўлиши зарур. Таҳлил – адабий таълимнинг зарурий ва масъулиятли босқичи. У асарни тушуниб ўқишни, мутолаа жараёнида китобхон қалбида ранг-баранг туйғулар уйғотиш ва эмоционал кайфиятни янада жонлантиришни ҳамда ижодкор мақсадини матндан ажратмаган ҳолда ёритиш вазифаларини адо этади. Шу боис, сўнгги йилларда ўқувчиларнинг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш масаласи мутолаага қизиқиш уйғотишнинг муҳим воситаси сифатида талқин қилинмоқда.

Таниқли методист Қ.Йўлдошевнинг фикрича, мукамал ва тугал таҳлилнинг бўлиши мумкин эмаслиги, унинг шахсий мулоҳаза характерида бўлиши, санъат ҳодисаларига борлиқнинг нусхаси сифатида қараш нотўғрилиги, тизимлилик, тарихийлик ва эстетик асосларнинг устуворлиги бадиий таҳлил таянадиган асосий тамойиллар сирасига киради ва амалда шу асосда иш кўрилса, кўзланган натижа кафолатланади [139; 54–60-б.].

Бадиий асарнинг ўқув таҳлили адабиётшунослик таҳлилидан фарқланади. Агар илмий таҳлилда адабиётшунос фан маълумотларига таянса, ўқув таҳлилида ўқитувчи ДТС ва дастур талабларидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва билиш даражасини ҳисобга олиб иш кўради. Аммо асарнинг сюжет қурилиши, композицион тузилиши, ғоявий-бадиий хусусиятлари, образлар тизими, тили ўқув (дидактик) таҳлилининг муҳим шарти бўлиб қолаверади ва у, аввало, ўқитувчи ва ўқувчининг асар ғоявий йўналиши, мавзуси, қаҳрамонлар характери очиқ бериш, тасвирий воситаларни мазмун билан биргаликда ўзлаштириш бўйича ҳамкорликдаги иши ҳисобланади.

Таҳлил усулларини танлаш осон иш эмас. У кўпроқ адабий турга боғлиқ. Лирика эпик асарга, драма эпосга қараганда турлича таҳлил усулларини тақозо этади. Таҳлил “...бадиий матнни ўқиш жараёнида ўқитувчининг изоҳи шаклида ҳам, асарни деталлаштириб кўздан кечириш

шаклида ҳам, қаҳрамонларни тавсифлаш ёки тасвирий ифода воситаларини аниқлаш шаклида ҳам бўлиши мумкин... Чуқур маънодорлик адабий таҳлилнинг энг биринчи ва асосий шартидир. Таҳлилнинг ҳамisha маълум мақсадга қаратилиши унинг шакли ва мазмунини белгилайди” [117; 21-б.].

Бадиий асар таҳлили олдида қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда тарихийлик, шакл ва мазмун бирлиги тамойилларига таянилади. Бу тамойиллар адабий таҳлилнинг асарда қўйилган тарихий ва ижтимоий муаммо, ёзувчи нуқтаи назарининг матнда ифодаланиши, асарнинг жанрий ўзига хослиги, мавзуси, сюжети ва композицион қурилиши, адабий қаҳрамонларга хос етакчи хусусиятлар, бадиий тил хусусиятлари ва услуби, ёзувчи ижодининг ўз даври учун аҳамияти, замон билан алоқаси каби қатор компонентлари ёрдамида амалга оширилади. Табиийки, ҳар бир асар таҳлиliga юқоридаги барча компонентларни тўлиқ жалб қилиб бўлмайди.

“Таҳлилнинг моҳияти шундаки, у ўқувчини асар мазмунига чуқурроқ кириб боришга, шу мақсад билан уни қайта ўқиб чиқишга ундайди, ёзувчининг шоирона фикрида қандай мантиқ борлигини, образларнинг мантикий алоқадорлигини, воқеа-ҳодисаларнинг, қаҳрамонларнинг ҳаётга нечоғлик яқинлигини англашга кўмаклашади” [108; 143-б.].

Таҳлил ўқувчиларнинг бадиий матнни чуқур англашига ёрдам берибгина қолмасдан, уларда эзгу ҳисларни тарбиялайди, ўз ҳаёти ҳақида фикр юритишга ундайди. Б.Тўхлиевнинг қайд этишича, “Реал назарий асосларга, бадиий-эстетик мантиқ талабларига жавоб бера оладиган таҳлил ўқувчининг ҳақиқий ёрдамчиси бўла олади” [121; 46-б.].

Маълумки, адабиёт ўқитиш методикасида воқеалар ривожини ўрганишга қаратилган узвий, асар мазмуни ва шаклига доир композицион, мавзунинг айрим жиҳатларини ажратиб кўрсатувчи ҳамда бадиий тилнинг ифодавий воситалари орқали ёзувчи нуқтаи назари, ғояси, фикрларини тушунишга йўналтирилган филологик таҳлил каби усулларига кенг ўрин берилган. Аслини олганда, бир хил асарларнинг ғоявий-бадиий мазмуни композицион таҳлил орқали очиб берилса, бошқасида сюжет қурилиши

мисолида кўздан кечирилади, учинчисида образлар таҳлили муҳим восита вазифасини ўтайди. Аммо ҳар қандай турдаги таҳлилни амалга ошириш чоғида илмийлик тамойили асосий мезон саналишини унутмаслик керак. Амалда таҳлил усулларининг бир-бирини бойитиб, тўлдиришига табиий ҳол сифатида қаралади.

Таҳлил билан боғлиқ муаммолардан бири шундаки, “адабиётшунослар бадиий асарлардаги педагогик ғояларни ўз имкониятлари даражасида танқидий таҳлил қилишдан нарига ўта олмайдилар. Педагоглар бадиий асар сифатида унинг илмий ва амалий аҳамиятини етарли ҳисобламайдилар [130; 49-б.].

Амалиётда ўқитувчи таҳлилнинг у ёки бу йўлини ўрганилаётган асар жанри, мазмуни, тузилиши ва ҳажмига қараб танлайди. Бадиий асар юзасидан тузиладиган саволлар унинг ғоявий-бадиий мазмунини очишга қаратилади. Ҳар томонлама пухта тузилган саволлар “тафаккурнинг билмасликдан билишга, билишнинг чалалиги ёки ноаниқлигидан тўлиқ ва аниқ шаклига ўтказадиган самарали восита” [149; 119-б.]дир. Ўқувчилар савол ва топшириқлар бўйича матндан танланган зарурий материални таҳлил қилади ва мустақил хулосалар чиқаради.

Бадиий асарларнинг умумлашма таҳлили камроқ куч сарфлаб, аниқ материални хотирада тиклашга ёрдам берадиган савол ва топшириқлар асосида амалга оширилгани маъқул. Улар ўқувчини фанни чуқур ўзлаштиришга тайёрлайди, мустақил ишлашни, ўз нуқтаи назари орқали баҳо беришни талаб қилади. Изланиш муҳити ишни жонлантирибгина қолмасдан, қизиқарли ҳам қилади. Бу эса, ўз навбатида, бадииятнинг ўқувчи шахсиятига таъсирини кучайтиради.

Ўқитувчи машғулотларга тайёргарлик чоғида саволларнинг хусусиятини ўйлаб кўриши, мақсадини аниқлаб олиши муҳим. Саволлар ўрганилаётган асарга қизиқтириши, мазмунини тушуниш ва идрок этишга чорлаши, хулоса чиқаришга ҳаракат қилдириши, муаммоли вазиятларни чоғиштириш, қиёслаш, ҳал этишга йўналтириши лозим. Агар ўқувчи

фикрлаш жараёнида нафақат китобий, балки ҳаётӣй кузатишлари, шахсий тажрибаларига таяниб мулоҳаза юритса, бу унинг ақлий фаолиятини янада фаоллаштиради, тафаккурига ҳиссий таъсир кўрсатади.

Савол ва топшириқлар нафақат умумий мавзу, балки асосий ғоя, маълум фикр ва маъно жиҳатидан узвий боғлиқ бўлгани маъқул. Янги материални ўрганиш, мустаҳкамлаш ва умумлаштириш жараёнида уюштириладиган савол-жавоблар ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолашга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг саволларга жавобини баҳолашда жавобнинг тўлиқ ва тўғрилиги, ўрганилган материални тушуниш даражаси ҳамда ахборотнинг мантиқий изчиллиги ҳисобга олиниши зарур.

Савол ва топшириқлар муайян фикр-мулоҳазаларга турлича ёндашувларни тақозо этиб, шу орқали бирор нуқтаи назарнинг тўғри ёки аксинчалигини мантиқий асослашга замин яратади. Шунингдек, ёзувчи услуби ва асарнинг асосий хусусиятларини ўзлаштириш, муаммони шакллантиришга оид ички ва ташқи сабабларни ўрганиш, тахминларни илгари суриш ва асослаш, фикрни эмас, фикрлашни сингдириш, масалани ечишда янги билимларни ўзлаштириш мақсадига хизмат қилади.

Савол ва топшириқлар бадиий матн таркибини мазмунли очиш воситасидир. Ўқувчиларда бадиий асар мутолаасига қизиқиш уйғотиш адабиёт ўқитиш методикаси, педагогика ва психологиянинг муштарак муаммоси сифатида соҳа ходимларини кўпдан буён қизиқтириб келади.

Миллий ўқитиш тизимида савол ва топшириқлар устида ишлаш муаммолари бир қатор методист олимлар изланишларида тадқиқ этилгани кўзга ташланади. Жумладан, М.Мирқосимова томонидан турли жанрдаги асарлар таҳлилида дарсликда келтирилган савол-топшириқлар бадиий асарнинг шакл унсурлари билан мазмун яхлитлигини уйғун ҳолда тушунишга қаратилиши нуқтаи назаридан ўрганилса [102], Қ.Ҳусанбоевнинг илмий тадқиқотида уй вазифаларини сўрашнинг асосий қуроли сифатида изоҳланади [148].

Р.Ниёзметованинг тадқиқот ишида эса савол-топшириқларнинг матнга нисбатан жойлаштирилишига кўра ўқишгача ва ўқишдан кейинги икки тури, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигида адабий асарни ўқиб-ўрганишлари мобайнида кўрсатадиган фаолиятига боғлиқ ҳолда тузилишига эътибор берилади [108; 149-б.]. Тадқиқотда илмий асосланган матнни ўқишдан олдин бажариладиган лексик-грамматик машқлар билан боғлиқ, ўқиш вақтида ва парча ўқилгандан кейин бериладиган савол-топшириқлар самарадорлиги аллақачон ўз тасдиғини топган бўлса ҳам ханузгача умумтаълим мактаблари адабиёт дарсликлари муаллифлари томонидан эътиборга олинмаётганлиги эътирозлидир.

Амалдаги баъзи дарсликларда ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб бериш, унинг қайси асарларини билиши мазмунидаги савол-топшириқлар бугун ўқувчиларни таҳлилга йўллаш, назарий билимларни амалда қўллаш, мутолаага қизиқтиришдан ҳам кўра маълумотларни шунчаки ёдда сақлаб қолиш, матнни қайта ҳикоя қилиб бериш каби ҳолларга сабаб бўлмоқда. Бу борада муаллифларнинг дарслик яратиш жараёнида адабий таълимга оид тадқиқот ишларида илгари сурилган ғоя ва тавсияларга таяниши ҳақидаги тақлифлар мавжуд муаммоларнинг бартараф этилишига маълум даражада хизмат қилади.

Бадиий асар юзасидан тузиладиган савол ва топшириқларга қўйиладиган методик талаблар Ҳ.Суюновнинг номзодлик диссертациясида алоҳида таҳлилга тортилган бўлиб, ўқувчининг мустақил ва ижодий тафаккури, хотирасини ривожлантириш, асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини ўрганиш, сўз маъносини изоҳлаш асосида нутқ ўстириш, ёзувчи ҳаёти ва ижодига доир маълумотларни ўзлаштириш ҳамда қаҳрамонлар характерини таҳлил қилишига кўра туркумланади [120; 8-б.].

Бугунги кунда методист Қ.Ҳусанбоева томонидан АҚШнинг Блумингтон шаҳридаги Индиана университети талабаларига ўзбек адабиётини уч даражали савол-топшириқлар воситасида ўргатиш борасидаги фаолияти эътиборга лойиқ [59; 35–36-б.]. Таъкидлаш ўринлики, олима томонидан

амалга оширилаётган тадқиқотлар ўзбек адабиётига хорижда қизиқиш ортаётгани, мустақил юрт методистлари тажрибаларининг дунё миқёсида тан олинishi ва оммалашаётгани хусусида ёрқин тасаввур уйғотади.

Изланишлар давомида ривожланган хориж давлатларида масалага қай даражада ёндашилгани ҳам ўрганилди. Аён бўлдики, Европа ва АҚШ каби давлатлар ўқитиш тизимида савол-топшириқлар жойлашиш ўрнига кўра ўзгачароқ: асарни ўқиш давомида (матн ичида) таъкид ва мурожаатлар тарзида келиши, шунингдек, ўқувчи диққатини жалб этадиган кўринишларда жойлаштирилиши билан фарқланади.

Дарслик ва мажмуалардан ўрин олган савол ва топшириқлар қурилиши шаклан бир неча босқичда, мазмунан эса адабиётнинг санъат сифатидаги ўрнини белгилаш, ёзувчи услуби индивидуаллигини текшириш, муайян адиб ижоди тадқиқотчиларини ўрганиш, танқидий фикрлашга йўналтириш, асарда давр руҳининг акс этиши, фаол ўқиш стратегиялари, ўқувчилар фантазияси ҳамда эгаллаган ҳаётий тажрибалари каби омилларга таяниб тузилиши; дизайни замон ва макон нуқтаи назаридан: асарнинг яратилиш тарихи, мазмунига оид шахс, предмет ёки меъморий обидалар тасвирларининг келтирилиши, турли ўлчам ва рангдаги шрифтларда, ҳошиядан ташқарида берилиши билан ноанъанавийлик касб этади (хусусан, Америка Қўшма Штатларининг “MC Dougal littell literature. World literature” [65], Россиянинг “В мире литературы” [94], Украинанинг “Интегрированный курс: Литература русская и зарубежная” [76] дарслик-хрестоматиялари ва ҳоказо).

Россиялик методист олимлар Г.В.Пранцова [113], В.Чалмаев С.Зининлар [128] амалда матн таҳлилининг бир қатор самарали усулларини таклиф этадилар. Булар намунавий режалар; модул-асослар; “таянч” материаллар. В.Чалмаев ва С.Зининларнинг фикрича, таҳлилни қадамма-қадам изчил тарзда амалга оширишга ёрдам берадиган “таянч” материаллар мақсади методик хилма-хил ва айна пайтда, ягона, яъни ўқувчиларнинг аналитик иқтидори ва ижодий потенциалини оширишга қаратилади. Бу

турдаги таҳлил модели вазифаларнинг асосий қисми материалга саволлар шаклида берилишидадир [128; 11–12-б.].

Савол-топшириқлар ўқувчини мутолаага қизиқтириши, фикрлашга ундаши, контекстни тушунишга тайёрлаши, таҳлилга йўналтириши, синтез, баҳо бериш, мавзуни бошқа фанлар, энг муҳими, ҳаётга боғлай олиши нуқтаи назаридан ҳам самаралидир. Шунингдек, бадиий асарнинг тасвир объекти, туйғулар тарбиясини тўла ёритишга, образлиликни тасаввур эттиришга, китоб билан ҳаёт ўртасидаги алоқадорлик хусусида мушоҳада юритишга йўналтиради.

Ўқувчиларнинг китобхонлик кўникмаларини кичик мактаб ёшидан бошлаб шакллантиришга доир оптимал ва рағбатлантирувчи технологияларни таснифлар экан, профессор Н.Эгамбердиева матн устида ишлаш жараёнини ўқишгача, ўқиш давомида ва ўқишдан кейин уч босқичда ташкил этиш самара беришига алоҳида урғу қаратади [55; 8–13-б.]. Бинобарин, ўқитувчи асар матни устида ишлаш давомида ўқувчи фаолиятини конкрет йўналишга солиши, назарий тушунчаларни амалда қўллай олишини кўзда тутиши баробарида матн билан ишлаш босқичларини куйидагича режалаштириши мақсадга мувофиқ:

– ўқишдан олдин (асарга қизиқиш уйғотиш, матн мавзуси ҳақида мушоҳада юритишга йўналтириш, контекстни тушунишга тайёрлаш);

– ўқиш давомида (билиш, тушуниш, таҳлил қилиш, асарнинг муҳим ўринларига аҳамият қаратиш, сўз маъноси устида ишлаш);

– ўқишдан кейин (синтез, қўллаш, баҳо бериш, мустақил ишлар).

Ўқувчиларни бадиий асарларни тушунишга тайёрлаш стратегиялари хусусидаги изланишларида тадқиқотчи К.Жалилов ўз фикрларини В.Грабе, Р.Славин, Р.Бич, Ж.Аллен каби ғарблик методист олимларнинг қарашларига таяниб асослашга ҳаракат қилгани кузатилади. Жумладан, “Когнитив назария ютуқларини ҳисобга олган ҳолда адабиёт дарсларида бадиий матн билан ишлаш ва матнни тушунишга ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган стратегиялардан бири матнни ўқишдан олдин ўқувчида мавжуд бўлган

схемани фаоллаштиришдир. Схемани активлаштиришнинг бир қанча йўллари мавжуд: ўқувчи олдига конкрет мақсадлар қўйиш, ўқиладиган асарнинг моҳиятига боғлиқ саволлар бериш, матнни тушунишга ёрдам берадиган билимларни ёдга олиш, матндаги тушунилиши қийин сўзларни олдиндан ўргатиш” [21; 235-б.].

Йўналтирувчи савол-топшириқлар муаллиф кечинмаларини чуқур идрок этиш, фикрни муайян изчилликда ифодалаш ва асослашга имкон беради. Масалан, умумий ўрта таълим мактаблари 8-синф ўқувчиларига мустақил мутолаага тавсия қилиш мумкин бўлган Шавкат Раҳмоннинг “Иқроқ” шеъри таҳлили жараёнида махсус саволлар-топшириқларга муурожаат қилиш асносида асарда қўйилган асосий масала моҳияти очилиши назарда тутилади (*5-иловага қаранг*). Ҳар қандай матнни сидирғасига ўқиш, кўп ҳолларда, унинг мазмунини юзаки ўзлаштириш билан чегараланишга олиб келиши мумкин. Матнни ўқиш давомида бериладиган савол ва топшириқлар эса ўқувчи ҳис-туйғуларини олдинги танишувда англамаган жиҳатлар билан бойитиши табиий ҳолдир.

Демак, мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга қаратилган савол ва топшириқлар адабиётда мазмун ва шакл бирлиги, бадиий образ хусусиятлари, асар яхлитлиги, мавзу ва ғоя юзасидан мантиқий фикрлашга замин яратади.

Айрим асарлари юзасидан шунчаки фикр юритиш орқали бирор ёзувчи маънавий оламига етарлича баҳо бериб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан олганда, ижодкор характери, дунёқараши ва ҳаётий маслаги яратган асарларидагина эмас, балки замондошлари, яқин инсонларига йўллаган хатлари, юритган кундалиги-ю (Ў.Ҳошимов. “Дафтар хошиясидаги битиклар”) тундаликлари (А.Мухтор. “Уйку қочганда”)га чуқурроқ назар ташлаш орқали янада ойдинлашади. Барча даврларда дунё халқларини қизиқтириб келган эпистоляр намуналар маълум даражада жамият манфаатларини ифодалаш ҳамда муайян соҳа тараққиётига хизмат қилиши билан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Таниқли адиб Муҳаммад Алининг

илмий изланишларида Мовароуннахр, Туркистон, Марказий Осиё тарихига оид масалалар юзасидан рус шарқшуноси, Кембриж университети профессори В.Минорский, америкалик Девин де Вис, мўғулистонлик академик Шагдарин Бира, веналик немис олими Карел Янларнинг ўзбек тарихчиси Б.Аҳмедов билан ўзаро ёзишмалари мисол қилиб келтирилганини таъкидлаш мумкин [104; 29–31-б.].

Ўзбек адабий танқидчилик тарихи хусусида сўз борганда, албатта, Фитратнинг “Ёпишмаган гажаклар (Ўртоқ Ж.Бойбўлатовга очиқ хат)” номли мақоласи тилга олинади. “Ёпишмаган гажаклар” шунчаки ноҳақ бир танқидга жавобгина эмас, – деб ёзади Б.Қосимов “Аллома адиб” номли сўзбошисида, – гўзалликни, чинакам адабиётни англаш, идрок этишдан узоқ нуқтаи назарнинг, олмадан қурт қидиришнинг” (А.Мухтор) жамият ҳаётида тобора куч олаётганини теран ҳис қилиш ва унга қарши исён эди. Нопрофессионализмга, Крилов айтган этикдўзнинг ҳолва пишириб, ҳолвапазнинг этик тикишига қарши исёни эди. Гап шундаки, Ж.Бойбўлатов Фитратнинг ўтмиш адабиёт намуналарини биттама-битта йиғиб, тозалаб, саралаб, изоҳлаб ўқувчига тақдим этишдек оғир ва шарафли ишини душманлик, зараркунандалик ҳисоблаган ва буни адибнинг бутун фаолияти мисолида “исбот” қилишга уринган эди” [61; 20-б.].

Орадан қанча вақт ўтса ҳамки, бугун олимлар “Ёпишмаган гажаклар” хусусида ўз сўзларини айтишдан тўхташгани йўқ. Жумладан, мухолифнинг асоссиз маломатларига Фитратнинг жавоб қайтариш маҳорати, воқеликларни реал баҳолашга чақириғини профессор О.Сафаров Белинскийнинг “Гоголга хат”ига қиёслайди [40; 35-б.]. Шу ўринда ўқувчиларга рус классиклари А.Пушкин, А.Чехов, И.Тургенов, Ф.Достоевскийлар мактубшунослик мактаблари бошқа халқлар адабиётида бу соҳа ривожига сезиларли таъсир кўрсатганлигини етказиш зарур. Хусусан, С.Муқоновнинг А.Толстой, А.Фадеев, К.Федин, Н.Тихонов, В.Шкловский, Л.Соболев, В.Рождественский И.Эренбург, И.Шухов, Н.Фозилов, Ж.Копеев, Ш.Худойбердиев каби замондошлари билан ёзишмалари адиб эпистоляр мероси бой ва ранг-

баранглигидан далолат беради [141; 55-б.]. Улар козок адабиётида ечимини кутаётган долзарб муаммолар ёритилганлиги ва ёзувчининг яратилажак асарларига халқдан маълумот тўплаш услуги эканлиги билан ажралиб туради.

Шахсий ва ижтимоий муносабатларни ифодалашига кўра хатлар турлича гуруҳланади. Немис адабиётининг йирик вакили Ф.Шиллернинг замондошлари Й.Гёте, В.Хумбольт, В.Шлегел, И.Кант, Г.Кёрнер, А.Ифландларга йўллаган хатлари адиб рухий олами, дунёқараши, ижодий услуги, яшаш тарзи, мамлакатдаги сиёсий, маданий ҳаёт, адабий жараён ҳақида ҳам ўқувчида муайян тасаввур уйғотади. Адиб эпистоляр меросини ўрганишда профессор Ш.Каримовнинг хатларни “миллий колоритга бой ранг-баранг реалистик портретлар ва лавҳалар галереяси” [26; 141-б.] деб таърифлаши қанчалик ҳақиқатга яқинлигини эътироф этиш мумкин.

XX аср ўзбек адабиёти хазинасида ёш қаламкашларни ижод сирларини мукаммал ўрганишга рағбатлантирувчи мазмундаги мактублар салмоқли ўрин эгаллайди. Эндигина адабий жараёнга кириб келаётган иқтидор эгаларига А.Қаҳҳор, Ғ.Ғуломдай ҳассос сўз усталари ёзган хатлар уларга келгусида ўз услубларини белгилаб олишлари учун мезон бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, ёзишмалардан миллий адабиёт равнақи ва истиқболи учун қайғурган устоз адибларнинг одамийлик хусусиятлари ҳам ўқувчи тасаввурида жонланади.

Ўзбек адабиётида шахсий ҳаёти ва маънавий фазилатлари билан бугунги кун ўқувчисига ўрнатилган бўла оладиган адиблар кўпчиликини ташкил этади. Жумладан, таниқли ҳикоянавис, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад шундай ижодкорлардан биридир. Умумий ўрта таълим мактаблари 6-, 8-, 10-синфларида ёзувчи таржимаи ҳоли у маҳбуслигида рафиқаси Саида Зуннуновага ёзган мактублар билан узвийликда ўрганилса, шахсиятининг муҳим қирралари, шўролар давридаги муҳитнинг биқиклиги, адибнинг атрофидаги инсонлар билан муносабатлари ҳақида мустақил фикр-мулоҳаза юритишга замин яратилади.

Мактубларни ўрганишда лойиҳа тайёрланиши ўрганилаётган мавзу мазмун-моҳиятини очишга замин ҳозирлайди. Мустақил изланишларни ташкил этишда вазифалар қанчалик аниқ бўлса, ўқувчилар фаолияти шунчалик енгил кечади. Машғулотга қадар ўқувчиларга хатларнинг мавзуси, тузилиши, ғоясини ўрганиш; ундаги бадиий тасвир воситаларини топиш; таассуротларини баён қилиш; ўтган аср ва мустақиллик даври адиблари ижодининг фарқли жиҳатларини белгилаш; имконият даражасида уй-музейлар архивидаги ёзишмалар нусхаларини топиш ва таҳлил қилиш вазифаларини топшириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Манбаларни топишда эса интернет ёки ахборот-кутубхона фондидан фойдаланишга доир тавсиялар берилиб, адабиётлар рўйхати илова қилинади. Вақти-вақти билан топшириқлар ижросининг яқка ёки жамоа тарзида савол-жавоб, суҳбат усулларида назорат қилиниши ўқувчида масъулият, тизимли иш юритиш сифатларини такомиллаштириб боради. Мактублар таҳлиliga оид машғулотлар мақсади мураккаб инсоний ҳис-туйғулар юзасидан мушоҳада юритиш ва муайян хулосалар чиқаришни тақозо этади. Шу боис, ўқувчилардан муаллиф ички кечинмалари акс этган жумлаларга ижодий ёндашишлари талаб этилади. Бинобарин, ёзувчи характер хусусиятлари, тафаккур доираси нафақат асарларида, балки мактубларидаги ҳар бир сўзда ўзининг теран ифодасини топган бўлиши мумкинлигини унутмаслик зарур.

Ёзувчи шахсиятига доир манбаларни ўрганиш матн нафосатини англаш, илмий-бадиий тушунчаларни мустаҳкамлаш ва асар юзасидан ҳал қилувчи сўзни айтишга ёрдам беради. Тадқиқот мақсади, йўналиши ва моҳиятини режага мувофиқ изчил баён этиш, янги ғоялар, далиллар билан исботлаш, асосли хулосалар чиқаришда “Лойиҳавий таълим технологияси”нинг ижобий самара бериши кутилади.

Лойиҳалар муайян вақт оралиғида ўқувчиларнинг юклатилган вазифа юзасидан ахборотлар тўплаш, изланишлар олиб бориш ва тадқиқот натижаларини тақдим этиш билан амалга оширилади. Лойиҳа устида ишлаш жараёни *тайёрлов* (объект танлаш, иш мақсади ва муаммосини белгилаш),

*режаслаштириш* (маълумотлар манбаи, лойиҳа шакли, баҳолаш мезонини аниқлаш), *тадқиқ этиш* (ахборот излаш, муаммонинг муқобил вариантини танлаш), *амалга ошириш* (кўзда тутилган вазифаларни бажариш ва тақдимот тайёрлаш), *тақдимот* (натижаларга изоҳ ҳамда расмий чиқиш) ҳамда *баҳолаш* (лойиҳа бажарилиши, ютуқ ва камчилилар таҳлили) каби бир неча босқичлардан иборат.

Мазкур технологиянинг муҳим хусусияти шундаки, бу жараёнда ўқитувчи асосан эксперт сифатида катнашиб, ўқувчилар фаолиятининг бошқарувчисига айланади. Ҳар қандай лойиҳа мавзуга боғлиқ бўлмаган ҳолда ягона тартибда тузилади ва барча босқичларда натижа аниқ кўрсатилиши мажбурийдир. Эпистоляр намуналар юзасидан лойиҳа тайёрлашнинг афзалликлари шундаки, ўқувчи мавзунини ўрганиш жараёнида муаммонинг моҳиятини очиб беришга киришади, ғояларни тизимлаштириб, тартибга солади. Ўз аспекти доирасида предмет, ҳодиса ва тушунчаларни текширади, қиёслади, зарур мезонларни ишлаб чиқади.

Мустақил мутолаага оид **ижодий топшириқлар** ўқитувчи раҳбарлигида ўқув вазифасини ҳал этишдир. Бу турдаги ишлар ўқувчилар фаолиятини ўрганилаётган мавзу мақсадига боғлиқликда ташкиллаштириш ва амалга оширишни назарда тутди. Ижодий тошириқлар ўқувчининг индивидуаллик, фаоллик ва ташаббускорлик талаб этадиган амалий фаолиятидир. Уларни бажариш усуллариини ўқувчи ихтиёрий танлаши, такомиллаштириши, ўз-ўзини назорат қилиши, баҳолаши ва маълум натижаларни қўлга киритиши билан характерланади.

Адабиётлар билан ишлаш жараёни ўқувчиларда мавзуга алоқадор муаммоларни белгилаш ва далилларни тизимлаштириш, муайян тушунча ёки кузатиш натижаларини гуруҳлаштириш, тўпланган ахборотларни ўзаро қиёслаш ва умумлаштириш, зарур хулосалар чиқариш ва уларни асослаш, ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш кўникма-малакаларини ҳосил қилади.

Ўқувчиларнинг дунёвий билимларни эгаллаш, чет тиллар ёки замонавий касб-хунар сирларини ўрганишга бўлган қизиқишлари ортиб бориши, шунингдек, глобаллашув жараёнлари машғулотларни илғор педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил қилишни талаб этади. Лекин бу анъанавий методлардан тамомила воз кечиш дегани эмас. Зеро, ҳар қандай таълим шакли ёки усули замирида албатта, мустақил тафаккурли шахс тарбиясининг самарадорлиги назарда тутилади. Шу ўринда, эҳтиёж сезилганда анъанавий ва ноанъанавий ўқитиш методларининг зарур элементларини уйғунликда қўллаш ўқувчи интеллектуал имкониятларини оширишга замин яратишини таъкидлаш жоиз.

Сўз санъати асосларини эгаллаш, ёзувчи нуқтаи назари, асар ғоясини чуқур идрок этиш, сюжет ва композицион воситаларни аниқлай билиш, матн моҳиятини очишга йўналтирадиган мустақил ишлар бевосита адабий таълимнинг ижодий ўқиш, изланиш (эвристик), репродуктив ёки тадқиқот методлари доирасида бажарилади. Борлиқ ҳақидаги илк тасаввурлар болада кичик мактаб ёшидан бошлаб турли жанрдаги асарларни ўқиб-ўрганиш жараёнида тадрижий шакллантириб борилиши кўзда тутилса, адабиётни ўрганиш босқичларида хаёлот ва реаллик ўртасида мавжуд тафовут ёки умумийлик, даврнинг долзарб муаммолари, образлар тизимининг турфа қирраларини атрофлича таҳлил қилиш малакаларини камол топтириш каби масалаларга эътибор қаратилади.

Билимларни ўзлаштириш: ўқувчини бадиий асар, адабий-танқидий мақолалар моҳиятини ёритишга қаратилган саволлар тузишга ўргатиш; таҳлилга йўналтирадиган топшириқлар ишлаб чиқиш; мустақил ишлар мавзусини белгилаш; қаҳрамонлар образи ва воқеа-ҳодисаларни ўзаро қиёслаб фикр юритиш; турли мавзуларда суҳбат, баҳс-мунозаралар уюштириш каби фаолият турларини ўз ичига қамраб олади. Гарчи қайд этилган иш усуллари бугунги кунда янгилик саналмаса ҳам адабий таълим мазмунини ахборот технологиялари воситасида ноанъанавий тақдимотлар ўтказиш, интернет тизимида мулоқотлар ташкиллаштиришга доир дастурлар

тузиш, китоб мутолаасига қизиқиш уйғотувчи портфолиолар яратиш вазифаларини киритиш билан янада бойитиш мумкин.

Маълумки, хорижий давлатлар ўқитиш тизимида портфолио таълим мақсадларини белгилашнинг муқобил шаклларида бири сифатида эътироф этилади. Таълим мақсадини белгилашга бундай ёндашув эса жамият тараққиётидаги реаллик талабларига тўла жавоб бериши жиҳатидан самаралидир. Азалдан Шарқда ўз устидаги илмий-ижодий изланишларни изчил тизимлаштириш борасида бой тажрибалар орттирилган бўлиб, улар Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, аз-Замахшарий каби улуғ алломаларнинг нодир асарлари ва оламшумул кашфиётлари дунё юзини кўришига дастуруламал вазифасини ўтаган, дейиш мумкин.

Бугунги кунда дунё халқлари орасида портфолио номи билан кенг оммалашган баёз, девон тузиш, китобат санъати тарзидаги аждодларимизнинг бой илмий-ижодий анъаналарининг замонавий шакллари яратиш механизмлари И.Ражабова, С.Мусаева, Ў.Тоҳиров, Г.Боймирзаева каби тадқиқотчилар мақолаларида таълим олувчиларнинг ўқув-билув фаолияти, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилиши нуқтаи назаридан ёритилганини кузатиш мумкин. Хусусан, портфолио И.Ражабова томонидан ўқув материалларининг ўзлаштирилганлик даражасини турли жиҳатдан аниқлаш, таълимни индивидуаллаштириш ва дифференциялаш, ўқувчида ютуққа интилиш туйғусини шакллантиришнинг самарали йўли сифатида тавсифланса [114; 65-б.], касб портфолиосига хос муҳим хусусиятлар Ў.Тоҳировнинг изланишларида алоҳида таҳлилга тортилганини кузатиш мумкин [46; 18–20-б.].

Ўқув портфолиосининг шакл ва мазмунига доир индивидуаллик С.Мусаева томонидан атрофлича ўрганилган [31; 4–9-б.]. Тадқиқотчи Г.Боймирзаева тўғри таснифлаганидек, портфолио фойдаланиш мақсади ва вазифаси, материаллар характери ва тузилмаси, яратилиш жараёни,

ахборотларни қайта ишлаш ва тақдимот қилиш, ўқув предметлари кесимида, фаолият субъекти бўйича фан ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига кенг татбиқ этилади [17; 24–25-б.].

**Портфолио** – ҳужжатлар ёки муҳаррирлик портфели, ютуқлар жамғармаси, ўз-ўзини баҳолаш усули сифатида муайян соҳа мутахассиси имкониятларини белгилаш, иш фаолиятини баҳолаш, касбий ривожланиш динамикасини кузатиш, қобилиятларини намоён этиш воситаси. Шахсий жамланма ёки ҳисобот учун тайёрланадиган портфолионинг (қоғоз ёки электрон версиядаги) шаклан ва мазмунан ранг-баранг, мукамал тарзда яратилиши муаллифнинг дунёқараши ва салоҳиятига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Табиийки, электрон ҳужжатлар портфели таркибини мавзуга оид аудио, видеоёзувлар, фотосурат ёки фильмлардан лавҳалар билан янада кенгайтириш манбаларнинг оригиналлиги, хилма-хиллиги ва ишончлилигига хизмат қилади.

Бўлим ва саҳифаларни файллар папкаси тарзида номлаш, ҳужжат ёки материаллар танланмаларини алоҳида файлларга киритиш, динамикани белгилаш учун натижаларни маълум кетма-кетликда қайд этиш портфолио яратишнинг оптимал вариантыдир. Портфолио тузишнинг ягона стандарти ёки қатъий талаби ўрнатилмаган. Фақат таркибан шакллантиришда иш мазмунига оид йўналишларни белгилаш ва лойиҳалаштириш; мақсад ва вазифаларни режалаштириш; долзарб ва муҳим мавзуларни танлаш; материалларни узвийлик ва изчилликда жойлаштириш; изланишларни илмий асослаш ва муайян шаклда расмийлаштириш; кўшимча адабиётлар ва иқтибосларга оид иловалар бериш; ижро мониторинги ўтказиш вазифалари кўзда тутилади.

Ҳужжатлар йиғма жилдини таълим берувчи ва таълим олувчи ўз фаолиятида бирдек жорий этиши мумкин. Ўқитувчи касб портфолиоси кўрик-танловлар, синфдан ташқари машғулотлар, методбирлашма йиғилишларига оид режа, дастур, лойиҳа ва ишланмалар, эълон қилинган илмий мақолалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, кўргазма ва дидактик

материаллар, кузатилган тадбирларга билдирилган таклиф ва тавсиялар, самарадорлик кўрсаткичи ҳамда келгусидаги вазифалар мазмунидан иборат бўлиши мумкин.

Ўқувчиларнинг китобхонлик даражасини оширишда портфолио методига мурожаат қилиш, асосан, мустақил ўқиш, ижодий ишларни тизимли йўлга қўйиш, мутолаа қилинган бадиий асарлар юзасидан хулосаларини ифодалаш имконини беради. Хужжатлар портфелида ўқувчининг тафаккур тарзи, ижодий фаоллиги ҳамда вазифага муносабати акс этади. Ўқувчининг ўзи ҳақидаги маълумотлардан ташқари олиб борилган тадқиқотчилик ишлари мазмуни ва хулосалари хужжатлар йиғма жилдининг асосини ташкил этади.

Портфолио яратиш маълум вақт талаб қиладиган мураккаб жараён бўлиб, ўқувчини ўз ютуқлари, қизиқишлари, истиқболдаги режалари ҳақида ҳикоя қилишга йўналтиради. Мақсадига кўра портфолионинг иш, мавзувий, демонстрацион, рефлексив, тақдимот, ютуқлар каби турлари мавжуд бўлиб, китобхонлик даражасини оширишда мавзувий портфолио яратиш самарадорлиги билан ажралиб туради.

Мустақил мутолаага оид хужжатлар портфели қуйи синфлардан бошлаб юритиладиган китобхон кундалигининг кенг қамровли ва такомиллашган кўринишидир, десак хато бўлмайди. Мавзувий портфолио шакл ва мазмун жиҳатидан ўзбек, қардош ва жаҳон халқлари адибларининг умр йўли, фаолияти, шахсияти ва ҳаётининг маслага ҳақидаги мулоҳазалар; асарнинг тўлиқ ёки маълум бўлими услуби, тил хусусиятлари, образлар тизимининг характер хусусиятлари; адабий материалга оид иншо, таассурот, тақриз, мақола ва маърузалар шаклидаги ижодий ишлар; сўнгги нашрлар билан боғлиқ маълумотлар ёритилган бўлим ва саҳифалардан шакллантирилади.

Маълумки, психология фани ёш хусусиятлари ёки билиш жараёнларининг ривожланганлик даражасига таяниб иш кўрса, методика илми ўқитувчидан ўқувчи эътиборини маълум йўналишга қаратиш,

фаолиятини тартибга солиш, назорат қилиш, мавзуга оид тадқиқотлар олиб бориш, шахсий нуқтаи назарини аниқ далиллар билан исботлаш юзасидан тегишли йўл-йўриқлар кўрсатишни тақозо этади.

Адабиёт ўқитишда мавзувий портфолио яратиш ўқувчида асарнинг ғоявий-бадий мақсади, образнинг умумлашмалиги, индивидуаллиги, эстетик таъсирчанлиги, шунингдек, муаллиф услуби ҳақида мушоҳада юритиш кўникмасини ривожлантириш борасида маълум қонуниятга бўйсунди. Бадий асардаги лиризм, психологизм ва чуқур драматизм, халқчиллик, миллийлик ва умуминсонийлик, ўткир сюжет, конфликтлар ёки такрорланмас характерлар ҳақидаги қарашлар баёнига оид талабнинг кўйилиши муайян адабий-назарий билимларни ўзлаштиришга боғлиқ бўлиб, таълимда илмийликни ёқлайди.

Адабий таълимда бирор шоир ёки ёзувчи умрбаёни юзасидан портфолио яратиш маълум мақсад ва йўналишга асосланади. Масалан, 9-синфда буюк ёзувчи Ч.Айтматов ижоди, хусусан, “Тоғлар қулаётган замон” асари [62]га доир саҳифани шакллантиришда муаллифнинг фольклор анъаналари ва реалистик проза имкониятларини қўллаш маҳорати, қадимги мифлар ва мифологик образларни қайта ишлашдаги новаторлиги, рус ва Европа насрининг илғор тажрибаларини уйғунлаштириш асосида ўзига хос мактаб яратиши, асарлари тилининг ўзига хослиги назарда тутилиши эътиборга молик. Ёзувчи ижодхонаси ёки адабий материал тадқиқига оид мавзувий портфолио яратиш бадийлик, образлилик, образ, ёзувчи маҳорати, ғоявийлик ҳақида муайян тушунча ҳосил қилиш ҳамда ҳаётнинг бадий умумлашма қиёфасини чуқур идрок этишга ёрдам беради.

Хулоса қилиш мумкинки, эҳтиёж ёки қизиқишлари доирасида портфолио яратиш усули таълим олувчида мақсад сари интилиш, илк касбий кўникмаларни камол топтириш, белгиланган давр оралиғида муайян изланишларни тизимли амалга ошириш ва самарадорликка эришиш, ижодий фаолиятдаги ўсиш ёки пасайиш даражасини аниқлаш, яратувчанликка руҳлантириш, келгусидаги вазифаларни режалаштиришга хизмат қилади.

Адабий таълимнинг ижодий ўқиш методида ўқувчиларнинг матни идрок этиш, тафаккурини ривожлантиришга қаратилган топшириқларга алоҳида ўрин ажратилади. Бу турдаги ишларни ташкил этиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин.

**Елимлаш.** Бу усулнинг ўзига хослиги дoston, қисса, роман, драма каби йирик ҳажмли адабий асарларнинг қисмлари, эпизодлари ва парчаларининг ёки ёзувчи ижодининг лейтмотивини белгилашда, матннинг ғоявий-бадий моҳиятини очишга йўналтирилган деталларнинг уланиши билан белгиланади. Натижада янги “матн”, “боб” ёки “образ”лар ҳосил қилинади. Масалан, 7-синфда Чўлпон асарларини ўрганишда унинг ижодий мероси асосини ташкил этувчи инсон шаъни, ҳақ-ҳуқуқлари, юрт озодлиги, ободлиги ҳар қандай бойликдан устунлиги Эрк ва Хуррият образлари орқали умумлаштирилиб, Бинафша ёки Гўзал кўринишида талқин этилишини намуна тарзида изоҳлаш мумкин.

**Ўхшатиш.** Мавжуд намуналарга нимаси биландир ўхшаб кетадиган образ, матн ёки вазият ҳосил қилинади. Жумладан, бунда Навоий “Хамса”сидаги Жунанинг яшиндан ҳам тез ҳаракатланадиган “Сариюс сайр” улови самолёт ёки тезюрар поездларни, Искандар олимлари кашф қилган сирли қурол портлатувчи бомбалар тасвирини ифодалаш ҳақидаги фикрлар баён этилиши кўзда тутилади. “Садди Искандарий”да Хитой ҳоқони Искандарга тухфа этган “Оинаи Чин” кўзгуси автоулов бошқараётган шахснинг алкоғолли ичимлик истеъмол қилгани ёки аксинчалигини аниқлаш мосламасига ўхшаб кетиши борасидаги ўхшатишлар талқин қилинади. Масалан, “Сабъаи сайёр” достонидаги “Иккинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофир ҳикояти”даги Зайд захҳоб ясаган тахт замонавий эскалатор ёки лифтнинг Навоий орзусидаги кўринишидир. “Бу ғаройиб тахт саккиз пояли бўлиб, тўрттаси юқорироқда, яна тўрттаси пастроқда эди... Дуру лаъллар билан безатилган бу тахтнинг зинаси ҳам саккиз пояли бўлиб, шундай ишланган эдики, шоҳ тахтга чиқмоқчи бўлганида, у поялар пасайиб устма-уст тахланар, кадам босгач, у поялар кўтарилиб, шоҳ тахт устига чиқар,

...шоҳ қайси томонга юрмоқчи бўлса, тахт салгина ишорат билан юра бошларди” [64; 266–267-б.].

**Инсонийлаштириш** табиат ҳодисалари ёки мавҳум тушунчаларнинг инсон образида тасаввур қилинишини англатади. Масалан, А.Мухторнинг “Ниҳол” [66; 10-б.] шеъридаги гурсиллаб йиқилганидан, таг томирларигача кўпорилган кекса қайрағоч – умри поёнига етган чол, унга тиргак бўлишга интилган навниҳол эса авлод ворисларининг рамзий ифодаси сифатида шарҳланиши мумкин.

**Типиклаштириш** турли асарларда кўп бора такрорланадиган, кенгрок тарқалган персонажлар, вазиятларнинг ўхшаш жиҳатларини асослаш бўлиб, Ойбекнинг “Навоий”, Омон Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” романларидаги буюк сиймога хос инсонийлик, олийжаноблик хислатлари ва хайрли амаллари тавсифланиши бунга ёрқин мисолдир.

**Қиёслаш.** Бунга турли ёзувчилар томонидан айнан бир характер тасвирини очиб бериш, муштарак ёки қарама-қарши жиҳатларини солиштириб мушоҳада юритишни мисол қилиб келтириш мумкин. Қиёслаш муайян мақсадга йўналтирилган ва режали асосда бўлиши керак. 9-синфда О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романини [81] мустақил ўрганишда П.Қодиров (“Гавҳаршодбегим”) [138] томонидан яратилган тарихий шахс Гавҳаршодбегим образини солиштириш қиёслашга мисол бўла олади. Она малика сиймосига “Гавҳаршодбегим” асаридаги холисона муносабат таҳлилида ҳар икки асар яратилган давр сиёсати ва мафкураси турлича бўлгани диққат марказида туришини унутмаслик муҳим.

Қиёслаш бу ўринда Гавҳаршодбегимни невараси назаридаги бағритошлик сифатларидан соқит қилса, Абдулатиф феъл-атворидаги курсурларнинг қай йўсинда фожиага олиб келганлигини ўқувчилар тасаввурида маълум даражада ойдинлаштиради. Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, ахборотлар ёки далилларни қиёслаш муайян боб ёки бўлимлар якуни, мавзуга оид факт, тушунча ва

жараёнлар анализ-синтезида фойдаланиш, адабий таълимда қаҳрамонларнинг умумий ва қарама-қарши жиҳатларини солиштиришда тавсия қилинади.

Асар сюжетидаги муҳим ҳолат ва қаҳрамон ҳаётининг бурилиш нуқталарини аниқлаш; табиат манзаралари, персонажлар хатти-ҳаракатларини тавсифлаш; тенгдошлари билан мактублар орқали ўзини ҳаяжонга солган лавҳалар юзасидан фикрлашиш; мавзуга оид мақолалар тайёрлаш, таассуротлар асосида эсселар яратиш, бошланиши берилган ҳикояларни давом эттириш; тенгдошлари ижодий ишларига тақризлар уюштириш орқали муайян хулосалар шакллантирилади.

Бадиий асарларни ўрганишга технологик ёндашув асосида мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш мазмуни: *(б-иловага қаранг)* янги материални ўзлаштириш, билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш; ақлий меҳнат билан боғлиқ кўникма-малакаларни ривожлантириш; ижодий имконият ва қобилиятларни намоён қилиш; жамиятдаги муносабатларга нисбатан шахсий қарашларни ифода этиш ҳамда вазифага масъулият ҳиссини тарбиялашга хизмат қилади.

## **II боб юзасидан хулосалар**

Тадқиқотнинг иккинчи бобида қаламга олинган масалалар юзасидан куйидаги хулосаларга келинди:

1. Таълим-тарбияга технологик ёндашув ва лойиҳалаштириш ўқувчиларда матн устида ишлаш, кузатиш ва изланишлар асосида муайян мезонлар ҳамда турли адабий ҳодисаларни солиштириш натижасида вужудга келадиган даврий алоқалар тизимини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Китобхонлик маданияти такомилида ўқув-тарбия ишларининг барча турларини интеграциялашган ҳолда ташкил этиш орқали ўқувчида ўзлигини англаш, интеллектуал имкониятларига ишониш ва намоён қилиш сифатлари тарбияланади. Ўз-ўзига ишонч ўқув-билув фаолиятига танқидий муносабат,

баҳолаш, талабчанлик, қизиқиш ва эҳтиёжларни қондириш, ёт ғояларга қарши кескин курашиш кўникмаларига эга бўлганликда ойдинлашади.

2. Виртуал лабораториялар воситасида ахборотлар узатиш оғзаки баён этиш усулидан кўра анча юқори натижани кафолатлайди. Ўқувчининг кўргазмали ахборотлардан таъсирланиш даражаси анъанавий ахборот етказишга нисбатан бир неча марта тезроқ рўй беради, маълумотларни ўзлаштиришга кам вақт сарфланади. Кўргазмали ахборотларнинг натижаси ўқувчиларнинг бадий-эстетик тафаккури ривожига кучли таъсир этади, тасаввур ҳосил бўлишини анча тезлаштиради ҳамда ўқув мазмуни, ДТС талабларини тўла ўзлаштиришни кафолатлаши билан белгиланади.

Виртуал лабораториялар фанни мавзулаштирилган овозли дастурлар, ҳаракатли ёзувлар, мультипликацион фильмлар, анимациялар билан комплекс ўзлаштиришни таъминлайди. Анъанавий (матн, жадвал, безак) ва оригинал (муסיқа, анимация, теле ва видеофильмлардан кадрлар) ахборот турларини яхлит дастурий маҳсулот сифатида мужассамлаштириши билан характерланади.

3. Изчиллик ва узвийлик тамойиллари, илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар воситасида ташкил этиладиган факультатив машғулотлар адабий таълим мазмунини илғор инновациялар асосида бойитади, синф ва синфдан ташқари ишлар ўртасидаги боғлиқликни янгича йўналишда такомиллаштиради. Бу турдаги машғулотларда бадий асарни дарсда ўрганиш жараёнида очилмай қолган қирралар хусусида мулоҳаза юритиш тақозо қилинади. Ўқувчиларда англаш фаолиятини ҳосил қилиш, адабий материални онгли ва чуқур идрок этиш йўл-йўриқлари кўрсатилади.

4. Савол-топшириқлар: мазмун ва шакл узвийлиги ҳақидаги назарий тушунчаларни эгаллаш; сюжет қисмлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш; композицион воситаларнинг асар яхлитлигини таъминлаш; асар тили ҳаётни бадий акс эттириш ҳамда образ яратиш воситаси эканлигини англаб этиш,

шунингдек, тасвирий-ифодавий воситаларнинг асар мазмунини очишдаги вазифасини идрок этиш кўникма ва малакаларини шакллантиради.

Асар таҳлилига доир савол ва топшириқлар ўқувчиларни адабий фактлар юзасидан хулосалар чиқариш, маълумотларни умумлаштириш орқали фикрлашга йўналтиради, изланиш фаолиятини йўлга қўяди, олинган янги ахборотларни шу хилдаги мавжуд билимлар билан қиёслашга ўргатади.

5. Мактубшунослик ёзувчи юзма-юз айтмаган, айтолмаган фикрларнинг берилиши, шунингдек, жамиятдаги муносабатларга нисбатан шахсий қарашларни ифода этишга имкон бериши нуқтаи назаридан алоҳида ўрганишга лойиқ жанр намунаси дир. Мустақил ва соғлом тафаккурли, ўз маслагада собит авлод тарбиясида эпистоляр жанр намуналарини ўрганиш ўқувчиларнинг шахс сифатида ўз-ўзини тарбиялаш компетенциясини камол топтиради.

6. Ижодий топшириқларни тизимли ташкил этиш мутолаа маданиятининг барқарор ривожланишини таъминлайди. Ўқувчиларда соғлом рақобат, илмий-ижодий ҳамкорлик ва яратувчанлик муҳитининг ҳосил бўлишига замин яратади. Бу турдаги ишларнинг креатив ва илмий характерда бўлиши ўқувчиларнинг сўз санъати сирлари, ҳаёт қонуниятлари ҳақидаги тасаввурларини фаоллаштириш ва кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ижодий топшириқларга технологик ёндашув фикрни изчил ифодалаш, манбаларни таҳлиллаш, умумлаштириш, таққослаш, хулосалаш каби тафаккурнинг бир бутунлигини юзага чиқаради. Шунингдек, ўқувчиларнинг борликни, ҳаётий ҳодисалар моҳиятини объектив баҳолаш, ён-атрофда содир бўлаётган ўзгаришларга холис муносабатда бўлиш ҳамда ўзлаштирган билимларини маълум тартибга солиш малакасида ўз аксини топади.

Хулоса қилиш мумкинки, ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга доир ёндашувлар “Баркамол китобхон-ўқувчи” модели (2.2-расмга қаранг)ни яратишга асос бўлади.



2.2-расм. “Барқамол китобхон-ўқувчи” модели

### **III БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ**

#### **3.1-§. Ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари мазмуни**

Ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга юксак ишонч руҳида тарбиялашда таълим мазмуни ва сифатининг халқаро талабларга мувофиқлигини ошириш, юксак малакали кадрлар тайёрлашда фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига таяниш, фан бўйича эгалланган малакалар даражасини назорат қилиш ва баҳолашда ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданияти ҳамда бадиий-эстетик тафаккурини шакллантириш адабий таълим олдидаги долзарб вазифалардандир. Шу боис, “мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялаш” [9; 120-б.] мақсади китобхонлик маданиятини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Шунга кўра, ўқувчиларининг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар мазмуни ДТС ва дастур талаблари асосида белгиланиб, амалиётга татбиқ этилди. Тадқиқотга оид тажриба-синов ишларининг биринчи босқичи (2012–2014 йиллар)да мавзуга дахлдор фалсафий, психологик, педагогик ва методик адабиётлар ўрганилди. Иккинчи босқич (2015–2017 йиллар)да муаммо юзасидан Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 31-, 44-, Наманган вилояти Чуст туманидаги 21-, Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 4-мактабларда тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Тажриба гуруҳида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга доир инновацион лойиҳалар, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, мультимедия воситаларини татбиқ этиш юзасидан методик тизимга асосланган тадқиқот ишлари олиб борилди. Назорат гуруҳида эса

анъанавий ўқитиш тизимига таянилди. Тажриба-синов ишларининг баҳоловчи-яқунловчи-асословчи босқичда фойдаланилган сўровнома, суҳбатлар қайта ўтказилиб, тажриба аввали ва сўнгидаги натижалар қиёсий таҳлил этилди. Учинчи босқич (2017–2018 йиллар)да илмий-тадқиқот ишлари умумлаштирилди ва диссертация ҳолатида расмийлаштирилди.

Дастлабки тажриба-синов ишлари жараёнидаги суҳбатлар, кузатишлар, сўровномалар натижаларидан сўнг мактабларда мустақил мутолаа масаласига етарлича эътибор қаратилмаслиги, синфдан ташқари машғулотларнинг мақсадли ва тизимли ташкил этилмаслиги, асар мутолаасига доир тавсия ва тарғиботлар олиб борилмаслиги, мутолаага раҳбарлик ва назоратнинг йўқлиги, кутубхоначилар ва фан ўқитувчилари орасидаги ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаганлиги, кутубхоналар фондида зарур адабиётларнинг етишмаслиги каби қатор муаммолар аниқланди.

Тажрибалар давомида мустақил мутолаа ва синфдан ташқари ишлар илмий-методик жиҳатдан тўғри ташкил этилмас экан, мутолаа маданиятини талаб даражасида шакллантириш мумкин эмас, деган хулосага келинди.

Ўрганилган муаммолар асосида ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини шакллантиришга доир механизм ишлаб чиқилди. Мазкур механизм таркибан мутолаага бўлган эҳтиёж ва мойилликлар асосида аниқланган адабиётлар рўйхати, китоб тарғиботи ҳамда мустақил мутолаани ташкил этишга доир чора-тадбирлар, тавсия қилинган асарлар мутолаасига белгиланган вақтнинг режалаштирилиши (жадвалга мувофиқ чорак, ой, ҳафта, кунлар кесимида) кабилардан шакллантирилиб, ҳар чорак якунида натижалар сарҳисоб қилиб борилди.

Тадқиқот аввалида қуйидаги анкета саволлари асосида ўқувчиларнинг китобхонлик кўникма ва малака даражалари аниқланди:

1. Қайси шоир ва ёзувчиларнинг асарларини ёқтириб ўқийсиз?
2. Ўзингиз севиб, қайта-қайта ўқийдиган асарларингиз борми?
3. Дарсда айрим боблари ўрганилган қайси асарлар билан тўлиқ танишиб чиққансиз?
4. Ўқитувчингиз томонидан тавсия қилинган қайси асарларни ўқигансиз?

5. Мустақил ўқилган асарлар юзасидан қандай ижодий ишлар ёзгансиз?

6. Мактабингизда адабиётдан қандай тўғараклар фаолият юритади?

7. Синфдан ташқари ўқиган асарларингиздаги бирорта қаҳрамонни тавсифланг.

8. Сўнги бор ўқиган асарингиз юзасидан таассуротларингизни айтинг.

9. Қайси фан ўқитувчиси мустақил мутолаага тавсия этади?

Жавоблардан қуйидагилар маълум бўлди:

– ўқувчилар фақат дарсликда берилган асарлар муаллифлари билан яхши таниш;

– ўзлари севиб такрор-такрор ўқийдиган асарлар рўйхати фақат “Шум бола”, “Сариқ девни миниб”, “Ўткан кунлар” асарлари номлари билангина чегараланиши ўқувчиларнинг фақат дарсликдаги асарлар мутолааси (унда ҳам тўлиқ мутолаа амалга ошмаган, асар ва фильм сюжети аралаштириб юборилган) билан чекланишини кўрсатди. Айнан юқори синф ўқувчилари жавобларида мустақил ўқилган, ҳаёт ҳақида мушоҳада қилишга йўналтирувчи асарлар умуман учрамади;

– кам сонли ўқувчиларгина “Ғунча”, “Булоқча”, “Гулхан”, “Тонг юлдузи” каби нашрлардаги маълумотлар, лавҳалар ва кичик эпик жанрга мансуб асарлар мутолааси билан кифояланган;

– муайян жанрдаги асарларни ўқишга мойиллик давлат таълим стандартида белгиланган талаблар даражасида шаклланмаган;

– бирор ижодкорнинг дарсликдан ташқари ва дарсликда берилган асарларининг тўлиқ мутолааси деярли тилга олинмаган;

– мустақил мутолаа учун ўқитувчи томонидан тавсиялар амалга оширилмаган;

– адабиёт тўғараклари талаб даражасида фаолият юритмаслиги маълум бўлган;

– баён, иншо каби дастурда белгиланган назорат турларидан ташқари бошқа ижодий ишлар ёзилмаган, жумладан, адабий қаҳрамонларга тавсифномалар қайд этилмаган;

– сўнги бор ўқилган асарлар рўйхатида дарсликка киритилмаган адиблар ижодидан намуналар умуман учрамайди.

– адабиёт ўқитувчисидан ташқари бошқа фан ўқитувчилари ўз соҳаларига оид бирорта асарни тавсия этмаган.

Тадқиқот объекти бўлган туман “Маҳорат мактаби” семинар ва йиғилишларида она тили ва адабиёт ўқитувчиларига қуйидаги мазмундаги анкета саволлари билан муурожаат қилинди:

1. Мактабингизда кутубхона фондини бойитиш мақсадида қандай чора-тадбирлар белгиланган?

2. Кутубхоначи ва ўқитувчи ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилганми?

3. Ўқувчиларни бадиий адабиётга қизиқтириш борасида ота-оналар билан қандай тарғибот ишлари олиб борасиз?

4. Ўқувчиларнинг китобхонлик малакасини синфдан ташқари қандай ишлар воситасида амалга оширасиз?

5. Мустақил мутолаани қандай тамойиллар асосида ташкил этасиз?

6. Ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришда қандай метод ва технологияларни қўллаш кўпроқ самара беради, деб ўйлайсиз?

7. Китоб мутолаасига қизиқтиришда қайси хорижий давлатларнинг тажрибаларига суянасиз? Миллий ўқитиш тизимидаги қайси анъаналардан унумли фойдаланасиз?

Ўқитувчиларнинг фақат китоб марафонлари ташкил этиш, адабий кечалар ўтказишга кўпроқ эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги жавобларидан маълум даражада қаноат ҳосил қилиш мумкин. Бошқа саволларга деярли қўтилган натижалар олинмади.

Тадқиқот давомида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш юзасидан белгиланган мақсад ва вазифалар асосида қуйидаги натижаларга эришилди:

I. Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар ва унга раҳбарлик қилишига доир механизм асосида мутолаа маданиятини шакллантириш технологияси *(3.1-расмга қаранг)* ишлаб чиқилди.



**3.1-расм. Ўқувчиларнинг мустақил мутолаасини ташкил этиш технологияси**

– синфлар кесимида ўқувчиларнинг қайси тур ва жанрдаги асарларни ўқишга қизиқишлари ўрганилиб, мустақил мутолаа дастурлари тузилди;

– мустақил мутолаа мазмуни дастурда кўрсатилган асарларнинг тўлиқ матни, айнан шу ижодкорларнинг дастурда келтирилган асарларидан бошқа намуналарни ҳамда дастурга киритилмаган адиблар ижодини қамраб олди;

– режада белгиланганидек, мақсадли равишда ўқитувчиларга ўз фанлари доирасида китобларни тавсия қилиш таклифи берилди ва муайян натижалар олинди;

– адабиётларни топиш муаммоси мактаб маъмурияти, кутубхоначи, ота-оналар ва тадбиркорлар хомийлигидаги марафонлар тарзида ижобий ҳал қилинди;

– педагогик ва АКТдан фойдаланиш тажрибаларига таяниб, мустақил мутолаа дастури асосида ўқитувчиларнинг ўзлари томонидан мўъжаз мажмуалар яратилиб, ўқувчиларга етказилди;

– мустақил ўқилган асарларни назорат қилиб бориш юзасидан чоратадбирлар белгиланди. Бунда синфлар кесимида дастурда кўрсатилган асарларни ўқиб-ўрганишга оид жадвал тузилди (3.1-жадвалга қаранг) ва натижалар қайд қилиб борилди (адабиётлар ўқувчи ёш хусусияти ва ўқув жараёни ҳажми, кун тартиби ва режага кўра ҳар куни неча соат, қанча бетдан ўқиш асарнинг тур ва жанри бўйича белгиланди). Матн устида ишлаш жараёнида адабий таълим мазмунидан кўзда тутилган сюжетни ҳаракатга келтирувчи психологик, ижтимоий ва шахсий конфликтларни гуруҳлай олиш, қаҳрамонларнинг характерли жиҳатларини ажрата билиш, бадиий асар тилининг таъсирчанлигини аниқлаш, шахслараро муносабатларни баҳолаш, асарда акс этган воқеликни даврга боғлай олиш каби мезонлар белгиланди.

3.1-жадвал

**Дастурда кўрсатилган турли жанрдаги асарларнинг синфлар кесимида ўқиб-ўрганилиши**

Чораклар кесимида	Тавсия қилинадиган адабиётлар (ўрта ҳисобда)						Вақт тақсимооти	Муҳокама муддати	Ижро мониторинги
	илмий-сиёсий	публицистик	бадиий	луғатлар	қомуслар	даврий нашрлар			
I чорак	1		2		1	3–4	<i>режа асосида</i>	(04–09.XI оралиғида)	Таҳлил
II чорак		1	2	1		2–3	<i>режа асосида</i>	(28.XII–10.I оралиғида)	Таҳлил
III чорак	1		3		1	4–5	<i>режа асосида</i>	(21–27.III оралиғида)	Таҳлил
IV чорак		1	2	1		3–4	<i>режа асосида</i>	26–31.V оралиғида)	Таҳлил
Ўқув йили давомида	2	2	9	2	2	20	<i>режа асосида</i>	01–10.VI оралиғида)	Таҳлил

Ўқувчиларнинг чорак давомидаги китобхонлик даражаси ўқитувчи томонидан юритилган мутолаа журнали ва намунадаги 3.1-жадвал асосида умумлаштирилиб (3.2-жадвалга қаранг) таҳлил қилиб борилди (мониторинг ўқувчиларнинг мутолаа кундалиги мазмуни асосида ўтказилди).

3.2-жадвал

**Ўқувчиларнинг китобхонлик даражаси мониторинги (намуна сифатида бир ўқувчи фаолияти танлаб олинди)**

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактаб 7-“А” синфи мисолида (ўқув йили)						
№	Ўқувчи (ФИО)	Мутолаа қилинган асарлар (номи, сони)	Мутолаа қилинмаган асарлар (номи, сони)	Ижодий ишлар (номи, сони)	Мониторинг натижаси (самарадорлик % ҳисобида)	Синф бўйича ўрни
1	Ахроров Ақобир	А.Қаҳҳор. “Минг бир жон”, Х.Тўхтабоев. “Беш болали йигитча”, Ш.Раҳмон шеърлари (4 та)	Синьити Юки. “Хазон қоплаган боғ” (1 та)	Ў.Ҳошимовнинг “Янга” хикояси асосида эссе, Ў.Мирзаёрнинг “Қўноқ” хикоясига аннотация (2 та)	83 %	5
<i>Жами:</i>		Сухбат, савол-топшириқлар асосида аниқланади	Сухбат, савол-топшириқлар асосида аниқланади	Назорат ишлари асосида аниқланади	Назорат яқунлари асосида аниқланади	Натижага кўра белгиланади

Синфлар мониторингидан мактаб ўқувчиларининг китобхонлик даражаси келиб чиқди. Бунда ўқув йили давомида мутолаа қилинган ва қилинмаган асарлар, ижодий ишларнинг бажарилиш ҳолати мониторинг қилиниб, муайян синфнинг мактаб бўйича ўрни белгиланди.

– мустақил ўқилган асарлар юзасидан ижодий ишлар яратиш доираси кенгайтирилди ва ўқувчиларнинг бир-бирлари билан мактуб орқали фикрлашиш анъанаси йўлга қўйилди. Шеър, хикоя, мақола, тақриз, аннотация каби ижодий ишлардан намуналар синф, мактаб деворий газеталари ҳамда туман матбуот саҳифаларида эълон қилинди;

“Ассесмент” технологияси асосида “Мутолаа сабоқлари” курси тингловчиларининг фаолияти ўрганилди. Жумладан, курснинг катта ёшлилар гуруҳи (9-синф)да америкалик адиб Уильям Фолкнернинг “Айик” [126; 22–9-б.] қиссасидаги ҳаётӣ ва бадий ҳақиқатни англаш кўлами “Ассесмент” жадвалидан фойдаланиб (3.3-жадвалга қаранг), баҳоланишига эришилди.

3.3-жадвал

**Уильям Фолькнернинг “Айик” қиссаси мутолааси юзасидан  
“Ассесмент” технологияси**

<b>Тест саволлари</b>	<b>Муаммоли вазиятлар</b>
<p>1. Ёзувчи Айик образи замирига қандай жараённинг муқаррар ва аста-секинлик билан ўз таъсирини кўрсатишини сингдиришга уринган?            А. Ваҳшийликнинг.            В. Қарилликнинг.            С. Тирикликнинг.            D. Масъулият ҳиссининг.</p> <p>2. Қисса хотимасидан қандай хулоса шаклланади?            А. Анъанавий қадриятлар жамиятда устувор аҳамият касб этади.            В. Инсон табиатнинг узвий қисмидир.            С. Ҳаёт – азиз неъмат, инсон қадр-қиммати улуғдир.            D. Табиат тенгсиз қудрат манбаи, уни маҳв этишга уриниш фойдасиздир.</p>	<p>1. Ёиртқичнинг вақти-вақти билан қандайдир сирли ва ғайритабиий тарзда намоён бўлиши, одамларни зимдан кузатиб, таъқиб қилиши тасвирлари орқали муаллиф нимага ишора қилади?</p> <p>2. Овчилар қувмоқда, ҳайвонлар эса қочмоқда. Бу лавҳалар қандай ҳаётӣ ҳақиқатнинг инъикосидан далолат беради?</p> <p>3. Асардаги қайси деталь воситасида умр ўткинчилиги, инсон бир кун келиб яна она-замин бағрига қайтиши исботланган?            Фикрингизни кузатишларингиз ва матнга таянган ҳолда изоҳлашга ҳаракат қилинг.</p>
<b>Симптомлари</b>	<b>Амалий кўникмалар</b>
<p>Ташқаридан кузатишга белги берадиган куйидаги аломатлар китобхонни ҳаёлан воқеалар содир бўлган манзил томон етаклайди:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Илдамлаётган одамлар.</li> <li>Югураётган буғулар, шохдан шохга сакраётган олмахонлар галаси.</li> <li>Елдек учаётган отлар, хураётган изқувар итлар.</li> <li>Туёқлар дупури ва қадамлар зарбидан отилаётган тупроқлар.</li> <li>Милтиқ ва ўқлар мўлжалидан сизиб оқаётган қонлар.</li> <li>Барчасини вазминлик билан ўз бағрига жойлай олган улуғвор Ўрмон.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>“Она сайёрамизнинг глобаллашув таъсирида ҳалокатга юз тутиши сабаблари” мавзусида мақола ёзиш.</li> <li>Экологияни асрашга оид “Атроф-муҳитни механизациялашган цивилизация таъсиридан асраш” мавзусида лойиҳа тайёрлаш.</li> </ol>

“Ассесмент” технологияси асосида ўқувчиларда бир вақтнинг ўзида мавжуд билимларни таҳлил қилиш; материалларни чуқур ва яхлит тарзда ўрганиш; мунозарали ва мураккаб мазмунли мавзулар хусусида атрофлича мушоҳада юритиш ва фикрини мантиқан асослаш; креатив қобилиятларни ривожлантириш; ташаббускорлик сифатларини ошириш; шаклланган компетенцияларни баҳолашга шароит яратилди.

Ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришда дидактик вазифаларни амалга ошириш алоҳида ўрин тутди. Мутолаага қизиқтириш ишлари “Какография” усули доирасида йўлга қўйилиб, жараён ўқувчиларнинг ҳар бирига матндан муайян лавҳалар тарқатиш, ажратилган хатоликларнинг тўғри жавоблар билан таққосланиб, белгилар ўрнига сўзларни қўйиш ёки жадвалларга қайд этирилиши шаклида амалга оширилди (*3.4-жадвалга қаранг*).

Мазкур усулнинг моҳияти бадий асарлардаги ёзувчи ишлатган сўзлар зарур ўринларда бошқалари билан алмаштириб қўлланилишида намоён бўлди. Ижодкор концепциясига зид “нотаниш” ёки “бегона” сўзларнинг киритилиши ўқувчининг асар маъносига бўлган эътиборини оширди. Энг муҳими, уларнинг турли жанрдаги асарларни танлаб ўқиш ва бунга онгли муносабатда бўлишига реал шароит яратилганидир .

**9-синфда С.Сиёевнинг “Аҳмад Яссавий” романи мутолааси  
юзасидан “Какография” усулини қўллаш технологияси**

*(бунда матнда тушириб қолдирилган сўзлар (шахс ёки жой номлари)ни  
жойига қўйиш шарти белгиланади)*

“Тонг отди. Қадим \_\_\_\_\_нинг машҳур оқтераклари учиди ипак нур ўйнайди. Шаҳристон одам билан тўлган. Ҳамма \_\_\_\_\_ тарафга ўйналади. Работда ҳам одам қалин. Мусофирхоналарда, карвонсаройларда бўйрадек бўш жой йўқ. Қалъа деворининг ортида отлар кишнайди, хачирлар тепинади, араваларнинг ғийқиллагани, нортуяларнинг пишқиргани эшитилади. Ясси Ясси бўлиб, эҳтимол бунчалик талатўпни кўрмагандир.

\_\_\_\_\_ этақларидаги қишлоқлардан, \_\_\_\_\_ яйловларидан,  
\_\_\_\_\_ бўйларидан, исломият сарҳади \_\_\_\_\_ ва \_\_\_\_\_  
шаҳарларидан тўп-тўп бўлиб, миришқору сайёд, қўйчивону косиб, тужжору  
деҳқон оқиб келмоқда. Бировининг тилида дуои хайр, бировининг дилида  
ихром боғлаш нияти, бири ҳаж закотини бериб савобга ноил бўлмоқчи.  
\_\_\_\_\_ марҳамат қилиб, бизни ҳам сафарга олакетармикин, деган  
умидвор кимсалар ҳам йўқ эмас”.

**Лавҳанинг тўлиқ шакли:** “Тонг отди. Қадим *Яссининг* машҳур  
оқтерақлари учидан ипак нур ўйнайди. Шаҳристон одам билан тўлган. Ҳамма  
*Масжиди султония* тарафга йўналади. Работда ҳам одам қалин.  
Мусофирхоналарда, карвонсаройларда бўйрадек бўш жой йўқ. Қалъа  
деворининг ортида отлар кишнайди, хачирлар тепинади, араваларнинг  
ғийқиллагани, нортуюларнинг пишқиргани эшитилади. Ясси Ясси бўлиб,  
эхтимол бунчалик талатўпни кўрмагандир. *Қоратог* этақларидаги  
қишлоқлардан, *Дашти Қипчоқ* яйловларидан, *Сайхун* бўйларидан, исломият  
сарҳади – *Жанд* ва *Янгикент* шаҳарларидан тўп-тўп бўлиб, миришқору  
сайёд, қўйчивону косиб, тужжору деҳқон оқиб келмоқда. Бировининг тилида  
дуои хайр, бировининг дилида ихром боғлаш нияти, бири ҳаж закотини  
бериб савобга ноил бўлмоқчи. *Шайх ҳазратлари* марҳамат қилиб, бизни ҳам  
сафарга олакетармикин, деган умидвор кимсалар ҳам йўқ эмас” [118; 19-б.].

**6-синфда Даниэль Дефонинг “Робинзон Крузонинг ажойиб  
саргузаштлари” романи мутолааси юзасидан “Какография” усулини  
қўллаш технологияси**

*(бунда матндаги алмаштирилган сўзлар (инсонга хос ҳаракат ёки  
ҳолат)нинг асл вариантини ўрнига қўйиш вазифаси юклатилади)*

“Кўп ўтмай бир ҳодиса юз берди, бу ҳодиса менинг ҳаётимни қувончга  
тўлдирди.

Саҳар пайти эди. Ўрмон ёқалаб эчким боғланган жойга қараб бораётган  
эдим, қум устига бироз ғалати бўлиб тушган ҳайвон изига бирдан кўзим

тушиб қолди, мен ниҳоят даражада хайратда қолдим ва жуда хурсанд бўлиб кетдим.

Бирдан тўхтаб, ётиб олдим, гўё момақалдиروقда қолган одамдай ханг-у манг эдим, гўё аллақандай қушлар галаси атрофимни ўраб олгандай эди. Атрофга қулоқ солиб, у ёқ-бу ёққа кўз ташладим, шунда ёввойиларнинг ўқирган овозларини эшитдим ва узоқдан қандайдир хира шарпалар кўринди”.

3.4-жадвал

### Асар матнидаги сўзларнинг қиёсий жадвали

№	Тасвирнинг асл варианты	Тасвирнинг алмаштирилган варианты
1	бутунлай бетинч қилиб қўйди	хаётимни қувончга тўлдирди
2	жуда кўрқиб кетдим	жуда хурсанд бўлиб кетдим
3	ётиб олдим	тик турганимча қотиб қолдим

**Парчанинг асл варианты:** “Кўп ўтмай бир ҳодиса юз берди, бу ҳодиса менинг хаётимни бутунлай бетинч қилиб қўйди.

Чошгоҳ пайти эди. Денгиз ёқалаб қайиғим турган жойга қараб бораётган эдим, қум устига жуда аниқ бўлиб тушган одам изига бирдан кўзим тушиб қолди, мен ниҳоят даражада хайратда қолдим ва жуда кўрқиб кетдим.

Бирдан тўхтаб, тик турганимча қотиб қолдим, гўё момақалдиروقда қолган одамдай ханг-у манг эдим, гўё аллақандай ажиналар кўз олдимдан ўтгандай бўлди. Атрофга қулоқ солиб, у ёқ-бу ёққа кўз ташладим, аммо ҳеч кимнинг овозини эшитмадим ва ҳеч қандай зот ҳам кўринмади” [78; 118-б.].

II. “Мутолаа курс”лари мазмуни яратилди ва шу асосда машғулотлар ташкил этилди.

III. Синфдан ташқари ишлар мазмуни замонавий ёндашувлар асосида ислоҳ қилинди. Жумладан:

– ўқувчилар китобхонлик байрамлари, кеча ва танловлар ўтказишга сценарий тузиш ишларига жалб этилди (7-иловага қаранг);

– мактаб радиосида йўлга қўйилган махсус эшиттиришларда сўнги нашрлар билан боғлиқ рекламалар жорий этилди;

– асар мутолаасига қизиқиш уйғотувчи қизиқарли лойиҳалар тайёрланди. Лойиҳа доирасида мактаб фойелари, кутубхона ва синф хоналарига ноанъанавий афишалар жойлаштирилди. Масалан:

1. “Тулки қизига тўй берди” иборасининг маъносини биласизми? Мазкур жумлада қайси табиат ҳодисаси ҳақида сўз боради? Бу жумла кимнинг, қайси асарида учрайди?

2. Бизгача буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг онаси ҳақида конкрет фактлар сақланиб қолмаган. Айрим манбаларда шоирнинг волидаи муҳтарамаси Кобул амирзодаларидан Шайх Абусаид Чангийнинг қизи эканлиги ҳақидаги маълумотлар берилади. Кўпчиликда улуғ шоирни дунёга келтирган зот ким бўлганини билишга қизиқиш истаги кучли, албатта. Сизда, ҳурматли ўқувчи, балки бадий тўқима асосида айнан биз тилга олган тарихий шахс образи яратилгандир, деган тахминлар уйғонган бўлиши шубҳасиз.

Ҳа, ҳурматли ўқувчи, адашмадингиз, ўзбек адабиётида бетакрор “Алишернинг онаси” образи яратилган. Энди асардаги реалликка ўтиш вақти келди. Сизнингча, бу образ ким бўлиши мумкин? У қайси ижодкорнинг тафаккур маҳсули?

Муҳтарам китобхон, агар сиз Бобур ва унинг авлодлари тарихига оид асарлар яратган адиб ижоди билан яқиндан таниш бўлсангиз, мазкур саволга кўнгилдагидек жавоб топиш имконига эга бўласиз.

Жавоблар мактаб радиоси эшиттиришларида эълон қилиб борилди. Фаол ўқувчилар номлари эътироф этилиб, тарғибот ишлари янада жонлантирилди. Бу каби тадбирларда нафақат ўқувчилар, балки бутун мактаб жамоасининг ҳам фаол иштироки кузатилгани қувонарли ҳол, албатта. Ўқиган асарларига тенгдошларини қизиқтириш мақсадида синф,

мактаб, ҳудудлараро тақдимотлар танлови уюштирилди. Тақдимотлар мазмунан муаллиф ҳақида слайдлар тайёрлаш, асарнинг таъсирчан ўринларини образли тарзда ҳикоялаш, сахна кўринишлари тайёрлаш, асар сюжетиға оид расмлар чизиш ва кўргазмалар ўтказиш тарзида шакллантирилди.

Турли байрам ва туғилган кунларда ўқувчиларнинг бир-бирларига китоб совға қилиб, синфда кутубхона ташкил этиш анъанаси йўлга қўйилди. Бу борада, айниқса, Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 4-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчилари М.Маҳмудова, Ш.Дехқонова, М.Жўраева, Наманган вилояти Чуст туманидаги 21-мактаб ўқитувчилари Халқ таълими аълочиси И.Нормаҳаматова, Н.Эгамбердиев, Р.Набиеваларнинг олиб борган ишлари эътиборға лойиқ.

– Тошкент вилояти Янгийўл тумани ХТБ тасарруфидаги 44-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси У.Ҳасанбекова томонидан амалға оширилган “Кўргазма–эртак” лойиҳаси туман миқёсида ўтказилган “Ижодкор ўқитувчи” танловида 1-ўринға лойиқ топилди. Иш турли эртак қаҳрамонлари портретлари, асар сюжетиға деталь вазифасини ўтаган табиат манзаралари композицияси, манзилға элтувчи йўналишлар харитаси яратилганлиги билан ўқувчилар диққатини ўзига жалб этди.

Кутубхоначилар иш фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этган “Кўргазма–хобби” лойиҳаси ўқувчиларни кутубхонанинг фаол ва доимий аъзосига айлантирди. Бунда ҳар хил ширинликлар пишириш ва кундалик турмушда асқотадиган жиҳозлар тайёрлашға оид китобларға талаблар сони ортиб борганлиги кузатилди. Лойиҳа ўқувчиларни ёшлиқдан тўғри касб танлаш ва оилавий ҳаётға тайёрлаш жиҳатидан индивидуаллик касб этди.

Ўқув йили давомида **“Мутолаа кўзгуси” ахборотномаси** чоп этиб борилди. Унда ўқувчиларнинг ой давомида ўқиган асарлари, синф, мактаб миқёсидаги тадбирларға иштироки, мустақил ишларидан шакллантирилган портфолиолар мазмуни белгиланган мезонлар асосида баҳоланди. Шу асосда ўқувчиларнинг мактаб ва синф доирасидаги китобхонлик даражаси

мониторинг қилинди. Хабарнома саҳифаларидаги махсус рағбат майдончаси фаол китобхонга бағишланган бўлиб, унда ўқувчилар сурати, ижодий ишларидан намуналар ёритилишига аҳамият қаратилди.

Мактаб ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамловчи “Алоқа дафтари” (3.5-жадвалга қаранг) йўлга қўйилди. Синф раҳбарлари ва адабиёт ўқитувчилари томонидан ҳар бир ўқувчининг китобхонлик фаолияти тизимли ўрганиб борилди. Ўқувчиларнинг китобхонлик даражаси ҳар чорак якунида ота-оналар йиғилишида муҳокама қилинди. Бу фаолият орқали таълим-тарбия ва мутолаадаги бўшлиқлар бартараф қилинишига эришилди.

3.5-жадвал

**“Алоқа дафтари” саҳифасининг мазмуни намунаси**

Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 4-мактаб 5-синф ўқувчиси(ФИО) нинг китобхонлик мониторинги (кун, ой, йил)						
№	Иш мазмуни	Максимал балл	Тўпланган балл			
			1-ҳафта	2-ҳафта	3-ҳафта	4-ҳафта
1	Мустақил ўқилган эртак, достон, ҳикоя, ёд олинган шеърлар	20				
2	Матн, мактуб, мақола, шеър каби ижодий ишлар	20				
3	Мутолаа кундалигининг юритилиши	20				
4	“Ёш китобхон” тўғарагига қатнашиши	20				
5	Кутубхонага иштироқи	20				
Ой давомида тўпланган умумий балл		100				
Фаолиятига тавсиф:						
Синфдаги ўрни:						
Билдириш: (ўқувчига рағбат ёки фаолликка ундаш, ота-онага миннатдорчилик мазмунида)						
Синф раҳбари:		(имзо)	(ФИО)			
Кутубхоначи:		(имзо)	(ФИО)			
Сана:		(кун, ой, йил)				

Ўқувчилар ўртасида шахсий кутубхона қандай бўлиши кераклиги ҳақида ижодий танловлар ўтказилди. Танловда кутубхонанинг ташқи ва ички кўриниши, интерьер, адабиётларни қандай қилиб кўпайтириш мумкинлиги ҳақидаги оригинал ғоялар танлаб олинди ва бошқа ўқувчиларга ҳам тавсия қилинди. Ўқувчиларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларига кўра, ўзлари томонидан мустақил мутолаага асарлар рўйхати шакллантирилди.

Умумий ўрта таълим мактабларида ота-оналар иштирокида “Оилавий ўқиш кунлари” ташкил этилиб, мутолаага оид ҳамкорлик йўлга қўйилди.

IV. Тадқиқот объекти бўлган мактаблар кутубхоналаридаги китоблар сонининг кўпайишида ота-оналар, корхона ва жамиятлар, тадбиркорларнинг ҳиссалари катта эканлигини қайд этиш мумкин. Ушбу ишда белгиланган бир қатор тавсиялар амалдаги норматив-методик – ўрнатилган дастур ҳамда оператив-методик – маълум шакл, усуллар ҳамда ўқув-тарбиявий воситалар доирасида татбиқ этилса, ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини шакллантиришга етарлича қулайлик яратилади.

### **3.2-§. Тажриба-синов ишларининг самарадорлик даражаси**

Ўтказилган тажриба-синов ишлари якунида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданияти қай даражада ортганлиги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартининг таркибий қисмлари” (таянч ўқув режа, ўқув дастури, малака талаблари ва баҳолаш тизими) мезонлари асосида аниқланиб таҳлил қилинди.

Тадқиқот олиб борилган мактабларда китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида қўлланилган ёндашувлар, метод, усул ва сўровномалар воситасида умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига белгиланган малака талабларининг А 1 (бошланғич 4-синфларда мактаб кутубхонасидан фойдалана олиш), А 2 (9-синфларда мактаб кутубхонасидан мустақил фойдалана олиш, турли жанрдаги адабиётларни танлаб мутолаа қилиш, ундаги воқеа-ҳодисалар, образлар тизимига муносабат билдира олиш ва ҳоказо) стандарт даражалари [9; 145-б.] шакллантиришга эришилди.

Тадқиқот давомида тажриба-синов ишларига статистик таҳлил учун

репрезентив тарзда танлаб олинган 9та синф ўқувчиларининг 226 нафари назорат гуруҳида, 235 нафари тажриба гуруҳида иштирок этди. Якуний сўровномаларда қатнашган 461 ўқувчининг жавобларидан олиб борилган тарғибот ишлари таъсирида мактаб кутубхонасига ихтиёрий аъзо бўлганлар сони ортганлиги аён бўлди. 72% ўқувчи мутолаанинг туб моҳиятини тушуниб етган. Ноанъанавий реклама, кўргазма, афиша ва тавсиялар 76% ўқувчида шахсий кутубхона ташкил қилишга замин яратган бўлса, 80% ўғил-қизлар ўзларида мавжуд китоблар сонини кўпайтиришга эришган.

Ўтказилган тажрибалар тавсия этилаётган ёндашувларнинг анча самарали эканлигини исботлайди. Бунга дастлабки ва якуний анкета савол-топшириқлари қиёсий таҳлили орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин.

5–9-синфлар кесимида “Мутолаа қилган асарларингиз ичида қайси қаҳрамонлар сизга манзур бўлди?” деган тажриба аввалидаги ялпи савол жавобларининг 55%ида Кенжа ботир (“Уч оға-ини ботирлар”), Ойгул (Ҳ.Олимжон. “Ойгул билан Бахтиёр”), Янгули (“Hellados”), Қоровой (Ғ.Ғулом “Шум бола”), Ҳошимжон (Х.Тўхтабоев “Сариқ девни миниб”), Низом (П.Қодиров. “Авлодлар довони”), Бўри полвон (Т.Мурод “Юлдузлар мангу ёнади”), Анвар, Раъно (А.Қодирий. “Меҳробдан чаён”), Ҳакимбек, Ойбарчин, Қоражон (“Алпомиш”), Фарҳод (Навой. “Фарҳод ва Ширин”) сингари асосан дарсликлардан ўрганилган асар қаҳрамонлари номлари тилга олинади.

Мақсадли ва тизимли тавсиялар натижасига кўра галдаги сўровномада айнан шу саволга 72% ўқувчи томонидан мустақил мутолаа асосида Амир Темур, Сароймулкхоним, Муҳаммад Чуроға (Муҳаммад Али. “Улуғ салтанат”), Гавҳаршодбегим (П.Қодиров. “Гавҳаршодбегим”), Бобур Мирзо, Ҳофиз Кўйкий (Х.Султонов. “Саодат соҳили”), Қоплонбек ва Оймомо (Т.Мурод. “Ойдинда юрган одамлар”), Робинзон (Д.Дефо “Робинзон Крузонинг ажойиб саргузаштлари”), Том Сойер (М.Твен “Том Сойернинг бошидан кечирганлари”), Сантяго, Алкимёгар (П.Коэло. “Алкимёгар”),

Арсен (“Тоғлар қулаётган замон”) каби сеvimли қаҳрамонлари табиатидаги маъқул бўлган сифатлар қайд этилди.

7–9-синфларга мурожаат қилинган “Сизда яхши таассурот қолдирган асар яна қандай яқунланиши мумкин эди? Асар хотимасини ўзингиз тасаввур қилган мазмунда яратишга уриниб кўринг” тарзидаги савол-топширикқа дастлаб мантиқан изчил фикрлар тақдим этилмаган. Яқуний сўровномадаги жавоблардан кўринадики, мутолаага креатив ёндашув таъсирида 44% ўқувчининг турли мавзуларда мустақил ишлар ярата олиш кўникма ва малакалари ортган.

Бунга О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романи қаҳрамони Абдуллатифнинг ўз хатоларини англаб етиши, отага қўл кўтарган, халқини норози қилган фарзанд қисмати фожиали яқун топишини эмпатия – қаҳрамон “қиёфасига кира олиш” жараёнида ҳис қилиниб, хаёлий инкишофларнинг намоён бўлишида ифодасини топди. Креатив ёндашувлар образларнинг маънан юксалиши, ёвузликнинг эзгулук йўлидаги эврилишига замин ҳозирлагани билан аҳамиятлидир. Зеро, бундай йўсиндаги ижодий ишлар ўқувчиларнинг бадий-эстетик тафаккур ва тахайюли маҳсулидир.

Қайд этиш мумкинки, Х.Султоновнинг “Саодат соҳили” асари асосида яратилган эсселар мазмуни реал ҳаётга нечоғли зид бўлса-да хайратланарлидир. Хусусан, Бобур ва Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги учрашуви, гарчанд турли муаммоларга дуч келинса ҳам шоирнинг Ҳинд ўлкасидан Андижонга сафари ёки Биноқулнинг отаси билан топишиши ҳамда биргаликда Фаркатга қайтишлари каби лавҳаларнинг уюштирилиши фикрнинг ёрқин мисолидир. Шунингдек, ички “мен”и, ўзаро коллизиялар таъсирида қаҳрамонлар руҳиятидаги юксалишлар ҳосиласи Ш.Холмирзаевнинг “Ўзбек характери”, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Паноҳ” асарлари асосида ёзилган таассуротлар мазмунида яна бир бор исботини топди.

“Ҳаётда бирор асар қаҳрамонига ўхшаган одамни учратганмисиз? Улар ўртасидаги муштарақликни аниқлаб, тақриз ёзинг” топшириғига 51% ўқувчи ҳаётий кузатишларига таяниб жавоб беришга ҳаракат қилганлиги маълум

бўлди. Хусусан, 7-синфда ўрганилган Асқад Мухторнинг “Бир туп ўрик” шеъридаги ўрик, унинг сояси образларида чин ва сохта дўстлар талқин этилгани, бадий тўқима ва ҳаёт ўртасидаги боғлиқлик маҳалладошлари, яқин қариндошлари тақдирида мужассамлигини аниқ шахслар ҳаёти мисолида асослашга уринишган.

6–7-синфлардан 36% ўқувчининг “Синфдошингиз мутолаа қилган асарингиз ҳақидаги фикрингиз билан қизиқяпти. Таассуротларингизни мактуб орқали баён этинг” сўровига Ў.Ҳошимовнинг “Урушнинг сўнги қурбони”, “Дунёнинг ишлари”, Н.Норқобиловнинг инсон ва табиат муаммоси қаламга олинган “Пахмоқ”, “Овул оралаган бўри”, “Оқбўйин” асарлари асосида тенгдошларига йўллаган мактубларини кўрсатиш мумкин. Бу эса, ўқувчиларнинг асар сюжетида ижодий ёндашганликлари, қаҳрамонлар характер хусусиятларини чуқур ўрганганликларидан далолат беради.

Чингиз Айтматовнинг “Тоғлар қулаётган замон” асарида кўтарилган собиқ тузумнинг қайта қуриш сиёсати оқибатлари, ёш мустақил давлатнинг бозор иқтисодиёти давридаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, жамиятнинг маънавий таназзулга юз тутиши, “оммавий маданият”нинг илдиз отиш сабаблари ҳамда абадий ва ўлмас туйғулар тараннуми билан боғлиқ масалалар “Барча тенгдошларингизга маъқул бўлган бирор асардаги муаммолар юзасидан мактаб деворий газетаси ёки туман даврий нашрларига мақола ёзинг” мазмунидаги саволга жавоб излашга мавзу бўлди.

Айни ўсмирлик ёшидаги ўқувчиларни мушоҳадага ундовчи мазкур топшириқ асосида битилган мактубларнинг 47%ида асардаги ахлоқий, ижтимоий, иқтисодий, экологик ва сиёсий муаммоларга оид фикр-мулоҳазалар ўз аксини топди. Бош қаҳрамонга хайрихоҳ 56% ёш китобхонлар масала қонун йўли билан ҳал қилинганида, бузғунчилик режаси давлат ҳокимияти органиларига етказилганида асар хотимаси ўзгачароқ тарзда яқун топиши мумкинлигини ишонтиришга уринганликлари глобал тафаккур учкунларидир.

Ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, ўзаро муносабатларни кузатиш, таққослаш, баҳолаш ва умумлаштириш тажрибалари такомиллашиб бораётган юқори синф ўқувчилари “Сизга маъқул бўлган қайси асарлар юзасидан бадий фильмлар яратилишини хоҳлар эдингиз? Фикрингизча, шу кунга қадар суратга олинган фильм, спектакллардан қайсилари асар сюжетига у қадар мос келмайди? Бунинг асосий сабаблари нимада деб биласиз?” сўровига “Садди Искандарий”, “Бобурнома”, Ойдинда юрган одамлар”, “Улуғ салтанат”, “Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси” каби асарлар асосида фильмлар суратга олиниши кенг қамровли ва мунозарага ундаши билан аҳамиятли эканлиги баён қилинган. Жавобларда фильм ва асар воқеалари фарқли бўлиши сабаблари бир қанча омиллар билан изоҳланган. Жумладан, асар сюжетида четлашиш ҳоллари талқинида даврнинг долзарб муаммоларига замонавий, фантастик руҳдаги кадрларни киритиш орқали бугуннинг саргузашт талаб мухлислари диққати жалб қилиниши қаламга олинган. Фикрларни асослашда “Сеҳрли қалпоқча” фильмидаги кадрларга мурожаат қилинган.

Тажриба-синов жараёнида ўқувчиларнинг панорамик тасвирлар, виртуал лабораториялар ҳамда асарда акс этган замон ва маконга веб саёҳатлар уюштиришга қизиқишлари юқорилиги аниқланди. Бунда фан ўқитувчиларининг адабий таълим мазмуни юзасидан виртуал маҳсулот яратиш механизми ҳақидаги ғоялар билан чекланилган. Виртуал машғулотларни жорий этиш анча самара бериши тадқиқот ишларига жалб этилган мактаб ўқитувчилари 80%ининг лойиҳаларида акс этган. Қуйида Наманган вилояти Чуст туманидаги 21-мактаб адабиёт ўқитувчилари виртуал лаборатория ташкил этишга доир тақдимоти мазмуни тавсия этилади:

Иш объекти сифатида Фахриёр ижоди, хусусан, “Баҳор келар далаларга тўркунлаб” шеъри танланган. Шеърдаги рамзий маънолар муайян предмет ёки воқеа-ҳодиса уйғунлигида виртуал муҳитда гавдалантирилиши белгиланган. Шеърда ифодасини топган мазмун ва ғоя маъноси мантикий изчиликда тартибланиши, изоҳталаб сўзларга қўшимча титрлар берилиши танланган. Масалан, миллат ва жамият ҳаётидаги янгиланишлар табиат

ходисаларига боғлиқликда аёз, момақалдирик, замбуруғ, қуёш, майса, жилға, бойчечак тимсолида ифодалангани анимация ва титрларда акс эттирилиши режалаштирилган.

Поэтик намунанинг шоир ижоди, сўз санъатидаги ўрни, биографик шарҳ, жанрий хусусияти, мавзу, эпиграф ва унинг маъно аҳамияти, яширин цитаталар: адабий ассоциациялар, бағишлов, асар яратилиш шароити, шеър номланиши сабаблари ва лирик қаҳрамоннинг ички қиёфаси каби компонентлар матнни тарихий-адабий аспектда ўрганиш шартидан келиб чиқиб белгиланиши лойиҳа ғоясининг илмийлигини таъминлаган.

“Бирор драматик асар юзасидан мактаб сахнасида ижро этиш учун қисқартирилган вариантда сценарий тузинг. Сценарий яратишда аҳамият қаратиш зарур бўлган жиҳатлар хусусида ўқитувчингиз билан фикрлашинг” тарзидаги топшириқ тўғараклар ҳисоботи тарзида ташкил этилди. Масалан, 8–9-синф ўқувчилари иштирокида М.Раҳмоннинг “Абадий нидо” драматик достони сюжети асосида “Елимлаш” усулидан фойдаланиб, матн ва унинг сахна варианты яратилди. 84% ўқувчи жарённинг фаол иштирокчисига айланди. Бунда ўқувчиларга бошловчи нутқини ҳикоя усули тарзида бериш тавсия этилди. Ҳикоя қилиш 60% ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатди, ҳис-туйғулари ва нутқини бойитиш орқали таҳлилга тайёрлади. Матн мазмунини изчил баён қилиш орқали ўқувчида шахсий муносабатини кўргазмалар ва ишонарли далиллар билан ифодалаш кўникмалари шакллантирилди.

Драматик асарни таҳлил қилиш билан бир пайтда ўқувчилар билан персонажлар нутқи устида ҳам ишланди. Сўз талаффузи устида ишлаш, нутқ мароми ва суръатига амал қилиш, мантиқий урғуни тўғри қўйиш, монологик нутқни диалогик нутққа айлантириб оғзаки ҳикоялаш – драматик образни очиб беришнинг муҳим воситаси эканлиги театрлаштирилган ролли кўринишларни сахналаштириш орқали ниҳоясига етказилди.

Савол ва топшириқларнинг асарни ўқишдан олдин, ўқиш давомида ва ўқишдан сўнг ўқувчиларга ҳавола қилиниши нафақат мутолаага қизиқтириш, балки матнни сидирғасига ўқиш жараёнида англамаган жиҳатларни кашф қилишларига замин яратди. Турли жанрдаги асарларнинг махсус савол ва

топшириқлар воситасида таҳлил қилиниши 70% ўқувчининг мутолаа маданияти ортишига хизмат қилганини таъкидлаш жоиз.

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш даражасини аниқлаш натижаларидан маълум бўлдики, китобхонликни тизимли йўлга қўйишга оид ёндашувлар: тавсия, тарғибот, режа ва дастур асосида мажмуалар яратиш, бадиий асар ғояси, ёзувчи мақсадини англаш ёхуд таҳлилга йўналтирувчи шакл ва воситалар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган. Мустақил мутолаа маданияти шакллантиришда самарали бўлган таълим стратегиялари натижалари 3.6-жадвалда акс эттирилган (3.6-жадвалга қаранг).

3.6-жадвал

**Мустақил мутолаа маданияти шакллантиришда самарали бўлган таълим стратегияларини татбиқ этиш натижалари**

№	Мактаблар	Назорат гуруҳидагилар сони	Тажриба гуруҳидагилар сони	Натижалар	
				Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи
1	Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 31-мактаб	5-“А”синф 25 ўқувчи	5-“Б”синф 24 ўқувчи	45%	78%
		6-“Б” синф 22 ўқувчи	6-“В”синф 23 ўқувчи	40%	76%
2	Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 44-мактаб	7-“А”синф 28 ўқувчи	7-“В”синф 30 ўқувчи	55%	79%
		8-“А”синф 27 ўқувчи	8-“Б”синф 28 ўқувчи	45%	75%
		9-“А”синф 20 ўқувчи	9-“Б”синф 22 ўқувчи	45%	77%
3	Наманган вилояти Чуст туманидаги 21-мактаб	8-“А”синф 26 ўқувчи	8-“В”синф 29 ўқувчи	50%	79%
		9-“А”синф 25 ўқувчи	9-“В”синф 26 ўқувчи	40%	78%
4	Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 4-мактаб	6-“Б” синф 25 ўқувчи	6-“В”синф 26 ўқувчи	37%	76%
		7-“А”синф 28 ўқувчи	7-“В”синф 27 ўқувчи	45%	78%

Жадвал кўрсаткичлари ўқитиш ва тарбиявий ишлар жараёнида мустақил мутолаа маданиятининг шаклланганлик даражаси юқори эмаслигини тасдиқлайди. Таъкидловчи тажриба кўрсаткичлари асосида шакллантирилган жадвалда кўрсаткичлар ўрганилаётган ҳолатнинг ижобий томонга ўзгарганлигини тасдиқлайди (3.7-жадвалга қаранг).

3.7-жадвал

**Тажриба ва назорат синфлари ўқувчиларида мустақил мутолаа маданиятининг шаклланганлик даражаси (таъкидловчи тажриба)**

Синфлар	Ўқувчилар сони $n_{1,2}=461$	Баҳолар		
		Аъло	Яхши	Ўрта
Тажриба	$n_1=235$	86/37%	97/41%	52/22%
Назорат	$n_2=226$	44/20%	80/35%	102/45%


Педагогик тажриба самарадорлиги махсус методикани амалиётга жорий этишдан аввалги ва кейинги босқичларда эришилган натижалар ўртасидаги фарқни аниқлаш асосида баҳоланиши мумкин. Шу боис, асословчи ва таъкидловчи тажриба натижаларини ўзаро қиёслаш ва шу асосида тажрибадан аввалги ва кейинги босқич ҳолатларини ифодалаш мақсадида қуйидаги жадвал шакллантирилди (3.8-жадвалга қаранг):

3.8-жадвал

**Ўқувчиларда мустақил мутолаа маданиятининг ривожланганлик даражасининг динамик ўсиши (асословчи ва таъкидловчи тажриба)**

Тажриба жараёни	Ўқувчиларнинг умумий сони = 461 нафар					
	Тажриба гуруҳлари $n_1 = 235$ нафар			Назорат гуруҳлари $n_2 = 226$ нафар		
	Паст	Ўрта	Юқори	Паст	Ўрта	Юқори
Асословчи тажриба	125	64	46	107	79	40
Таъкидловчи тажриба	52	97	86	102	80	44

3.8-жадвал кўрсаткичлари мувофиқ равишда 3.2-расмда акс эттирилди (3.2-расмга қаранг).



**3.2-расм. Ўқувчиларда мустақил мутолаа маданиятининг ривожланганлик даражасининг динамик ўсиши**

Кўп йиллардан буён педагогика ва психология йўналишида амалга ошириладиган тажриба-синов ишларининг ҳаққонийлиги олинган натижалар бўйича математик-статистик таҳлилни амалга ошириш асосида баҳолаб келинади. Ана шу анъанага мувофиқ равишда умумий ўрта таълим мактабларида мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга оид синов ишлари натижаларининг самарали, мақсадга мувофиқ амалга оширилганлиги, илмий-педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлиги ҳақидаги хулосанинг ҳаққонийлиги исботланди.

Яқуний босқичда таъкидловчи тажриба натижалари яна бир бор математик-статистик таҳлил этилди. Математик-статистик таҳлил учун Стьюдент-Фишер критерияси (методи) қабул қилинди. Мазкур методнинг танланишига сабаб Стьюдент-Фишер критерияси тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган кўрсаткичлар ўртасидаги коэффицентни топишга имкон яратади. Метод мазмуни бўйича дастлаб тажриба ва назорат гуруҳлари

бўйича таъкидловчи тажриба даврида қайд этилган кўрсаткичлар қуйидаги танланмалар сифатида қабул қилинди:

- 1) 1-танланма – синов гуруҳларида қайд этилган кўрсаткичлар;
- 2) 2-танланма – назорат гуруҳида қайд этилган кўрсаткичлар.

Кўрсатилган танланмалар учун мос келувчи кўрсаткичлар 3.8-жадвалдан олинди ва қуйидаги жадвал шакллантирилди (3.9-жадвалга қаранг).

3.9-жадвал

**Статистик таҳлил учун қабул қилинган танланмалар кўрсаткичи**

Танланмалар	Гуруҳларнинг математик ифодаси	Ўқувчилар сони	Даража кўрсаткичлари		
			Паст	Ўрта	Юқори
1-танланма	$X_i$	$m_I = 235$	52	97	86
2-танланма	$Y_j$	$n_I = 226$	102	80	44

Жадвал кўрсаткичлари синов ва назорат гуруҳлари учун танланма модал қийматлари мос равишда  $M_T=5$  ва  $M_H=3$  га тенг эканлигини аён бўлади. Шунга кўра, улар ўртасидаги фарқ сезиларли даражада ва бу ҳолат танланган метод шартларини қаноатлантиради. Яъни бу ҳолат ( $M_T > M_H$ ) синов гуруҳларида қайд этилган натижалар назорат гуруҳларида кўрсатилган натижалардан фарқли, янада аниқроғи юқори деган тўхтамга келиш имконини беради. Олиб борилган ҳисоб-китоб жараёнида бу ҳолат янада яққол ифодаланади. Синов ва назорат гуруҳларининг кўрсаткичлари қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\bar{X} = \frac{1}{m} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{235} (86 \times 5 + 97 \times 4 + 52 \times 3) = \frac{1}{235} (430 + 388 + 156) = \frac{974}{235} = 4,1$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{226} (44 \times 5 + 80 \times 4 + 102 \times 3) = \frac{1}{226} (220 + 320 + 306) = \frac{846}{226} = 3,7$$

Ҳисоб-китоб натижалари синов гуруҳларида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга қаратилган синов ишларининг самарадорлик даражаси назорат гуруҳларида олиб борилган педагогик фаолият натижаларига қараганда юқори эканлигини тасдиқлади. Бу ҳолат математик нуқтаи назардан  $X > Y$  тарзда ифодаланади.

Дастлабки ҳисоблаш натижасига кўра, ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришнинг турли (юқори, ўрта, паст) даражалари ўртача қийматига кўра ҳар икки гуруҳ учун тарқоқлик коэффициентларини аниқлаш мақсадда танланма дисперсиялари топилди:

$$D_m = \sum_{i=1}^{n=3} n_i (x_i - x)^2 / (m-1) = \frac{86 \times (5-4,1)^2 + 97 \times (4-4,1)^2 + 52 \times (3-4,1)^2}{235} =$$

$$= \frac{86 \times 0,81 + 97 \times 0,01 + 52 \times 1,21}{235} = \frac{69,66 + 0,97 + 62,92}{235} = \frac{133,55}{235} \approx 0,57$$

$$D_n = \sum_{i=1}^{n=3} n_i (y_i - y)^2 / (n-1) = \frac{44 \times (5-3,7)^2 + 80 \times (4-3,7)^2 + 102 \times (3-3,7)^2}{226} =$$

$$= \frac{44 \times 1,69 + 80 \times 0,09 + 102 \times 0,49}{226} = \frac{74,36 + 7,2 + 49,98}{226} = \frac{131,54}{226} \approx 0,58$$

Ҳар гуруҳ учун топилган танланма дисперсиялари ўртача квадрат четланишларни топишга хизмат қилади, яъни:

$$\tau_m = \sqrt{0,57} \approx 0,8 \quad \tau_n = \sqrt{0,58} \approx 0,76$$

Ҳосил бўлган қиймат ёрдамида эса тажриба ва назорат гуруҳлари учун вариация кўрсаткичлари топилади:

$$\delta_m = \frac{\tau_m}{X} = \frac{0,8}{4,1} \approx 0,2 \quad \delta_n = \frac{\tau_n}{Y} = \frac{0,76}{3,7} \approx 0,21$$

Стьюдент-Фишер методининг моҳиятига кўра, статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини  $\alpha = 0,05$  деб қабул қилинган. Шунга кўра, Лаплас функцияси жадвалидан статистик таҳлил учун критик нуқта ( $t_{кр}$ ) куйидаги тенгликда аниқланади:

$$\Phi(t_{кр}) = \frac{1-2\alpha}{2} = \frac{1-2 \cdot 0,05}{2} = \frac{0,9}{2} = 0,45$$

Статистик аломатнинг қийматдорлик даражаси ( $\alpha = 0,05$ )га кўра критик нуқта ( $t_{кр}$ )=1,67га тенг бўлади. Ана шу кўрсаткич ёрдамида баҳолашнинг ишончли четланишларини қуйидаги формула асосида топиш мумкин:

1) тажриба гуруҳларидаги ишончли четланиш

$$\Delta_m = t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} = 1,67 \cdot \frac{0,57}{\sqrt{235}} = 1,67 \cdot \frac{0,57}{15,3} \approx 1,67 \cdot 0,04 \approx 0,06 \text{ Га};$$

2) назорат гуруҳларидаги ишончли четланиш:

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,58}{\sqrt{226}} = 1,67 \cdot \frac{0,58}{15,03} = 1,67 \cdot 0,04 \approx 0,064 \text{ Га тенг.}$$

Ишончли четланиш қийматлари эса ўз навбатида синов ва назорат гуруҳлар учун ишончли интервалларни топишга ёрдам беради. Яъни:

1) тажриба гуруҳларидаги ишончли интервал:

$$\bar{X} - t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}}$$

$$4,1 - 0,06 \leq a_x \leq 4,1 + 0,06 \quad 4,04 \leq a_x \leq 4,16 \text{ га};$$


2) назорат гуруҳларидаги ишончли интервал эса:

$$\bar{Y} - t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$3,7 - 0,064 \leq a_y \leq 3,7 + 0,064 \quad 3,64 \leq a_y \leq 3,76 \text{ га тенг.}$$

Тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган ишончли интервалларнинг қийматларини геометрик кўринишда ифодалаш тажриба-синов ишлари натижалари тўғрисидаги яққол тасаввурни ҳосил қилади.

Агарда ҳосил бўлган ишончли интервалларнинг қийматлари геометрик тарзда ифодаланадиган бўлинса, у ҳолда қуйидаги ётиқ геометрик тасвир ҳосил бўлади:



Шундай қилиб,  $\alpha=0,05$  қийматдорлик даражасига мувофиқ синов гуруҳларида қўлга киритилган ўртача қийматлар назорат гуруҳларида қайд этилган ўртача қийматдан юқори эканлиги тасдиқланди.

Математик-статистик таҳлилнинг якуний босқичида тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданияти турли даражада шаклланганлигини қайд этувчи кўрсаткичларнинг ўртача қийматлари ( $\bar{X} = 4,1$ ;  $\bar{Y} = 3,7$ ) ҳамда ҳар икки гуруҳ учун хос бўлган ишончли интервал қийматлари ( $\Delta_m = 0,06$ ;  $\Delta_n = 0,06$ )га асосланган ҳолда тажриба-синов ишлари таҳлилининг умумий натижаси қуйидаги жадвалда акс эттирилди (3.10-жадвалга қаранг):

3.10-жадвал

**Танланган умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилган тажриба-синов ишлари таҳлилининг умумий натижаси**

	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
	$N_T = 235$			$N_N = 226$		
Баҳо қиймати	3	4	5	3	4	5
Баҳолар сони	52	97	86	102	80	44
Баҳоларнинг ўрта арифметик қиймати	$X_T = 4,1$			$X_N^* = 3,7$		
Самарадорлик коэффициенти	$\eta = X_T^* / X_N^* = 1,11$					
X нинг ишончлилик эҳтимоли оралиғи	$4,04 < X_T^* < 4,16$			$3,64 < X_N^* < 3,76$		
Критерий хулосаси	$T = 5,66 > 1,66$ бўлиб, $H_1$ қабул қилинди					

Математик-статистик таҳлил натижалари умумтаълим мактабларида китобхонлик маданияти шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонининг бирдан, фан ўқитувчилари фаолиятида педагогик имкониятлардан ижодий, мақсадли, узлуксиз ва изчил фойдаланиш асосида ўқувчиларда мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш тажрибасига эгаликлари даражасини баҳолаш мезонининг эса нолдан катталигини кўрсатди.

Бу эса синов гуруҳларида назорат гуруҳларига қараганда илмий-педагогик тажрибанинг якуний босқичида умумий ўрта таълим мактабларида педагогик имкониятларига таянган ҳолда ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданияти шаклланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар дастлабки босқич кўрсаткичлари ижобий мазмунда кескин фарқ қилиши тўғрисидаги фикрни тўла тасдиқлайди.

Қайд этилган натижалардан аён бўладики, тажриба гуруҳида мутолаа маданиятининг шаклланганлик даражаси назорат гуруҳидагиларга нисбатан анча юқори. Бу эса тажрибадан кейинги ҳолат дастлабки кузатувга нисбатан анча фарқли эканлигини кўрсатади. Демак, тажриба-синов жараёнида ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ривожлантиришга оид замонавий ва интегратив ёндашувлар, муаммо бўйича адабиётдан давлат таълим стандартида белгиланган малака талабларининг кўзда тутилиши мустақил мутолаа маданияти такомиллидаги самарали механизмдир.

### **III боб бўйича хулосалар**

Тажриба-синов ишлари олиб борилган таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш муаммоси юзасидан қуйидагилар аниқланди:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари кутубхоналари фондининг зарур адабиётлар билан етарлича таъминланмагани, фаолият юритаётган номутахассис кадрларнинг кутубхоначилик соҳаси методикасини яхши тушунмасликлари, кутубхоначи ва ўқитувчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг талаб даражасида йўлга қўйилмагани, мактаб жамоаларининг ёш ижодкорлар, сўнгги нашрлар ёки янги адабиётлар билан таниш эмаслиги каби ҳолатлар китобхонлик маданиятини ривожига салбий таъсир кўрсатиши кузатилди.

2. Тажриба-синов ишлари жараёнида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданияти даражаси дастлабки ва якуний сўровномалар, тарғиботлар, мактаб матбуоти ёки алоқа варақалари, “Ассесмент” технологияси, “Какография”

усули, махсус савол ва топшириқлар, “Елимлаш”, “Мавзувий портфолио” мазмунидаги ижодий ишлар, виртуал машғулотлар, панорамик тасвирлар ҳамда веб саёҳатлар ташкил этишга доир лойиҳалар тақдироти ва уларнинг таҳлили асосида аниқланди.

3. Китобхонлик орқали ўқувчиларда борлиқдаги ҳар бир воқеа-ходисага муносабат билдириш, қиёслаш ва хулоса чиқариш; боғланишли нутқда сўзларни ўринли қўллаш, гап тузилишига эътиборли бўлиш, турли луғатлардан унумли фойдаланиш; асарда кўтарилган муаммолар, қаҳрамонлар руҳий кечинмаларига муаллиф ва шахсий нуқтаи назаридан муносабат билдириш каби билим, кўникма, малакалар шаклланишига эришилди.

4. Ўтказилган тадқиқот натижаларига хулоса қилганда, ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш дунёвий тараққиётга ҳамоҳанг фикрлайдиган, цивилизация ютуқлари ва ахборот ресурсларидан амалиётда кенг кўламда фойдалана оладиган, энг муҳими, халқнинг дунё ҳамжамиятига мустаҳкам интеграциялашуви омили эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

## ХУЛОСА

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга доир назарий қарашлар, эришилган натижалар ҳамда уларни қиёсий ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Китобхонликни изчил ва тизимли йўлга қўйишнинг илмий-назарий асослари ёритилган манбалар ҳамда муаммонинг амалдаги мавжуд ҳолатини текшириш натижалари ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш технологиясини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш адабиёт ўқитиш методикаси соҳасида ечимини кутаётган долзарб масала эканлигини асослаш имконини берди.

2. Жамиятда маънавий етук шахс тарбиясига қаратилган кенг қўламли ҳаракатлар устувор саналган ҳозирги шароитда китобхонлик даражасини юксалтириш стратегиялари ўқув дастурлари, дарсликлар, услубий қўлланмалар яратиш, таълим технологиялари, шакл ва воситаларини танлашда ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини самарали шакллантиришдан иборат ижтимоий буюртманинг муваффақиятли ҳал этилишига хизмат қилади.

3. Ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш таълимнинг педагогик-психологик ва дидактик тамойилларига асосланиб иш кўриш ҳамда доимий назорат қилишни тақозо этади. Ўқувчиларнинг ички регуляцияси, билиш жараёнларини ривожлантириш билан боғлиқ дидактик таъминот ва методик ёндашувлар мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш асоси саналади.

4. Ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришнинг мақсад ва вазибаларини белгилаш ташқи ва ички омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоийлик бу жараённинг ташқи фаолият мотиви, мақсад, восита ва натижалари эса ички омилларда ўз аксини топади.

5. Мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришда ўқув-тарбиявий ишлар жараёнини технологиялаштириш ва лойиҳалаштириш, интегратив ва

инновацион ёндашувлар, махсус савол-топшириқлар тизими, адабиётларнинг ҳар бир ўқувчи ёш ва индивидуал хусусияти, қизиқиши, асар жанри ва тарбиявий аҳамиятининг ҳисобга олиб танланишини тақозо этади.

6. Мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш жараёни адабиётларни мақсадли тавсия қилиш, тарғибот ишлари, ўқиб-ўрганиш, анализ-синтезга тайёргарлик даври ҳамда мутолаа натижасида эгалланган билим, кўникма, малака ҳамда фанга оид ва таянч компетенцияларнинг белгиланган мезонлар асосида баҳоланиши каби тадрижийликка таянувчи яхлит тизим эканлигини асослашга имкон яратади.

7. Адабий таълим тизимида адабиёт ўқитиш мазмунининг янгиланиши, мутолаа йўналишининг секин-аста этномаданий мавзуларга бурилиши бу борада оила, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлигига таяниш мутолаа маданиятини шакллантиришнинг умуммиқёсда ҳал қилинишига ёрдам беради.

8. Педагогик дастурий воситалар имкониятлари доирасида виртуал шарт-шароитлар ташкил этиш, таълимда ўқувчининг субъект даражасига эришиш, ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида амалга ошириладиган виртуал лабораториялар, аудио-видео топшириқлар, тақдимотлар, электрон изоҳли луғатлар, панорамик тасвирлар, веб саёҳатлар мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришнинг илмий-назарий аҳамиятини белгилайди.

9. Умумий ўрта таълим муассасаларида интернет имкониятларидан фойдаланиш борасида белгиланиши зарур чора-тадбирлар ўқитувчи ва ўқувчиларнинг виртуал таълим технологияларига оид назарий билим, ғоя ва лойиҳаларни амалга оширишга оид камчиликларнинг бартараф қилинишига замин яратади.

**Тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борилган изланишлар асосида қуйидаги тавсиялар берилади:**

1. Умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синфлардан бошлаб махсус мутолаа курслари ташкил қилиш.

2. Мустақил ўқишга доир виртуал лабораториялар мазмунини яратиш.

3. Оммавий “Сеҳрли рюкзак” лойиҳасини жорий этиш асосида мактаб, оила ва маҳаллалараро алмашлаб ўқиш тизимини жорий этиш.

4. Оила ва мактаб ҳамкорлигида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга қаратилган интерактив “Ота-оналар китоби”, “Оилавий ўқиш китоблари”ни яратиш.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 76 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 20–29.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 31–62.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019 йил 30 апрель. № 88 (7318).

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши // Ма’рифат. – Тошкент, 2017, 14 январь. № 4 (8965).

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2017, 38-сон, 1029-модда.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус” лойиҳаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019 йил 20 март, № 54 (7284).

9. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2017 йил 14 (774)-сон, 230-модда. – 233 б.

10. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Таълим тараққиёти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ахборотномаси. 1-махсус сон. Она тили. Адабиёт. Ўзбек тили. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 304 б.

11. Uzviylashtirilgan davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. Ona tili. Adabiyot. O'zbek tili (5–9-sinflar). –Toshkent: Yangiyo'l poligraph service, 2010. – 196 b.

12. Uzviylashtirilgan davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. Ona tili. O'qish. Matematika. Atrofimizdagi olam. Tabiatshunoslik. (1–4-sinflar). – Toshkent: Yangiyo'l poligraph service, 2010. – 144 b.

13. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: O'zbekiston, 2017. – 488 b.

## **II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

14. Алимова Н., Саидхўжаева Н. Ахборот-кутубхона муассасаларининг расмий веб-сайтларида инновацион лойиҳаларни қўллаш // Kutubxona.uz. – Тошкент, 2016. – № 3. – Б. 25–27.

15. Amari, F. IT – literature for language teachers: should it include computer programming, System, Volume 28, Issue 1, 2000. – P. 77–84.

16. Асадов Ў.М. Таълимда компетенциявий ёндашув // Maktab va hayot. – Toshkent, – 2014. – № 1. – Б. 8–10.

17. Boymirzayeva G. Portfoliya texnologiyasi va uning tasnifi // Kasbiy fanlar metodikasi. – Toshkent, 2016. – № 6. – B. 24–25.

18. Wong, S.L. et. al. Teaching a discrete information technology course in constructivites learning environment: is it effective for Malaysian preserves teachers, The internet and Higher Edication, volume 6, Issue 2, 2003. – P. 193–204.

19. Джураев Р.Х., Тайлаков У.Н. Электрон таълимда қўлланиладиган дастурий педагогик воситалар // Uzluksiz ta'lim. – Toshkent, 2013. – № 3. – Б. 76–82.

20. Demetriadis, S. et. al. “Cultures in negotiation”: teachers asseptance/resistance attitudenesconideringthe of technology into schools, Computers and Edication, Volume 41, Issue 1, 2003. – P. 19–37.

21. Жалилов К. Навоий асарларини тушунишга тайёрлаш стратегиялари / Alisher Navoiy va XXI asr. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Toshkent, 2017. – Б. 234–236.

22. Зоҳидова Б. Лаборатория машғулотларига замонавий ёндашув – таълим самарадорлиги сифатида // Uzluksiz ta'lim. – Toshkent, 2013. – № 4. – Б. 42–44.

23. Ibraymov A.E. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida fizikadan virtual laboratoriyalarni On-line muhitida tashkil etish // Fizika, matematika, informatika. – Toshkent, 2013. – № 1. – B. 48–54.

24. Исмоилова З.К. Педагогик технологиялар ҳақида замонавий қарашлар // Kasb-hunar ta'limi. – Toshkent, 2012. – № 6. – Б. 11–12.

25. Kamolova N. Fizika fanidan virtual laboratoriyani elektron resurslar yordamida bajarish // Fizika, matematika va informatika. – Toshkent, 2010. – № 3. – B. 25–28.

26. Каримов Ш. Шиллер ва унинг эпистоляр мероси // Jahon adabiyoti. – Toshkent, 2014. – № 11. – Б. 137–141.

27. Кўчимов У. Фантастик асарларда бадий психологизм // Ўзбек тили ва адабиёти. – Toshkent, 2012. – № 2. – Б. 74–76.

28. Мирзаева З. Адабиёт фанларини ўқитишда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш. Гарднернинг “Турфа заковатлар” назарияси / *Global ta’lim va milliy metodika taraqqiyoti*. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2018. – Б. 11–14.

29. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. – Тошкент: Фан, 2006. – 112 б.

30. Mujawar, A.G. Creative techniques of teaching literature // *Language in Indiya*. ISSN. 1930-2940. Vol. 13:7 July, 2013. – P. 134–150.

31. Мусаева С. Ўқув портфолиосининг тузилиши ва мазмуни // *Kasb-hunar ta’limi*. – Тошкент, 2013. № 1. – Б. 4–9.

32. Муҳамедова С.Х., Юлдашева Ш.Ш. Педагогик дастурий воситалар ва тил таълими / *Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари*. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент, 2016. – Б. 113–116-б.

33. Насритдинова У.А. Узлуксиз таълимда мультимедия дастурий воситаларидан фойдаланиш // *Uzluksiz ta’lim*. – Тошкент, 2015. – № 4. – Б. 74–80.

34. Ниёзметова Р.Ҳ. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Тошкент: Фан, 2007. – 216 б.

35. Oblaberdiev K. Axborot texnologiyalari vositalarini qo’llashda interfaysdan foydalanish metodikasi // *Uzluksiz ta’lim*. – Toshkent, 2011. – № 1. – В. 7–11.

36. Ратнер Р. Новые тенденции и повышении престижа чтения среди учащейся молодёжи // *Kutubxona.uz*. – Тошкент, 2014. – № 2. – С. 9–12.

37. Садикова Р. Эмпатия адаптация ҳодисасининг муҳим омили сифатида // *Ma’tab va hayot*. – Тошкент, 2011. – № 2. – Б. 8–10.

38. Saito, E. Key issues of lesson study in Japan and the United States: A literary revive. *Professional development in Education*. 38(5): November, 2012. – P. 1–13.

39. Сангирова С. Электрон воситалар асосидаги дарс // *Umumta'lim fanlari metodikasi*. – Тошкент, 2012. – № 9. – Б. 14–16.
40. Сафаров О. Фитратнинг бир очик хати хақида // *Ўзбек тили ва адабиёти*. – Тошкент, 2012. – № 6. – Б. 35–37.
41. Sesiliya, S.L. Virtual reality and environments. Frist published April, 2012. Printed in Croatia. Published by In tech. – P. 27–32.
42. Скляревский Е. Почему я не читаю книгу // *Kutubxona.uz*. –Тошкент, 2014. – № 1. – С. 37–40.
43. Собиров А. Она тили дарсларида какография усулидан фойдаланиш // *Til va adabiyot ta'limi*. –Тошкент, 2016. – № 4. – Б. 37–39.
44. Тоирова Н. О.Мухтор ва О.Уайльд романларида иблис образи // *O'zbek tili va adabiyoti*. – Тошкент, 2011. – № 1. – Б. 95–98.
45. Толипов Ў. Тарбия жараёнига технологик ёндашув ва уни лойиҳалаштириш // *Халқ таълими*. – Тошкент, 2004. – № 1. – Б. 37–39.
46. Тоҳиров Ў. Касб портфолиоси у қандай шакллантирилади? // *Kasbiy fanlar metodikasi*. – Тошкент, 2013. – № 4. – Б. 18–20.
47. Tursunmetov K., Begmatova D., To'raxonov F. Fizikadan pedagogik dasturiy vositalar yaratishdagi muammolar // *Fizika, matematika, informatika*. – Toshkent, 2013. – № 1. – В. 73–76.
48. Турсунов Ж. Ўқувчиларда креатив қобилиятларни шакллантиришда эвристик таълим методларидан фойдаланиш // *Мактаб ва ҳаёт*. – Тошкент, 2013. – № 3. – Б. 26–28.
49. Тўланова Г. Ахборот-кутубхона муассасаларида интерфаол хизматлардан фойдаланишнинг янги имкониятлари // *Kutubxona.uz*. – Тошкент, 2015. – № 2. – Б. 21–23.
50. Умаров А.О. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. – Тошкент: Фан, 2004. – 194 б.
51. Холиқов А. Ўқитувчининг тарбия технологиялари асосида фаолият олиб бориши // *Xalq ta'limi*. – Тошкент, 2010. – № 2. – Б. 15–19.

52. Холиқов Б. Бадиий асар қахрамонлари қандай моделлаштирилади?  
// *Til va adabiyot ta'limi*. – Тошкент, 2014. – № 8. – Б. 32–34.

53. Шарипов Ш. Педагогик технология ҳамда таълим методи тушунчаларининг ўзаро нисбати // *Халқ таълими*. – Тошкент, 2004. – № 6. – Б. 24–27.

54. Шердонов З. Кимё фанини ўқитишда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш // *Мактабда кимю*. – Тошкент, 2013. – № 4. – Б. 5–9.

55. Эгамбердиева Н. Технологии формирования читательских умений у младших школьников / *Адабиёт фанини замонавий ўқитиш масалалари*. Республика илмий-назарий конференция матеиаллари. – Тошкент, 2017. – С. 8–13.

56. Эргашев Ш., Калонтаров А. Umumta'lim maktablarida axborot-kommunikatsion muhitni shakllantirish va rivojlantirishda elektron axborot-ta'lim resurslarining o'rni va ahamiyati // *Xalq ta'limi*. – Тошкент, 2016. – № 4. – Б. 84–92.

57. Қобилова Н. “Мартин Иден” ва “Сароб”да типологик ўхшашликлар ва ўзига хослик // *Ўзбек тили ва адабиёти*. – Тошкент, 2012. – № 2. – Б. 63–67.

58. Қосимов А. Яна “Кичкина шаҳзода” ҳақида // *Til va adabiyot ta'limi*. – Тошкент, 2003. – № 6. – Б. 77–79.

59. Хусанбоева Қ. Ўзбек адабиётини инглиз аудиторияларида ўқитишни ташкил этиш йўллари / *Тил ва адабиёт таълимининг долзарб масалалари*. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2017. – Б. 35–36.

### **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

60. Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён: Роман. / “Аср ошган асарлар” туркуми. – Тошкент: Sharq, 2012. – 288 б.

61. Абдурауф Фитрат. Чин севиш. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 256 б.
62. Айтматов Ч. Тоғлар кулаётган замон (Абадий қаллиқ). – Тошкент: VEKTOR-PRESS, 2009. – 252 б.
63. Алишер Навоий. Қаро кўзим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 768 б.
64. Алишер Навоий. Хамса. Қисқартириб нашрга тайёрловчи А.Ҳожиаҳмедов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 428 б.
65. Applebee Arthur N. et al. Ms Dougal littell literature. World literature. Holt Ms Dougal, USA: 2008. – 1615 p.
66. Асқад Мухтор. Эл-юрт керак экан одамга. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матба уйи, 2011. – 208 б.
67. Ahmedov S., Qosimov B., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Sharq, 2007. – 352 b.
68. Ahmedov S., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. II qism. – Toshkent: Sharq, 2015. – 176 b.
69. Ahmedov S., Qo‘chqorov R., Rizayev Sh. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 6-sinfi uchun darslik-majmua. II qism. – Toshkent: Ma’naviyat, 2017. –160 b.
70. Barrs, M. and Cork, V. The reader in the Writer.London, 2001. Benton, P. Conflicting cultures: reflections on the reading and viewing of secondary school pupils. Oxford Review of Education , 1995. – 312 p.
71. Benton, P. Conflicting cultures: reflections on the reading and viewing of secondary school pupils. Oxford Review of Edication, 1995. – 256 p.
72. Богданова О.Ю., Леонов С.А., Чертов В.Ф. Методика преподавания литературы. Учебник для студентов пед. вузов. Под редакцией О.Ю.Богдановой. 3-е издание, стереотипное. – Москва: Издательский центр “Академия”, 2004. – 400 с.

73. Bloom, B.S. Taxnomy of Educational Objects: A forty – year Retrospective. The National Society for the Study of Ed; First Edition, 1994. – 198 p.

74. Веселова В.К. Внеклассное чтение в старших классах с латышским языком обучения. – Рига: Звайгзне, 1982. – 164 с.

75. Vyurtle F. Andijon shahzodasi (Bobur – yo‘lbars): sarguzasht-qissa. Olmon tilidan Y.Egamova tarjiması. – Тошкент: О‘qituvchi, 2012. – 160 б.

76. Волощук Е.В., Слободанюк Е.М. Литература: интегрированный курс. Учебник 7 класса общеобразовательных учебных с обучением на русском языке. – Киев: Генеза, 2015. – 240 с.

77. Gardner, H. Multiple Inteligence: New Horizons in Theory and Practice. Ingram Publisher Services. – USA: 2006. – 186 p.

78. Daniyel Defo. Robinzon Kruzoning ajoyib sarguzashtlari: roman. Rus tilidan Yo‘ldosh Shamsharov tarjiması. – Тошкент: Yangi asr avlodi, 2016. – 240 б.

79. Dewey J. Contributions to Education. The Childand Curriculum. Chicago University Press, 1992. – 189 p.

80. Декушева Р.А. Оптимизация процесса развития культуры чтения учащихся карачаевских школ в системе факультативных и внеклассных занятий русской литературой: Автореф. дис. канд. пед. наук. – Москва: 1981. – 22 с.

81. Ёкубов О. Танланган асарлар. Иккинчи жилд. Улуғбек хазинаси. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 352 б.

82. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Тошкент: Маънавият, 2010. – 392 б.

83. Зиёмухаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. – Тошкент: “TURON-IQBOL”, 2008. – 352 б.

84. Зуннунов А., Эсонов Ж., Ҳотамов Н., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 332 б.

85. Izer, W. "The Reading Progress: a Phenomenological Approach", *New Literary History*, Vol. 3, No. 2, on Interpretation: I (Winter, 1972). – 287 p.

86. Исроилова М. Лотин тилини ўқитиш жараёнида тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларини интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг дидактик асосларини такомиллаштириш: Пед. фан. бўй. фалсафа док. (PhD) автореф. – Тошкент: 2018. – 50 б.

87. XX аср ўзбек шеърини антологияси. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2007. – 496 б.

88. XX asr O'zbek hikoyasi antologiyasi. – Тошкент: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2016. – 624 b.

89. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2008. – 132 б.

90. Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1997. – 306 б.

91. Clark, C. and Foster, A.(2005). Children's and young people's reading habits and preferences: 2010 (Available at [http://www.literacytrust.org.uk/assets/Reading\\_Connects\\_Survey\\_2005.pdf](http://www.literacytrust.org.uk/assets/Reading_Connects_Survey_2005.pdf) (accessed 2010). – 246 p.

92. Козленко А.Г. Виртуальные работы в преподавании естественных наук. – Москва: Дрофа, 2009. – 84 с.

93. Кудашева З.К., Магдиева С.С. Методика преподавания литературы. Учебное пособие для учителей и студентов педагогических университетов и институтов. – Ташкент: IQTISOD–MOLIYA, 2007. – 236 с.

94. Кутузов А.Г., Киселев А.К. Романичева Е.С. В мире литературы. 7 кл.: учеб.-хрестоматия для общеобразоват. учреждений. – Москва: Дрофа, 2007. – 476 с.

95. Леонтев А.А. Чтение как понимание. // Леонтев А.А. Язык и речевая деятельность в общей и педагогической психологии. – Москва: Воронеж, 2001. – С. 246–253.

96. Lipson, A., and Wixson, K. Assessment and Instruction of Reading Disability: An Interactive Approach. – New York, NY: Harper Collins, 1991. – 376 p.

97. Лутфиллаев М.Х. Олий таълим ўқув жараёнини такомиллаштиришда ахборот технологиялари интеграцияси (Информатика ва табиий фанлар мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 212 б.

98. Макулова Б. Бошланғич синфларда синфдан ташқари ўқишнинг мазмуни ва уни ташкил этиш: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2003. – 155 б.

99. Маматов А. Нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчалар изоҳи. – Тошкент: Баёз, 2012. – 60 б.

100. Матчанов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 308 б.

101. Mirkarim Osim. To‘maris / Tarixiy qissalar. – Тошкент: Yangi asr avlodi, 2012. – 140 b.

102. Мирқосимова М.М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 253 б.

103. Муслимов Н.А., Абдуллаева Қ.М., Гаипов Н.С. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. – 88 б.

104. Муҳаммад Али. Ошиқ бўлмай, Ҳақ дийдорин кўрса бўлмас: Эсселар. Мақолалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 191 б.

105. Наврўз. Тузувчилар Т.Мирзаев, М.Жўраев. – Тошкент: Фан, 1992. – 100 б.

106. Назар Эшонқул. Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 400 б.

107. Нигматова М.М. Мактабгача ёшдаги болаларда китобхонлик кўникмаларини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик асослари: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 137 б.

108. Ниёзметова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий ва методик асослари (рус гуруҳлари мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 242 б.
109. Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 256 б.
110. Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – 240 б.
111. Olim S., Ahmedov S., Qo'chqorov R. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik-majmua. I qism. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidaginashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2014. – 192 b.
112. Пауло Коэло. Алкимёгар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 184 б.
113. Пранцова Г.В., Романичева Е.С. Методика обучения литературы. Практикум. – Москва: ФЛИНТА: Наука, 2014. – 272 с.
114. Ражабова И. Адабиёт дарсларини интерфаол усулларда ташкил этиш. – Тошкент: TAMADDUN, 2010. – 112 б.
115. Рустамов С. Инновацион технологиялар уйғунлиги // Ма'rifat. – Тошкент, 2011, 13 апрель. – Б. 1-, 3.
116. Сафо Матжон. Китоб ўқишни биласизми? – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 114 б.
117. Сафо Матжон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 208 б.
118. Сиёев С. Аҳмад Яссавий: роман. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 336 б.
119. Сметанникова Н.Н. Стратегический подход к обучению чтению (междисциплинарные проблемы чтения и грамотности). – Москва: 2005. – С. 5-146. (гл. 1–3).
120. Суюнов Ҳ. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни савол-топшириқлар устида ишлашга ўргатиш усуллари: Пед. фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент, 2005. – 24 б.

121. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 152 б.
122. Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққийни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли: Социология фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 274 б.
123. Усмон Азим. Соғинч. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 199 б.
124. Файзиева М., Сайфуров Д. Барча таълим йўналишлари учун “Виртуал таълим технологияси” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2016. – 155 б.
125. Файзиев М.А. Талабаларнинг билим ва кўникмаларини компьютер имитацион модели асосида шакллантириш методикаси (“Информатика ва ахборот технологиялари” фани мисолида): Пед. фан. ном. ... дисс. – Самарқанд, 2008. – 137 б.
126. Фолькнер У. Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 180 б.
127. Xalq ta’limi tizimidagi 1–9-sinf o‘quvchilariga mustaqil o‘qish uchun tavsiya etiladigan adabiyotlar ro‘yxati // Ma’rifat. – Toshkent, 2016, 6-fevral. № 11 (8868). – В. 10.
128. Чалмаев В.А., Зинин С.А. “Русская литература XX века” (11 кл.) при изучении предмета на базовом и профильном уровнях. Профильное обучение. 2-е изд. – Москва: 2005. – 220 с.
129. Чиниева С.А. Ўзбек оилаларида китобхонлик воситасида ўсмирлар маънавиятини шакллантириш: Пед. фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 2006. – 148 б.
130. Чориев А., Чориев И. Педагогиканинг методологик асоси ва илмий тадқиқот методлари. – Тошкент: Nishon noshir, 2016. – 247 б.
131. Шавкат Раҳмон. Абадият ораб. – Тошкент: Movarounnahr, 2012. – 384 б.

132. Шейман Л.А. Стимулирование самостоятельного чтения школьников. – Фрунзе: Мектеп, 1987. – 79 с.
133. Эркажўжаева Ш., Абдусаматова Н., Жалолов Ҳ. Интернет орқали болалар адиби билан сухбат // *Tarbiya*. – Тошкент, 2012. № 3. – Б. 15–17.
134. O‘zbek bolalar adabiyoti antologiyasi. II. Nasr. – Toshkent: Cho‘lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2006. – 480 b.
135. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдли. 5-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – 704 б.
136. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.
137. Ўролов Б., Боқи К. Хорижда китобни қандай ўқитишади? // *Ma‘rifat*. – Тошкент, 2017, 4 февраль. № 10 (8971). – Б. 11.
138. Qodirov P. Gavharshodbegim: Tarixiy roman. – Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2004. – 208 b.
139. Қозоқбой Йўлдош, Муҳайё Йўлдош. Бадий таҳлил асослари. – Тошкент: Камалак, 2016. – 306 б.
140. Qosimova K. va boshq. Ona tili o‘qitish metodikasi. – Toshkent: Noshir, 2009. – 352 b.
141. Қулбек Эргўбек. Ёзувчи ижодхонаси. – Туркистон: Турон, 2007. – 472 б.
142. Ғаниева Д.А. Ўқув жараёнининг методик таъминотида кутубхоначи билан ўқув фанлари ўқитувчилари ҳамкорлиги (ахборот-ресурс марказлари мисолида). Пед. фан. ном. ... дисс. –Тошкент, 2008. – 176 б.
143. G‘oziyev E.G‘. Psixologiya. – Toshkent: O‘qituvchi, 2008. – 352 б.
144. Hirsch, E.D. Reading Comprehension Requires Knowledge – of Words and the World. *American Educator*, Spring, 2003. – 241 p.
145. Hodges C., G. Children as readers. London: Education, 2009. – 162 p.
146. <http://www.kitob.uz>.

147. <http://www.mirznanii.com/a/179562/kognitivnye-metody-obucheniya>

148. Ҳусанбоева Қ. П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 262 б.

149. Ҳусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. – Тошкент: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти”, 2009. – 368 б.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 373.5:028.01

**КАМБАРОВА САОДАТ ИРКИНОВНА**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ  
МУСТАҚИЛ МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.02. – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун  
ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ ИЛОВАЛАРИ**

**Илмий раҳбар: Матчанов Сапа,  
педагогика фанлари доктори, профессор**

**Самарқанд – 2019**

## ИЛОВАЛАРГА МУНДАРИЖА

1-илова. “Мутолаа курси” дастури .....	170
2-илова. 5– 9-синф ўқувчиларига мустақил мутолаа учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати.....	172
3-илова. “Ўз-ўзингни англа” сўровномаси.....	177
4-илова. Интернет тармоғида ёзувчи Нормурод Норқобилов билан амалга оширилиши режалаштирилган жонли эфир мазмуни .....	178
5-илова. Асарни ўқишдан олдин, ўқиш давомида ва ўқишдан кейин бериладиган намунавий савол ва топшириқлар.....	181
6-илова. Бадий асарларни ўрганишга технологик ёндашув асосида мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш мазмуни.....	185
7-илова. Наврўз айёмига бағишланган “Яхшилик ва яшиллик байрами” композицияси .....	187

## “Мутолаа курси” дастури

№	Мавзулар	Машғулотлар мазмуни	Ажратилган соат
1	Мутолаа ва мутолаа маданияти. Мутолаа санъати ҳақида тушунча	Мутолаа ва мутолаа маданияти тушунчаси. Мутолаа санъатининг адабиёт ўқитишдаги ўрни.	1
2	Савод ўргатиш машқларининг асосий турлари	Товуш устида ишлаш. Анализ ва синтез машқлари. Товушлар артикуляцияси, дикция устида ишлаш.	2
3	Ўқиш малакалари ва уларни такомиллаштириш. Ўқиш турлари.	Ўқиш малакалари тўғрисида тушунча. Онгли ўқиш. Ўқиш малакаларини шакллантириш босқичлари. Тўғри ўқиш, тез ўқиш, онгли ўқиш, ифодали ўқиш. Овозли ўқиш. Ичда ўқиш. Шивирлаб ўқиш.	2
4	Бадий асар устида ишлаш	Асар устида ишлаш босқичлари.	2
5	Бадий асарни ўқишга тайёргарлик	Бадий асарни ўқишга тайёргарлик босқичлари. Асар билан таништириш.	2
6	Бадий асар матни устида ишлаш	Танлаб ўқиш. Ўқувчиларни савол-топшириқларга ўз сўзлари билан жавоб беришга, савол тузишга ўргатиш. Матнни тасвирлаш. График тасвирлаш. Асар режасини тузиш.	2
7	Мутолаага оид	Асарни ичда ўқиш. Ўқилган матн	

	мустақил ишлар	юзасидан берилган саволларга жавоб бериш. Ўқитувчи топшириғини бажариш. Матн режасини тузишга тайёрланиш ва режа тузиш. Ижодий қайта ҳикоялаш. Инсценировка қилиш. Ўқилган асарга расм чизиш. Ҳикояни давом эттириш.	3
8	Бадиий асарни жанр хусусиятига кўра ўрганиш. Адабиёт дарсларида нутқ ўстириш.	Эпик, лирик, драматик жанрлар, илмий-оммабоп асарларни ўқиш методикаси. Тўлиқ, қисқартириб, танлаб ва ижодий қайта ҳикоялаш.	2
9	Мутолаага китоб танлаш тамойиллари	Тарбиявий мақсадларнинг кўзда тутилиши. Асар жанри ва мавзулар хилма-хиллиги. Китобнинг ўқувчи ёши ва савиясига мослиги. Китоб танлашда ўқувчиларнинг қизиқиш ва мустақил ўқишни ҳисобга олиш Мавсумий тамойил.	2
10	Мутолаа санъатини эгаллашда интерфаол хизматлар	Ахборот-кутубхона марказларида ташкил этилган хизмат турларидан фойдаланиш. Веб саҳифаларга саёҳатлар уюштириш, интернет форумлар, онлайн консультациялар. видео анжуманлар ўтказиш	2
	<b>Жами</b>		20 соат

**5–9-синф ўқувчиларига мустақил мутолаа учун тавсия этилган  
адабиётлар рўйхати**

№	Бадий асарлар номи	Жанри	Муаллифи
5-синф			
Ўзбек адабиёти			
1	“Азиз момо”, “Ой билан кун”	Асотирлар	Халқ оғзаки ижоди
2	“Кулса гул, йиғласа дур”	Эртак	Халқ оғзаки ижоди
3	“Муждалар”, “Кўклам чоғи япроқлар”, “Тил”, “Қалбим”	Шеърлар	Элбек
4	“Жинлар базми”	Ҳикоя	Абдулла Қодирий
5	“Ўрик гуллаганда”, “Ҳол”	Шеърлар	Ҳамид Олимжон
6	“Оқибат”	Ҳикоя	Ҳаким Назир
7	“Она қабрига гул”	Ҳикоя	Мирмуҳсин
8	“Эрталаб”, “Баҳор”, “Тоғ манзараси”	Шеърлар	Қудрат Ҳикмат
9	“Робинзонлар”	Ҳикоя	Носир Фозилов
10	“Тонг лавҳаси”, “Камтарлик ҳақида”, “Садоқат”	Шеърлар	Эркин Воҳидов
11	“Тонгда”, “Олти хуржун”, “Осмон қайдан бошланади”, “Тупроқ”, “Чумчуқларга уядир”	Шеърлар	Турсунбой Адашбоев
12	“Чўлоқ Турна”	Ҳикоя	Шукур Холмирзаев
13	“Гул ишқибози”	Ҳикоя	Эркин Малик
14	“Ота ўғити”, “Булбулнинг саломномалари”, “Чирманда кўшиғи”	Шеърлар	Анвар Обиджон
15	Катта “А”, кичкина “а”	Ҳикоя	Шаҳодат Исахонова
Жаҳон адабиёти			
16	“Алибобо ва қирқ қароқчи” (“Минг бир кеча”дан)	Эртак	Халқ оғзаки ижоди
17	“Конфуций ҳикматлари”	Ҳикматлар	Конфуций
18	“Иркит ўрдакча”	Эртак	Ҳанс Кристиан Андерсен

6-синф			
Ўзбек адабиёти			
1	“Каюмарс”, “Эрхубби”	Мифлар	Халқ оғзаки ижоди
2	“Темур Малик”	Қисса	Миркарим Осим
3	“Офтоб ойим”	Ҳикоя	Саид Аҳмад
4	“Яхшилик уруғи”	Ҳикоя	Суннатилла Анорбоев
5	“Яхшилик”	Ҳикоя	Одил Ёқубов
6	“Илинж”	Ҳикоя	Пиримкул Қодиров
7	“Оқ ўтов ортида”, “Дўстларим бор...”, “Насибанг оқ бўлсин”, “Изланиш”, “Ватан”, “Қатралар”	Шеърлар	Ибраим Юсупов
8	“Сабоқ”	Ҳикоя	Фарҳод Мусажонов
9	“Янга”	Ҳикоя	Ўткир Ҳошимов
10	“Афандининг қирқ бир пашшаси”	Қисса	Зоҳир Аълам
11	“Тўртликлар”	Шеърлар	Омон Матжон
12	“Тириклик суви”	Ҳикоя	Тоҳир Малик
13	“Балиқ ови”	Ҳикоя	Қамчибек Кенжа
14	“Пахмоқ”	Қисса	Нормурод Норқобилов
15	“Бойбичча”	Ҳикоя	Жамила Эргашева
16	“Шамолли кеча”	Ҳикоя	Исажон Султонов
17	“Ривоятлар китоби”	Ривоятлар	Аҳмад Муҳаммад Турсун
Жаҳон адабиёти			
18	“Калила ва Димна”	Ривоятлар	Халқ оғзаки ижоди
19	“Том Сойернинг бошидан кечирганлари”	Роман	Марк Твен
20	“Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари”	Роман	Даниэль Дефо
21	“Андижон шахзодаси”	Саргузашт қисса	Фрис Вюртле
7-синф			
Ўзбек адабиёти			
1	“Гўрўғли” туркумидан “Малика айёр”	Достон	Халқ оғзаки ижоди

2	“Девону луғотит турк”дан “Меҳнат қўшиқлари”	Қўшиқлар	Маҳмуд Қошғарий
3	“Минг бир жон”	Ҳикоя	Абдулла Қаҳҳор
4	“Орзулар, фикрлар”, “Мерос”, “Умид”, “Яхшилик”, “Томчига қулоқ сол”, “Иккиликлар”	Шеърлар	Шухрат
5	“Икки нарса оғир...”, “Умр”, “Мен кўп йўллар юрдим”, “Ниҳол”	Шеърлар	Асқад Мухтор
6	“Чўли ироқ”, “Шеър ўқигим келар”, “Йўқламаган ҳар кунинг...”, “Ғайб қушлари”	Шеърлар	Саида Зуннунова
7	“Яшагим келади”, “”Ёшлик бир асрдай...”, “Бор”, “Эгилган бўйинлар”	Шеърлар	Миразиз Аъзам
8	“Иблис билан мулоқот”	Ҳикоя	Ҳожиакбар Шайхов
9	“Даъват”, “Олдимдан оққан сув”, “Аёл ўтиб борар”, “Ватан деб”, “Дунёларга сиғмаган ғавғо”	Шеърлар	Ҳалима Худойбердиева
10	“Титроқ сездингми ҳеч...”, “Туркийлар”, “Иқрор”, “Тунги манзара”, “Ой синиғи”	Шеърлар	Шавкат Раҳмон
11	“Ўрин”	Достон	Икром Отамурод
12	“Илинж”, “Аламли дунёда”, “Тескари оққан дарёлар кайтди...”	Шеърлар	Сирожиддин Саййид
13	“Тупроқ хиди”	Ҳикоя	Ўктам Мирзаёр
14	“Тўтинома”	Ҳикоя	Илҳом Зоир
15	“Қўноқ”	Ҳикоя	Луқмон Бўрихон
16	“Қудуқ”	Қисса	Ғафур Шермуҳаммад
Жаҳон адабиёти			
17	“Қўрғон узра гулханлар”	Роман	Василий Ян
18	“Оқсўйлоқ”	Қисса	Жек Лондон
19	“Хазон қоплаган боғ”	Ҳикоя	Синьити Юки
8-синф			

Ўзбек адабиёти			
1	“Ҳибат ул-хақойиқ”	Достон	Аҳмад Югнакий
2	“Девони ҳикмат”	Ҳикматлар	Аҳмад Яссавий
3	“Жалолиддин Мангуберди”	Драма	Мақсуд Шайхзода
4	“Йўқлаш”, “Бир куни...”, “Умр мазмуни”, “Айланур”	Шеърлар	Жуманиёз Жабборов
5	“Дунё”, “Ҳамроз билан”, “Нима қолди...”	Шеърлар	Охунжон Ҳаким
6	Ўйин	Ҳикоя	Омон Мухтор
7	“Буюклар изидан”	Сафарнома	Қамчибек Кенжа
8	“Эй дўст”	Қайирмалар	Азим Суюн
9	“Бир қадам йўл”	Драма	Усмон Азим
10	“Паноҳ”	Қисса	Хуршид Дўстмуҳаммад
11	“Тхарад”	Ҳикоя	Эркин Усмон
12	“Лолакизғалдоқ”, “Маъюс куним кўзим тушса”, “Иқроф”	Шеърлар	Муҳаммад Юсуф
13	“Бобурнинг тушлари”	Эссе	Хайриддин Султонов
14	“Темир хотин”	Комедия	Шароф Бошбеков
15	“Сендан шафқат кутгандан кўра”, “Рух шамоли танни қақшатди”, “Аёлни сев”, “Она ер – туфроқ қолиб...”	Шеърлар	Фарида Афрўз
16	“Куз”, “Хаёл”, “Баҳор келар далаларга тўркунлаб”	Шеърлар	Фахриёр
17	“Наъматак”	Мини-роман	Улуғбек Ҳамдам
18	“Навоийнинг армонлари”	Тарихий-илмий эсселар	Умид Бекмуҳаммад
Жаҳон адабиёти			
18	“Ҳаётга муҳаббат”	Ҳикоя	Жек Лондон
19	“Етти иқлим султони”	Роман	Ҳильда Ҳукҳем
20	“Меросхўр ёки Дэвид Бэлфурнинг саргузаштлари”	Саргузашт роман	Роберт Луис Стивенсон
21	Шамол ортидан югуриб	Роман	Холид Ҳусайний
9-синф			
Ўзбек адабиёти			

1	“Падаркуш”	Пьеса	Маҳмудхўжа Беҳбудий
2	“Абулфайзхон”	Ғожиа	Абдурауф Фитрат
3	“Арабмуҳаммад Баҳодирхон”	Драма	Эркин Самандар
4	“Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси”	Илмий- маърифий роман	Пирмат Шермухамедов
5	“Муножот”ни тинглаб, “Умр”, “Инсон қалби”, “Руҳим”, “Мен анлаб етган фалсафа”	Шеърлар	Абдулла Орипов
6	“Сарбадорлар”	Тарихий дилогия	Муҳаммад Али
7	“Сенсиз”, “Ухлама, сен, ҳақиқат”, “Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон”, “Адашган руҳ”	Шеърлар	Рауф Парфи
8	“Орият”	Ҳикоя	Шодмон Отабек
9	“Абадий нидо”	Драматик достон	Муҳаммад Раҳмон
10	“Бир куни чумоли бўлиб...”	Ҳикоя	Нодир Норматов
11	“Кампир ош”	Ҳикоя	Тўлқин Ҳайит
12	“Аёлга бахт беринг...”, “Ватан”, “Мана турна қайтди...”, “Фозил эл тарафдаман”	Шеърлар	Зулфия Мўминова
13	“Шўродан қолган одамлар”	Қисса	Шойим Бўтаев
14	“Арафа”, “Инсоннинг саргузаштлари”, “Афсунгар”	Шеърлар	Баҳром Рўзимуҳаммад
15	“Шамолни тутиб бўлмайдим”	Ҳикоя	Назар Эшонқул
16	“Қадимий кўшиқ”	Ҳикоя	Зулфия Қуролбой қизи
Жаҳон адабиёти			
17	“Шоҳ Эдип”	Трагедия	Софокл
18	“Шоҳнома”	Нома	Фирдавсий
19	“Бегона”	Қисса	Албер Камю
20	“Ҳалокат”	Роман	Рабиндранат Тагор
21	“Алкимёгар”	Роман	Пауло Коэло
22	“Тоғлар қулаётган замон”	Роман	Чингиз Айтматов

## “Ўз-ўзингни англа” сўровномаси

№	Саволлар  Жавоблар	Ч.Айтматов. “ Соҳил бўйлаб чопаётган	Ж.Лондон. “ Ҳаётга мухаббат”	Андерсеннинг “ Қор маликаси” эртагидаги	Ж.Родарининг “ Шаҳзода Пломбир” асаридаги сенъор	Н.Думбадзе. “ Абадият конуни”
1	Қайси асар қаҳрамонининг кўзи ва юрагига сеҳрли кўзгу парчаси тушиб, совуққон ва лоқайд болага айланиб қолади?			+		
2	“Қўшалок кутб” фирмасидан кредитга музлатгич олган қаҳрамон ким?				+	
3	Оила насли қирилиб кетмаслиги илинжида очлик ва сувсизликдан ҳолдан тойган ўғилларнинг ўзларини сувга чўктириши лавҳалари қайси асарга тегишли?	+				
4	Табиатнинг асов кучларига қарши мардонавор курашган кишилар ҳаётдан сўзловчи асар номи ва унинг муаллифини аниқланг.		+			
5	Инсоннинг ҳаётдаги ўрни, ундан талаб этиладиган фидоийлик намуналари ҳақида ҳикоя қилувчи асарни белгиланг.					+

**Интернет тармоғида ёзувчи Нормурод Норқобилов билан амалга  
оширилиши режалаштирилган жонли эфир мазмуни**

Машғулот мақсади	Ёзувчи маънавий олами, ижодининг ўзбек адабиётидаги ўрни билан таништириш орқали ўқувчилар бадиий-эстетик тафаккури, китобхонлик маданиятини шакллантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва мавзуга доир қўшимча адабиётлардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш.
Машғулотнинг информацион-услубий таъминоти	“Музёрап”, презентация, суҳбат, савол-жавоб.
Ресурс	Адиб суратлари, ижод намуналаридан кўргазма, мультимедия воситалари.
Асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар	1. Ўзбек болалар адабиёти антологияси. Икки жилдлик. II жилд. Наср. –Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. 2. Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. –Т.: Шарқ, 2005. 3. Норқобилов Н. Тоғдаги ёлғиз одам. –Т.: O‘zbekiston, 2011.

Машғулот босқичлари ва вақти	Машғулот мазмуни, кутилаётган натижалар ва келгусидаги режалар.
I босқич. Ташкилий қисм. 5 дақиқа.	Саломлашиш. Мулоқот мақсад ва вазифаларини эълон қилиш. “Музёрап” технологияси. Таништирув. Томонлар бир-бирларига мослашадилар. Ўртада илиқ кайфият ва дўстона муносабат юзага келтирилади. Мулоқот жараёни хусусида тасаввур уйғотилади.
II босқич. Мулоқотнинг бориши. 15 дақиқа.	Адиб ижодига бағишланган презентация. Ўқитувчи бошқарувчи, ўқувчилар фаол иштирокчига айланади. Ўқувчилар томонидан ёзувчи умрбаёни хусусида янги билимлар ўзлаштирилади, мустақил фикрлашга йўналтирилади, нутқ маданияти такомиллашади. Ўқитувчининг инновацион педагогик ва АКТ

	<p>воситаларидан фойдаланиш тажрибаси ортади.</p> <p>Ўқувчилар компьютер ва қўшимча адабиётлар билан мустақил ишлашга ўргатилади. Жамоатчилик олдида ўзларини тута билишга ўргатилади.</p>
<p>III босқич. Асосий қисм. 20 дақиқа.</p>	<p>Ижодий мулоқот:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўқитувчи – ижодкор.</li> <li>2. Ижодкор – ўқитувчи.</li> </ol> <p>Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш орқали ёзувчи шахсияти, маънавий оламини кашф қилиш имконига эга бўлади.</p> <p>Ўз навбатида ижодкор ҳам бугунги кун ёшларининг бадиий адабиётга бўлган қизиқишларини аниқлаш ва билимларини баҳолашга муваффақ бўлади.</p> <p>Ўқитувчининг ўқувчилар ва адиб ўртасидаги ижодий воситачилик фаолияти йўлга қўйилади.</p> <p>Ўқувчиларда савол бериш ва саволларга жавоб қайтариш кўникмалари шакллантирилади. Ёзувчи ижодига қизиқишлари янада ортади.</p>
<p>IV босқич. Яқуний қисм. 5 дақиқа.</p>	<p>Ижодкорнинг ўқувчилар фаолиятига муносабати.</p> <p>Тилаклар.</p> <p>Таассуротлар.</p> <p>Ёзувчи томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўқувчиларда ўзига бўлган ишончнинг ортиши, билим олиш ва китоб ўқишга бўлган рағбатни кучайтиради.</p> <p>Самимиятга йўғрилган суҳбат томонларни бир-бирига руҳан яқинлаштиради. Учрашув ўқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.</p> <p>Ўқитувчи томонидан “Ўқувчи – ўқитувчи – ижодкор ҳамкорлиги” дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш режалаштирилади.</p> <p>Ўқувчиларда бошқа адиблар билан ҳам шу каби видеомулоқот ва учрашувлар ташкил этиш истаги уйғотилади.</p>

### **Машғулотнинг бориши:**

**I. Ташкилий қисм.** Таклиф этилган меҳмонлар ва ўқувчилар учун адабиёт хонасида жой ҳозирланади. Томонларнинг экран орқали бир-бирлари

билан саломлашиши ташкил этилади. Ўқитувчининг машғулоти мақсади ва вазифалари ҳақидаги фикри тингланади. Белгиланган вақт оралиғида муайян ўқувчининг ижодкорни синф ҳаёти билан таништириши кузатилади.

**II. Кириш қисми.** “Power Point” дастурида тайёрланган презентацияда ижодкорнинг изланишлари, услуби ва маҳорати асарлари мисолида матн, тасвир (фото, манзара, жадвал, диаграмма каби график органайзерлар), анимациялар шаклида слайдларда ўз ифодасини топади.

**III. Асосий қисм.** Машғулотнинг кульминацион нуқтаси ҳисобланадиган бу жараёнда ўқувчилар дастлаб кутилган меҳмондан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўладилар. Жумладан, Н.Норқобилов билан уюштирилиши мумкин бўлган машғулоти учун ижодкорга қуйидагича саволлар тайёрланади:

1. Бадиий ижод соҳасига қизиқишингиз қандай бошланган?
2. “Чорраҳа” номли илк ҳикоянгиз чоп этилганда кўнглингиздан кечган туйғулар билан ўртоқлашсангиз.
3. Ҳайвонлар ҳаёти ҳақида асарлар ёзишга қандай омиллар туртки бўлган?
4. Асарларингизда тасвирланган Исмсиздара, Тошлибурун, Эгарлиқоя каби кўплаб жойлар ҳақиқатан ҳам борми ёки уларни ўзингиз ўйлаб топганмисиз?
5. Ҳайвонот дунёси акс этирилган қайси асарларингиз асосида фильм суратга олинишини истар эдингиз?
6. Сир бўлмаса, айти дамларда болаларга бағишлаб қандай асарлар ёзаяпсиз?
7. Бугунги ёшларнинг китобхонлик даражаси ҳақида нималар дея оласиз?

Машғулоти давомида ижодкорга ҳам саволлар билан мурожаат қилиш, ўқувчилар билими ва дунёқарашини баҳолашига вақт ажратилади.

**Асарни ўқишдан олдин бериладиган намунавий савол ва топшириқлар**

1. Болаликни беғуборлик, ёшликни орзулар фасли дейишади. Сиз уни қандай рангларда кўрасиз?

2. Болалигингиздаги шўхликларингизни бир эсланг-а! Билиб-билмай қилган “айб”ларингизни бўйнингизга олиш осон кечганми?

3. Сиз иқроп бўлишни қандай тушунасиш? Бу қилинган ножўя ишнинг кўпчилик олдида тан олинишими ёки ўзгаларни эътироф этишими?

4. Ҳар бир инсоннинг туғилган буржига мос рамзий дарахти бўлиши ҳақида эшитганимисиз? Бирор марта бўлса ҳам ўзингизни қайсидир дарахт қиёфасида тасаввур қилганимисиз?

5. Бадиий адабиётда дарахт образи қандай маъно англатишидан хабарингиз борми?

6. Қуйидаги шеърда “яшил шажар” иборасининг қўлланилишига алоҳида эътибор қаратинг. Луғатлардан “шажар” сўзининг маъносини топинг.

**Асар матни билан таништириш давомида бериладиган намунавий савол ва топшириқлар**

**ИҚРОП**

Рубобий шеър ёзсам...

*Шу ўринда сизни бир муддатга тўхтатишимизга тўзри келади. Айтингчи, сизга “Рубобий шеър” жумласи танишми ёки бу ҳақда илк бора эшитяпсизми? Сизнингча, рубобий шеър ўзи нима? Ундан тараладиган оҳангни хаёлан эшитишига ҳаракат қилиб кўринг.*

Қайтсам бир нафас...

ҳамиша мусаффо чашмани кўрсам,  
қорайган чўққилар қорига қараб,  
бир нафас хаёлчан ўсмирга дўнсам.

*Банддаги кайфият сизга ҳам юқдими? Олис болаликни қўмсаганидан  
шоир руҳиятидаги қандай кечинмаларни туйгандай бўлдингиз? Лаҳзалик  
бўлса-да ўтмишига қайтишдан не наф?*

Воҳ, ўшал лаҳзалар...

ўтдими буткул

гунафша атирли тансиқ туйғулар,

*Сизнингча, туйғунинг ҳам буй-ифори бўладими? Гунафша атирли  
тансиқ туйғулар ниманинг акси?*

сахарги боғларни уйғотган булбул,

ойларнинг нурларин элаган сувлар.

*Ой нурларининг сувдаги мавжланиши... Сокин кечаларда сув бўйида  
ўтириб шеърдаги каби манзарани кузатганимсиз?*

Яшил шажар эдим...

Қандоқ соғиндим...

кўзимни яшнатса рубобий ранглар.

Қайси бир дунёда бунча оғриндим,

Дилимни қаритди бесамар жанглар.

*Рубобий ранглар ташбеҳини сўз билан таърифлай оласизми? Сўнгги  
мисраларда таъкидланганидек, бу қандай жанг эдики, дил озор топса?*

Мен жангчи эмасдим,

мен шоир эдим,

ниҳоят шоирдан кўра зобитман,

ҳар нафас мусулмон миллатим дедим,

нафсига куйганлар келди оқибат.

*Жангчиликдан тониб, шоирликни тан олиш, сўнгра зобитликни  
эътироф этишни қандай тушуниш мумкин? Бу ўринда “нафсига куйганлар”  
дейилганда кимлар назарда тutilмоқда?*

Ҳаромни хуш кўрган маслакфурушлар

зиғирдай ҳимматин қилганда миннат,

япроқдай сарғордим буюк урушда

муслмон йўқ эди,

йўқ эди миллат.

*Бу қандай “буюк уруш”ки, унда тирик бир вужуд гўё япроқ каби қиёфа  
касб этса?*

Бас, қушлар сайроғи,

Япроқлари мўл

яшил шажар каби турай мушаккал,

илҳомим ҳақида сўйласинлар хўб,

заҳарли тилимдан тўкилсин шаккар.

*Ҳамиша “навқирон дарахт” каби туриши иштиёқи кимларга хос?*

Рубобий саболар, руҳимдан эсинг,

Қайтадан уйғонсин илоҳий туғён.

Воҳ, яланг шохларим қиличдай кескир,

Бир япроқ қолмаптир шивирлайтурғон [131; 366 –367-б].

*Қиличдай кескир ялангоч шохлар” мисралари мағзини чақишига урининг.  
“Бир япроқ қолмаптир шивирлайтурғон” ифодасида мужассам маънога  
муносабат билдиринг. Руҳдан эсан рубобий саболарни хаёлан тасаввур  
қилиб кўринг.*

### **Асар матни билан таништиришдан кейин бериладиган намунавий савол ва топшириқлар**

1. Агар сизга рубобий шеър, рубобий ранглар, рубобий саболар суратини чизиб беринг дейишса, уларни қандай шакл ва рангларда жонлантирар эдингиз?

2. “Рубобий шеър” ёзиш ишқи китобхонни муаллиф табиатининг қайси жиҳатларидан огоҳ этади?

3. “Ҳамиша мусаффо чашмани кўрсам, қорайган чўққилар қорига қараб...” сатрларидаги тасвирий восита вазифасига тўхталинг.

4. “Воҳ, ўшал лаҳзалар...” деганида лирик қаҳрамон ўз умрининг қайси дамларини энтикиб эслайди? “Воҳ” сўзининг қўлланилиши китобхонга қандай кайфиятни юқтиради?

5. “Илҳомим ҳақида сўйласинлар хўб, заҳарли тилимдан тўкилсин шаккар” мисраларининг муаллиф табиати ёки ижодига алоқаси борми?

6. Заҳарли тилдан қандай қилиб ширинлик тўкилиши мумкин? Муаллиф бу ерда қандай санъатни қўллаган?

7. “Рубобий саболар, руҳимдан эсинг, Қайтадан уйғонсин илоҳий туғён” мурожаатида акс этган туйғулар тиниқлиги ҳақида фикр юритинг.

8. Лирик қаҳрамон иқрори сабабини англадингизми?

9. Рубобий шеър оҳангини ўзбек халқининг қайси куй-қўшиғига қиёслаган бўлар эдингиз?

**Бадий асарларни ўрганишга технологик ёндашув асосида мустақил  
мутолаа маданиятини шакллантириш мазмуни**

№	Синф	Муаллиф ва асар номи, жанри	Ёндашув	Таълим шакли
1	5-синф	Халқ оғзаки ижоди намуналари (топишмоқлар, мақоллар)	Виртуал лабораториялар	Амалий
		Ҳадислар	Панорамик тасвири вебсаҳатлар	Веб-саҳат
2	5-синф	Навоий. “Ҳайрат ул- аброр” достонидан “Шер ва Дуррож” масали	“Агглютинация” методи	Синф-дарс
	6-синф	З.Аълам. “Афандининг қирқ бир пашшаси” қиссаси		Дарсдан ташқари
	8-синф	С.Аҳмад. “Уфқ” трилогияси		Синф-дарс
3	6-синф	Навоий. “Маҳбуб ул- қулуб”дан ҳикматлар. “Саховат бобида”	“Рамзий кўриш” методи	Синф-дарс
4	7-синф	Навоий. “Ҳайрат ул- аброр” достонидан “Шоҳ Ғозий” ҳикояти	“Эмпатия” методи	Синф-дарс
		“Сабъаи сайёр” достонидан “Бешинчи иқлим йўлидан келган мусофирнинг дostonоролиғи”	Виртуал лаборатория	Амалий
5	7-синф	Усмон Азим. “Болари тентирар...” шеъри	Панорамик тасвири вебсаҳатлар	Веб-саҳат
6	7-синф	Н.Норқобилов ҳаёти ва ижоди	“Веб камера” методи	Факультатив

7	8-синф	Шавкат Раҳмон. “Иқрор” шеъри	Савол ва топшириқлар	Тўғарак
8	8-синф	С.Аҳмад. Мактублар	“Лойиҳавий таълим технологияси”	Синф-дарс
9	6-синф	Д.Дефо. “Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари” романи	“Какография” усули	Синфдан ташқари
	9-синф	С.Сийев. “Яссавийнинг сўнгги сафари” романи		
10	9-синф	Муҳаммад Али. “Улуғ салтанат” тетрологияси	“Ўйлаб топиш” методи	Синфдан ташқари
11	9-синф	Назар Эшонкул. “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикояси	“Илмий фараз” методи	Синфдан ташқари
12	9-синф	У.Фолкнер. “Айиқ” қиссаси	“Ассисмент” технологияси	Синфдан ташқари
Ижодий ишлар				
1	5-синф	А.Мухтор. “Ниҳол” шеъри	Инсонийлашти- риш	Синфдан ташқари
2	6-синф	Н.Норқобилов. “Пахмоқ” қиссаси	Мактуб	Синфдан ташқари
3	7-синф	Навоий. “Сабъаи сайёр” достони	Ўхшатиш	Синф-дарс
4	7-синф	Чўлпон. “Гўзал” шеъри	Елимлаш	Синф-дарс
5	8-синф	М.Раҳмон. “Абадий нидо” достони	Саҳна кўриниши	Синф-дарс
6	8-синф	Х.Султонов. “Саодат соҳили” қиссаси	Эссе	Синфдан ташқари
7	9-синф	О.Ёкубов “Улуғбек ҳазинаси”, П.Қодиров “Гавҳаршодбегим” романлари	Қиёслаш	Синф-дарс
8	9-синф	Ч.Айтматов. “Тоғлар қулаётган замон” романи	Мавзувий портфолио	Синфдан ташқари

## Наврўз айёмига бағишланган “Яхшилик ва яшиллик байрами”

### КОМПОЗИЦИЯСИ

Қадриятлар – бамисоли миллатнинг ўз қиёфасини акс эттирувчи кўзгу. Шу боис бирор халқ ёки элат тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлиш учун уларнинг анъана ва удумларига чуқур назар ташлаш кифоя. Халқимизнинг азалий байрамлари ва анъаналари кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги олижаноб фазилатларни, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этади. Ана шундай барҳаёт байрамлардан бири – яшариш ва янгиланиш айёми Наврўздир.

Ўқувчиларда табиатга онгли муносабатни шакллантириш, бой маънавий меросимиздан ғурурланиш туйғуларини камол топтиришда Наврўз айёмига бағишлаб ташкиллаштириладиган тадбирлар алоҳида ўрин тутади.

Қуйида мактаб драма тўғараги иштирокчилари билан биргаликда табиат бағрида ўтказишга мўлжаллаб тузилган театрлаштирилган адабий кеча ишланмасини тавсия этамиз.

*Мактаб боғи олдиндан байрам ўтказишга мослаб жиҳозланади, ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Кеча ижодкорлари ўзлари сиймосини гавдалантирадиган қаҳрамонларнинг таиқи қиёфасига монанд кийинадилар. Дастур намойиши учун компьютер, мультимедия воситалари, DVD, танланган куй-қўшиқлар, фильмлар ёзилган дисклар, мусиқа асбоблари ва бошқа зарур анжомлар шай қилиб қўйилади. Саҳнанинг қулай жойига ўрнатилган мониторда бошловчи нутқиға уйғунликда тайёрланган слайдлар, видеороликлар кема-кет бериб борилади.*

*Тантана дебочаси карнай-сурнай, ногораларнинг шўх садолари жўрлигида бошланади. Бог тўрида саҳна вазифасини ўтовчи майдондаги парда очилиб, кўклам шукуҳи уфуриб турган декорация пайдо бўлади.*

*Саҳнанинг икки томонидан ёғоч от миниб чиқиб келган Жарчиларнинг барчани Наврўз шодиёнасига чорловидан сўнг уларнинг ўрнини бошловчи йигит ва қиз эгаллашади.*

**Бошловчи йигит:**

– Салкин саҳарларда, бодом гулида  
Бинафша лабида, ерларда баҳор,  
Қушларнинг парвози, елларнинг ноzi,  
Бахмал водийларда, қирларда баҳор [87; 62-б.].

**Бошловчи қиз:** – Ҳа, тароватли диёримизда дехқон баҳори – меҳнат баҳори кезмоқда. Марҳабо, яшиллик ва яхшилик фасли!

*Даврага чучмомолар, қизгалдоқлардан сочларига чамбарак тақиб, эғнидаги яшил либослари этакларини майин шаббодалар ўйноқлаб тортиқилаётган Кўкламой кириб келади. Оламни булбулнинг ёқимли хонишлари тутиб кетади.*

*Бир гуруҳ қизлар замин қаъридан аста бош кўтариб, баҳорий насимларда енгилгина тебранаётган ўт-ўланлар, ҳароратли бобо қуёш тафтидан гунчалари япроқ ёзаётган чечаклар, кўкда чарх уриб парвоз қилаётган қалдирғочлар, чаманзор оралаб гулдан-гулга қўнаётган капалаклар ҳаракатларини ифодалаб Фурқат газали билан куйланган “Фасли навбаҳор ўлди...” қўшиғига рақс тушадилар.*

**Бошловчи йигит:** – Ассалом, баҳор! Сенинг ташрифинг кўнгилларни мунаввар айлади. Ўлкамизга хуш келибсан !

**Кўкламой:** – Ташаккур, мен юртингизга ёлғиз ўзим эмас, ҳар йилгидек садоқатли ҳамроҳларим Наврўзой, Дехқон бобо, Боғбон бобо, Чўпон боболар билан бирга қадам ранжида қилдим. Марҳамат, уларни кутиб олайлик.

*Рамзий меҳмонларни ёши улуг қариялар, Бахши бобо, полвонлар, дорбозлар, масхарабозлар қиёфасидаги шодиёна мезбонлари қарши олишади ва ҳаммалари давра тўридан жой эгаллашади.*

**Бахши бобо навбат олиб, дўмбирасини чертиб қўшиқ бошлайди:**

– Азал-азал Наврўзжон,

Байрамларнинг зўрида,  
Нуроний чол, кампирлар,  
Турар давра тўрида,  
Келинг Наврўз сайлига,  
Сиз ҳам келинг майлига [105; 93-б.].

*Оппоқ кўйлагига бинафшалар қадалган, сочпонуқлари толбаргакдан  
Наврўзой Ж.Жабборовнинг “Наврўз келибон” шеъри билан айтилган қўшиққа  
саҳналаштирилган рақсни ижро этади.*

**Бошловчи қиз:** – Наврўз! Бу сўз дилларга олам-олам қувонч бахш  
этади. Унинг замирида ажиб нафосат, туганмас завқ-шавқ, зеболик,  
дилраболик ва муаттарлик бор. Наврўз уйғониш, меҳнат, меҳр-оқибат ва  
муҳаббат байрамидир. Бу фикрни кўллари меҳнатда қаварган бобо деҳқон  
ҳам, суруви ортидан яйловлар оша тоғ-тошлар кезган чўпон бобо ҳам, ишқ  
суруридан сархуш ошиқ ҳам тасдиқлайди.

**Бошловчи йигит:** – Наврўз – янги кун демақдир. Кексаларнинг  
айтишларича, Наврўз кирадиган кеча “Қозон тўлди” деб аталган. “Қозон  
тўлди” – соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир оила ўз имкониятига қараб тансиқ  
таомлар (кўпинча, палов), кўкат сомсалар, бўғирсоқлар тайёрлайди.  
Шунингдек, бобо Деҳқон ҳақиға “ис” чиқарадилар.

“Қозон тўлди” нинг эртаси куни “ис” ёғи билан қўшга қўшиладиган  
хўкизларнинг шохларини мойлашган. “Қозон тўлди” оқшомида тайёрланган  
таомлар ва пишириқлар кўни-кўшниларга улашилган. Шу оқшомда кечаси  
билан кўпчилик бўлиб сумалак ва ҳалим пиширилган. Бу таомлар қозони  
эртасига очилган (105; 10-б.).

**1-ўқувчи:**

– Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан,  
Ҳамма бир-бирига жигар сўз экан,  
Олам ҳам баробар кеча-кундуз экан,  
Бойчечак чиқибди бугун Наврўз экан.

**Кўкламой:**

– Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой бобо.  
Янги йилингиз муборак бўлсин, ой момо.  
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой она.  
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан.

**Наврўзой:**

– Ҳой, боғбон бобо, ниҳолга берсин барака.  
Ҳой, дехқон бобо, далангга берсин барака.  
Ҳой, чўпон бобо, қўрангга берсин барака.  
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан (105; 47-б.).

**Бошловчи қиз:** – Ҳозир навбат бойчечак, чучмомо, ялпиз, момоқаймоқ каби баҳорий чечакларни териш вақтида айтиладиган кўшиқларга берилади. Марҳамат.

*Қир-адирларга монанд тарзда дала гуллари билан безатилган саҳнага чиққан болалар қуйидагича айтимларни ижро этадилар:*

– Чимма, чимма, чиралай,  
Сенинг кўзинг куралай.  
Чув-чув момо.

**Биринчи чучмомога кўзи тушган бола уни суғураётганда:**

– Янги тўнинг кийиб чиқ,  
Кўҳна тўнинг қўйиб чиқ,  
Чув-чув момо, чиқ, чиқ!

**Қоқигул излаган болалар эса:**

– Топил, топил, топғач қуш,  
Топилмасанг ўтғач қуш (105; 38-б.).

*Қўлларига саватчалар кўтариб олган ўғил-қизлар даврага чиқишиб, меҳмонларга бойчечаклар ҳадя қилишади.*

**Гулларни хидлаб, кўзларига тўтиё қилган ёши улуг онахон дейди:**

– Омонлик, ҳей омонлик,  
Етдик Наврўзга.  
Унутилсин ёмонлик

Қут бер, ризқ-рўзга (105; 42–43-б.).

*Кекса кишилар тимсолидаги ўқувчилар келаси йилни соғ-саломат қариши олишни ният қилишиб, болаларга ширинликлар тортиқ қилишади.*

Яккахон ва хор ижросида “Бойчечак” қўшиғи янграйди.

**Бахши бобо жўшиб-жўшиб куйлайди:**

– Наврўз нишонаси бу,  
Бобо деҳқон иш бошлар,  
Эзгу ният билан у  
Ерига уруғ ташлар,  
Келинг Наврўз сайлига,  
Сиз ҳам келинг майлига (105; 93-б.).

*Деҳқон бобонинг даласига уруғ сочаётганлиги хатти-ҳаракатлари бир ўқувчи томонидан гавдалантирилади.*

**1-ўқувчи Деҳқон бобога қарата дейди:**

– Ё Деҳқон бобо.  
Қурт-қумурсқа,  
Жонли жонзотдан қолгани меники.

**2-ўқувчи давом этади:**

– Ё Деҳқон бобо.  
Ёмғир ёғдир, майсаларни ундир,  
Бола-чақанинг ризқини ўзинг етқир (105; 79-б.).

*Бир ўғил бола саҳнанинг ўртасига тошбақани тесқари томонига ағдариб қўйиб, чиқиб кетаётганида бошловчи йигит уни тўхтатиб, бу хатти-ҳаракатининг боисини сўрайди.*

**Бола:** – Маълумки, ота-боболаримиз қадим замонлардан буён деҳқончилик билан шуғулланиб, ҳаёт кечиришган. Бу удум мўл-кўл ҳосил, кут-барака манбаи бўлган ёмғир ёғишга қаратилгандир.

**Бошловчи йигит:** – Ёмғир чақиринг удумларидан яна бири “Суст хотин” маросимидир. Маросим баҳор фаслида қурғоқчилик бўлиб, ёмғир ёғмаса ўтказилган. Иштирокчилар қўлларида деҳқон паншаҳасига телпак,

чопон кийдириб, белини боғлаб, одам суратига киритиб, сахнани айланиб кўшиқ айтадилар:

– Суст хотин, сузма хотин,  
Кўланкаси майдон хотин.  
Ёмғир ёғдир ҳўл бўлсин,  
Еру жаҳон кўл бўлсин.  
Майсалар кулоқ ёзсин,  
Суту қатиқ мўл бўлсин (105; 52-б.).

*Кўшиқ ижроси давомида қўғирчоқнинг устидан сув қуйиб турилади. Саҳна ортидан момақалди роқнинг овози эшиттирилиб, сунъий ёмғир ёғдирилади ва “Суст хотин” олиб чиқиб кетилади.*

**Бахши бобо ёниб-ёниб кўшиқ айтди:**

– Бизнинг элда бу айём,  
Сумалаксиз ўтмайди,  
Ялпиз сомса ёпмасдан,  
Азиз меҳмон кутмайди,  
Келинг Наврўз сайлига,  
Сиз ҳам келинг майлига (105; 93-б.).

*Кўкламой ва Наврўзойлар чиройли идишларда ундирилган бугдой майсаларини олиб киришиб, атрофидагиларга улашишади.*

**Парда ёпилади ва яна очилади.**

*Кайвони момо бошчилигида ёш болалар териб келган тошчаларни дошқозонга солиб, сумалакни қўзғашда давом этаётган аёллар хатти-ҳаракатлари саҳна кўринишлари орқали намойиш этилади.*

**Кайвони момо:** – Келинлар, Наврўз удумлари, сумалак ҳақидаги ривоят ва ҳикматлардан айтамин. Момонинг ўзи “Сумалак – ўттиз малак” афсонаси билан гурунгни бошлаб беради.

**1-ўқувчи:** – Сумалак кўпчилик бўлиб тайёрланади. Қишдан эсон-омон чиқиб олдик, деб хонадонлардан бир косадан бугдой йиғиб олинади, бир

қозондан таом еганлар бир-бирига қариндошдек яқин бўлиб қолишар экан (105; 97–98-б.).

**2-ўқувчи:** – Айтишларича, ҳафтада бир марта яхшилаб ҳордиқ чиқариб, ойда бир ҳаммомга тушиб, йилда бир марта сумалакка тўйган одам сира касал бўлмас эмиш (105; 98-б.).

**3-ўқувчи:** – Наврўзда сумалак ва ҳалимдан ташқари яна йилбошининг оши деган рамзий таом тайёрланган. Одамлар уйларида олиб келган овқатлар дошқозонда аралаштирилиб, дастурхонга тортилган. Сайилга келганлар бу таомдан татиб кўришлари шарт бўлган.

**Тўлқинланиб куйлаётган Бахши бобога дўмбираси жўр бўлади:**

– Даврани кенг олайлик,

Улкан кураш бошланди,

Пойгага от солайлик,

Ана улоқ ташланди,

Келинг Наврўз сайлига,

Сиз ҳам келинг майлига (105; 93-б.).

*Мониторда кенг майдон бўйлаб кўпқари чонаётган чавандозлар, улоқни эгарига ўнгариб, белгиланган маррага келтириб таишлаган голиб гавдалантирилган “Чавандоз” фильмидан лавҳа кўрсатилади.*

**Полвон бобо чиқиб, салмоқ билан сўз бошлайди:** – Энди навбат миллий ўйинларимизга. Даврага кураги ерга тегмаган полвонларимизни чорлаймиз.

*Саҳнага чиққан икки нафар полвон йигит ўзбек курашининг айрим усулларини қўллаб, ўз чиқишларини тақдим этишади. Шундан сўнг икки гуруҳга бўлинган йигирматача йигитлар арқон тортишиб, куч синашадилар. Дорбозларнинг ёғоч оёқлар, масхарабозларнинг пантамимо шаклидаги дастурлари ижро этилади.*

Навбат ўғил болалар ижросидаги “Чўпон йигит” рақсига берилади.

**Бошловчи қиз:** – Азалдан Наврӯз тантаналари “Варрак сайли”сиз ўтмаган. Баҳор кунлари варрак учираётганда болалар шамолни чақириб, куйидагича қўшиқ айтганлар:

**Варрак учираётган биринчи бола:**

– Шамол-шамол,  
Бағринг камол,  
Онангни сув олиб кетди,  
Отангни сув олиб кетди,  
Эса қолсанг-чи.

**Иккинчи бола:**

– Шамол-шамол,  
Бағринг камол,  
Кетмонингни ерга қўй,  
Болангни сув оқизди,  
Эса қолсанг-чи.  
Шамол, бағринг камол,  
Чўлоқ кетмонингни олиб қоч (105; 37-б.).

Варраклар осмонга кўтарилади.

**Бошловчи йигит:** – Бугун байрамимизга мозийдан улуғ аллома боболаримиз ҳам ташриф буюришган. Марҳамат, уларни олқишлаб кутиб олайлик.

*Қарсақлар садолари остида ўз даврида Навбаҳорни, Наврӯзни мадҳ этган буюк шарқ мутафаккирлари, шоирлари тимсолидаги ўқувчилар даврага кириб келишади.*

**Бошловчи қиз:** – Афсоналарда айтилишича, Зардўшт ўзи яратган етти мўъжиза (сув, тупроқ, ҳаво, олов, ўсимлик, сигир ва одам)га монанад еттита байрамни ҳам жорий қилган эмиш. Еттинчи мўъжиза – олов ҳамда эзгулик ҳомийси Аша Вахишта шарафига баҳорий удум – Наврӯзни ўтказиш анъанаси пайдо бўлган экан (105; 7-б.).

**Абу Райҳон Беруний тимсолидаги ўқувчи:** – Жамжид подшо бўлгач, маъжусийлар динини янгилади ва бу иш қилинган кун, яъни наврўз “янги кун” деб аталди (105; 8-б.).

**Алишер Навоий тимсолидаги ўқувчи:**

– Васи аро кўрдум, тенг эмиш бўйи-ю сочи,

Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди чу наврўз [63; 247-б.].

**Навоий бобо сиймосидаги ўқувчи:** – Менинг истиқлол фарзандларига бир саволим бор. Қани кўрайлик-чи, жавоб бера олишармикан?

**Бошловчи йигит:** – Бош устига, бобожон. Улар сизнинг ҳар қандай саволларингизга жавоб топа олишади.

**Навоий бобо:** – Аждодларингизнинг сизларга Наврўз ҳақида мерос қилиб қолдирган қандай асарларини биласиз? Улардан мисоллар келтиринг.

Томошабин ўқувчилардан бир нечтаси саҳнага чиқишади.

**1-ўқувчи:** – Буюк олимларимиз Маҳмуд Қошғарий “Девону луғотит-турк”, Умар Хайём “Наврўзнома”, Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”, Ал Ҳаким ат-Термизий “Наврўзнома” асарларида кўкламни ва Наврўзни таърифу тавсиф этадилар. Мазкур асарларда аждодларимиз томонидан баҳор ва Наврўз айёми ҳақида бундан неча йиллар муқаддам яратилган кўшиқлар, ҳикматлар, ривоят ва афсоналардан намуналар келтирилган.

**2-ўқувчи:** – Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий бобомизнинг “Қиссаси Рабғузий” асаридан “Байт Баҳориёт”:

Кун ҳамалга кирди эрса келди олам наврўзи,

Кечди баҳман замҳарир қиш қолмади қори бузи [110; 103-б.].

**Алишер Навоий:** – Баракалла, азизларим, баракалла. Бу жавобларингиз билан каминани бағоят хушнуд этдингиз.

*Ўқувчиларга самимий тилақларини армуғон этган меҳмонлар хайрлашиб саҳнани тарк этишади.*

**Бошловчи қиз:** – Наврўз билан алоқадор удумлар ичида чуқур ғоявий мазмунга эга, энг завқли ва қувончлиси – мучал тўйдир. 12 ёшдан 13 ёшга кадам қўйган ўғил-қизларга илк бор мучал ёшини қаршилагани учун оппоқ

либослар тиктирилган. Ота-оналар фарзандининг кўнгли, умр йўли, келажаги нурдек ёруғ, эғнидаги кийимидан-да оқ бўлсин, дея эзгу ниятлар қилишган. Уларга либосларни ували-жували, оиласи барчага ибратли қариялар кийдиришган.

**Бошловчи йигит:** – Момолари, оналари мучал ёшини нишонлаётган фарзандлари учун кулча, сомса каби турли пишириклар тайёрлаб, кўшниларга улашишган. Халқимиз унинг номини “улиш” деб аташган.

*Мониторда мучал йили ҳисобига кирган ўн икки ҳайвон: сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғизлар тасвири гавдалантирилади.*

**Бахши бобо ўланини яқунлаб:**

–Товус мисол таралар  
Раққоса қиз ноз билан,  
Ҳикмат бахши куйлайди,  
Дўмбирадай соз билан,  
Келинг Наврўз сайлига,  
Сиз ҳам келинг майлига (105; 94-б.).

Бошловчи қиз тадбирни яқунлаш учун сўзни Кўкламой ва Наврўзойларга беради.

**Кўкламой:** – Азизларим, барчангизнинг қалбингизни йил бўйи баҳорий кайфият тарк этмасин. Мустақил юртимиздан Наврўз шодиёналари, тинчлик-хотиржамлик, хонадонларингиздан ризқ-рўз аримасин.

**Наврўзой:** – Зеро, Навоий бобомиз тилаганидек, “Ҳар тунунг кадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсун наврўз”.

“Баҳор вальси” янграйди ва қизлар рақсга тушадилар.

Қатнашчилар томошабинларга таъзим қилишади ва парда ёпилади.